



Қалам  
ҳар нарсаны  
ёзаверади.  
Лекин  
қалам эгасида  
виждон  
булиши керак...

# ВИЖДОН АЗОБИ

АМИНА ШЕНЛИКУҒЛИ

161

**Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshinilishi shart**

**ilganig'i benimalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--





АМИНА ШЕНЛИКҮФЛИ

# ВИЖДОН АЗОБИ



МУГА АСР АЙЛОДИ  
Тошкент  
2020

УУК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Турк)

Ш-22

Шенликуғли, Амина

Виждан азоби: мактуб-роман ва хикоялар / Амина Шенликуғли. Таржимон Йулдош Эшбек. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2020. – 192 б.

ISBN 978-9943-27-853-0

Турк адабиётининг забардаст адабаси Амина Шенликуғли номи бутун узбек китобхонларига яхши таниш. «Имомнинг манекен қызи», «Насроний атиргули» каби асарлари охирги йилларда кенг китобхонлар оммасида жуда машҳур булди. Мазкур «Виждан азоби» мактуб-романи ҳамда «Виждан кораймасин» хикоялар тупламидан иборат китобда укувчи муаллифнинг ажойиб сухбатдош ва холис тингловчи эканлигига тувоҳ булади. Китобдан ўрин олган тақдирлар турфа хил, аммо якун аксариятида ухшаш, яъни қаҳрамоннинг изтироби ва надомати укувчини сергакликка, мулоҳаза билан иш тутиш лозимлигига ургатади. Токи, катта хаёт ташвишлари ва орзу-ҳаваслар инсоннинг узмитига – одамийлигига раҳна солмасин, ҳеч ким виждан азобида қоврилмасин, ҳеч кимнинг вижданни қораймасин!

УУК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Турк)

Йулдош ЭШБЕК  
таржимаси



ISBN 978-9943-27-853-0

© Амина Шенликуғли, «Ниждан азоби». «Янги аср авлоди», 2020 йил

ВИЖДОН  
*азоби*



МАКТУБ-РОМАН

## ХАТО

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Аллоҳга ҳамд булсин!

Аввало севимли пайғамбаримиз Мұхаммад Мұстағога ва олу асқобига салоту салом булсин. Сизларнинг ҳар бирингизга ҳам алоҳида-алоҳида саломларимни йуллайман!

Исмимни очиқасига ёзишни маъкул курмадим. Мен журналингизни үқиб бораман ва жуда-жуда ёқтираман. Модомики, үқувчилар ибрат олсин дея «Виждан азоби» номли саҳифа бериб борар экансиз, мен ҳам бошимдан уттан воқеани билдирай, агар лозим топсангиз ёритарсиз. Ҳар ким ҳам мендай хато қилиши мумкин. Буни ёзишдан мақсадим, бошқалар – ёшлар, жоҳил мусулмоныар мен қылган хатони тақрорламасинлар, бу воқеадан ибрат олсинлар.

Ҳали саккиз ёшга тулмасимдан онам мен – эркатой қузичогини гузал жойлар – көнгликларга қуйиб юбюрлилар. Лекин бу көнгликларнинг узвахшийлари, бурилари бор экан... Мен ҳам бир бечора қузичок эдим, туркчани камроқ билганим учун уйдагилар мени бошлангич мактабга – Туркияга жунатдилар. Туркияда иккинчими, учинчи синфда үқиётганимда олғир бўри – хотинбоз курдга йулиқдим ва таландим, у менинг норасида ва буюира дунёмни вайрон килиб, ҳётимдан узоклашиб кетди. Ҳали гудак булганимдан ҳеч нарсага тушунмасдим. Орадан йиллар утди. Ун олтига кирдим. Үнга-бунга аклим ета бошиади, уша лаҳшатли кун ёдимга тушиб, духтирга чиқдим. Мен учун испод бўлгани ҳолни эшишиб, ҳакикатни англаш

етгач: «Раббим, улар булсам улиб булдим, бундан кура жонимни олсайдинг, яшамасайдим!» – дедим. Кузларимдан ёшлар оқар, дугоналаримнинг тасалли беришлари мени овута олмас эди. Энди уйимдаги-ларнинг юзига қандай қарайман. Виждон азобидан эзилар, ошкору пинхон фарёду фигонлар қиласдим.

Қиёмат кун, маҳшаргоҳда Яратган Этам хузурида гуноҳларим қанча, билмайман. Айтинг, мен фохишамни ёки бечора қурбон? Ё бутогидан юлинган айбсиз гул? Оллоҳим, мени афв этармикан?

Мен уша пайт ҳеч нарсадан хабарсиз, мәсьум гудак эдим.

Азиз уқувчилар, менинг бу муҳтасар, аммо аччиқ ҳаёт қиссамдан ҳисса чиқарсиналар, ибрат олсиналар, ёш фарзандларини узга ерларга юбормасиналар, ёлғиз, қаровсиз, назоратсиз қолдирмасиналар, дейман. Мента ҳам келажакда кимдир турмуш қуришни таклиф этар, табиийки, ушанда жавобим «йук» булади. Яна сизлардан сурайман: Энди не қиласман? Үйдагилар ҳануз ахволимдан хабарсиз, билсалар қай ҳолга тушаман? Боши берк кучага кириб қолдим, чикмокқа интиласман. Қутула олармиканман? Келажак наслни шок тарбияламоқчи булған оналарга маслаҳатим – фарзандларингизни бу заҳарли ойнаи жаҳондан эхтиёт қилинг! Мен олти ёшимда үйдагилар ухлагач, экран қаршисида ярим тунгача утирас ва разолатни тасвиrlовчи турли фильмларни томоша қилас, баъзи нарсаларни урганар ва айниқса, ашулачи булишни орзулардим. Уйнинг бурчагидаги бу тұртбурчак оғат мени шундай заҳарлаб құйғаңды. Биз ҳар кун курадиган ва одатда, үзиге тортадиган нарсалардан үрнак оламиз ва оқибати шұнақа хунук булиб чиқади...

Гапни чузиб, бошиңгизни қотириб юборғаним учун сизлардан узр сурайман. Келгусидаги ишларингизда муваффакиятлар тилайман. Олмониядан, номаълум муштариийингиз Ҳ.Ш.

Оллоҳ рози булсиин.

## **Жаңоб:**

Мұхтарам синглими! Мактубингизни үқиб, анча матьюсландик. Бошингиздан бир бор бундай воқеа үтибди. Ағсуыки, буни ортга қайтариш, түгрилаш мүмкін эмас. Шундай экан, кечмишга эмас, келажакка бөкшіш лозим. Бұ ҳодиса норасидаликда бошингиздан утгани үчүн сизнинг айбингиз йүк, сиз ёмон аёл ҳам әмессиз. Жоһил жамияттнинг құрбонисиз. Тортинмасдан ақволингизни онанғизга түшүнтиринг ёки бошқалар воситасида буни етказинг. Сизни келинликка сұраб келгәнларға ҳам вазиятни очиқ айтинг. Зотан, кечмишингизни очиқ айтышдан бошқа чора ҳам йүк. Бир марта бундай воқеани бошдан кечирганингизни уйлаб үзингизни йүккөтманг, энді әктиёт булинг. Бошқа алданманг. Бундан кейинги ҳаётингизге қараб. Исломни урганинг, бошқаларға ургатинг.

## БИЗ ҲАМ МУСУЛМОНМИЗ

Салон оркестр сасларига тулган, гумбур-гумбур, жаз-жуз овозлар қулоқни коматга келтирап, ҳамма рақс тушаётганиларни кузатар эди. Қизлар энг сунгти урфда кийиништан. Буялган киприклар, лаблар... тулгул очилган олов чехралар... Бир пайт мовий ёмгирипшүш (камзул) кийган бир киз үрнидан туриб, қаршисида уйнаётган дугонасига:

– Жуда ҳам исиб кетдим, – дели. Дугонаси эса:  
– Бир дақика булса ҳам бироз ечин, мана бунингни очиб қўй, жомеда эмассан-ку, ахир, туйдасан, – дели.

Мовий ёмгирипшли киз нозик бармоқлари билан юзидағи терларни сидириб қўйди. Унинг оппоқ юзи тобора қизариб борарди. Бир зум қуллари билан бошидаги дуррасини тузатган булди. Ложувард ипакдан туқилган бу либос бирдан бошидан сирғалиб ерга тушди, қиз нима булганини билмагандай хуркак холда орқа томонга қаради. Бир жаноб ракста таклиф этарди. Ҳаяжонга түшиб қолган киз шошиб ёпинчигини ердан кутарди. Чангларини қокар экан, барча уни кузатаётганини хис этди. Аёл-эркак, ёшу қари унга қараб туришарди. Қизнинг юзи уятдан оловдай қизарди. Не қиларини билмай қолди. Ёпинчигини бошқатдан бошига урамоқчи булаётган ҳам эдики... уни кузатаётган жаноблардан бири:

– Аттанд, шундай гузал соchlар яширилса, айб эмасми? Гуноҳ-ку, азизам! – дея қизга яқин келди.

Қиз илк бор бу ҳолга тушаётганидан уялиб қолган, жуда хижолат чекарди. Дурраси билан қайтадан бошини, буйнини уради. Сал аввалроқ үзини ракста таклиф этган ёш жаноб:

– Хонимафандим, жуда сиқилған куринасиз, хоҳласанғиз равоққа чиқиб, бирор ичкилик ичсак, – деди.

Қыз ортиқ чидағ туролмади;

– Йук, бейафанди, мен ичкилик ичмайман, – деди. Йигит сал нокулай тортиб, хижолатомуз:

– Нега? Соғлиғингизта түгри келмайдими? – деб суради.

Қыз узича үйланди: «Махмадана, тартиб-интизомли қыз эканимни куриб туриб сурайди-я». Йигит ҳануз тараалдууди, ҳаяжонли алпозда саволига жавоб кутарди. Чекинолмаслигини анлаган қыз:

– Бейафанди, билсанғиз керак, исломда маст қилювчи ичимлик ичиш ҳаромдир. Шунинг учун ичмайман, – деди.

Йигит эса ғашта тегар даражада бемалол тарзда:

– Ичкиликнинг ҳаром эканини биламан, – деди.

Қыз жуда ҳаяжонланди ва бироз ғазаб аралаш кишиди:

– Демак, билиб, мени ичкиликка таклиф этганингизни қандай түшүнүш мүмкін.

– Ҳа, түгри, атай айтдым.

– Нима демокчисиз? Мақсадингиз нима? – деди қыз яна қизишиб.

– Ичмайсизми?! – деди йигит.

– Мумина қызлар ичкилик ичмайдилар, – деди қыз.

– Мумина қызлар бунақа түйларга ҳам келмайдилар.

Чунки чолғу, мусиқа тингламоқ, ракс түшмөклик ҳаром эканини биладилар. Үйнамасалар ҳам бундай жойларда булиш, қатнашишнинг үзиёқ ҳаром эканини ҳам биладилар, – деди йигит.

Қизнинг юзи күкара бошлади. Аммо гапдан қолгиси келмасди. Салондагилар эса күнгилхұшлиқни қўйиб, уларнинг тортишувини кузатишарди.

– Модомики, исломни билар экансиз, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?! – деб суради қыз.

Йигит шу саволни кутиб турғандай дархол жавоб берә қолди:

– Қизиқиш, хонимафандим, қизиқиб қолдим.

Қиз хайрон булиб үйлади: «Ажабо, бу галати одамни нима қизиқтириб қолди экан?»

Лекин сураб улгурмасидан йигитнинг ўзи тушунтира бошлади:

– Салон қаршисидаги кучада кезиниб юрардим. Йулдан бир неча ёш аёллар, қызлар утиб боришар, бари яримочик кийинган, юзларини пардоз қилиб, бүёклар тортишган. Фақат сиз улардан фарқли равища, буянмаган ҳамда уранган Эдингиз. Бошқа аёллар бир дақиқа олдин бўлса ҳам қўнгил очишга шошилар, аммо сиз ёнингиздаги аёл билан секин юриб борардингиз. Маъзур тутгайсиз, бу орада сухбатларингиз қулоғимга чалиниб қолди. Сиз ёнингиздаги аёлга оёғингиз тортмаётганини, туйга боргингиз келмаётганини айтдингиз. У эса сизга туйга бориш билан гуноҳнинг бир-бирига алоқаси йўқлигини айтарди. Сиз асл вазифангиз бўлган – исломни узгаларга тушунтириш, етказишни унутиб, индамай унга эриашдингиз! Мен эса бундай очик-сочиқ туйда ураниб олган аёл нима қилишига қизиқиб қолдим. Шунинг учун бу салонга кириб, сизни кузатдим. Ва касдан сизни раксга таклиф этдим. Нима қилишингизга қизиқдим.

Келганига минг бор пушаймон бўлган қиз қаршисидаги йигит эсли-хушли эканини англади. Бунинг устига бу сузларни эшиштач, тоқат қилишга кучи етмади – куз ёшлиари оқа бошлади. Кузлари билан туйга бирга келган дугонасини излади. У ён томондан келиб:

– Сизга нима булди, жоним. Гузалим, туйни расво қилдингиз, совитдингиз, хор қилдингиз. Сиздайлар қўнгилхушликни тушунармиди?! Утдай келиб, утдай кетасизлар. Бирозгина маданиятли булсангиз-чи?! Қайси асрда яшаяпмиз узи, азизам! Шу замондаям калласига

ургимчак уя курганлар бор экан-да. Күнгил очмокчи эдик, имкон бермадингиз, – деди.

Асабийлашган қиз:

– Менга қара, Үлжой, мени бу ерга қуярда-қуймай олиб келганинг етмагандай, энди эътиқодимизни ҳам хақорат киласанми? – дея бақирди.

– Шу қадар иймонли, суфий булсанг нега келдинг?  
– деди униси.

Ва ниҳоят тортишув тугади. Қиз йигиштириниб, кетмоққа ҳозирланди. Сумкаласини олиб, эшикка қараб кескин юрди. Дугонаси Үлжой орқасидан қаҳқаҳа отиб, калака қилиб колди:

– Чоп, суфий, жойнамозингта чоп, курамиз!

Үйита етиб келтан қиз эса хонасига кириб йиглар, Оллохга дуолар қилиб, мағфират сурар, афв тиларди. Тонгтача ухламади. Виждони қийнаб, сурокка тутар, тергов қиласи әди.

«Мусулмонлигинг қани? Қани исломий яшамоққа ва даъват этмоққа килган қарорларинг. Үлжой гуноҳни қайдан билсин, сен нега унга эргашдинг? Гуноҳ эканлигини била туриб, нега куз юмдинг, нечун күл силтадинг? Тыйдаги йигитнинг сузлари ҳақ, узи ҳақли әди».

Йиглади... Намоз уқиб, Оллохдан кечирим суради.

Алламаҳал булиб кеттанига қарамай қизининг ухламаганини курган онаси Оллохга ёлворди:

– Оллоҳим! Пок Парвардигоро! Менга шундай қиз бердингки, кечанинг ярмини исён билан кечирди. Иккинчи ярмини ибодат билан утказмокда. Илоҳа! Парвардигоро! Қизимни кечаси ҳам, кундузи ҳам узингнинг йулингда юргувчилардан эт! Э Раббим!

## ВИЖДОННИНГ ШАФҚАТСИЗ ЗАРБАЛАРИ

Бошланғич, урта ва олий мактабларни тутатдим. Энди лицейга муаллима булмоқчи эдим. Бу орада турмушта чикдим. Эрим мендан кура ҳам диндан хабарсизроқ эди. Мен ҳали узини билмасдан, мусулмонга душманларга хос бир карашда эдим. Жомега борганини, намоз уқиганни қолок, руза тутувчини пархез қилувчи, орқада қолган одам, деб уйлардим. Муаллима булиб ишлаб юрардим. Бир кун энг севимли уқувчимишинг жомедан чикиб келаётганини куриб қолдим. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, жаҳлим чикса ҳам ҳеч кимга айтмадим. Шу хафта ичида охирги марта курганимда тоқатим ток бўлди, ўзи етмагандек яна уч-турт болани ҳам эргаштириб олганди. «Демак, аклли, илгор деб билган уқувчим замондан орқада қолганлардан бири экан. Қуйнимизда илон сақлаётган эканмиз. Эртага мен бу илоннинг бошини мажақлайман», деб мингириладим. Эртаси кун уни уртогининг саволига пиширлаб жавоб берадиганида тутиб олдим. Нимани гаплаштан булса, такрорлашини талаб қилдим. Дустининг саволини эшитмаганини айтди. Жаҳл билан яқинлашдид. Бирисининг қулогини чуздим. Мулжалга олган уқувчимга эса икки мушт туширдим. У довдираб валдиради:

– Мен нима қилдим? Мендан нима истайсиз? – деб маъсумона қаради. Унинг узини химоя қилиши менга ёқмади шекилли, яна шапалок туширдим. Шапалок овози синфдаги жимликни бузди.

Синфдагилар ҳайрон. Не булди оналаридай севган Мунис муаллимларига? Бир зумда оловдай ёндириб, уни бу қадар газаблантирган нима?

Бу саволлар жавобини бир мен ва Оллоҳ биларди.

Вақти келиб, Оллоҳнинг хос лутфи билан ҳидоятта келдим. Ҳидоятта келгач, мусулмонларни айблаб, уларни колок, қупол, орқада қолган, деб уйлаганларимдан уяладиган булдим. Энди уларга ҳавас билан қаардим. Мен иймоннинг ҳаётбахш суви, ҳидоятнинг нури билан кўкариб, ислом йулида букилмас-синмас куркам чинорга айланиб борардим. Аммо куну ойларки, юрагимни дард еб битирмокда эди. Мени еб битираёзган бу дард – виждон азоби эди...

Бир вактлар намоз уқийди, деб урган уқувчимнинг маъсум боқишилари намоз уқишимдан олдин куз олдимдан утади. Ҳар тун эса виждонимдан шафқатсиз муштлар едим. Балки гафлатда қилган бу гуноҳимни Оллоҳ кечирар, аммо уша уқувчимнинг ҳаққини қайда ва қай тариқа бериб, рози киламан?..

Мен исломдан хабарсиз оиласнинг қизи эдим. Шу атрофдаги қишлоқда үсдим. Бир кун овқат пиширдим. Йуғимда мушук боласи таомни еб, қолганларини ерга тукибди. Қаттиқ асабийлашганимдан жаҳл устида мушук боласини ердан ерга уриб, абжагини чиқариб ташладим. Буни қандай қилдим? Шу қадар раҳмсиз жонманми?! Инсон овқатни деб, маъсум ва бечора жониворни нобуд қиладими? Исломни билмагунча инсон инсон булмай, ваҳшийлашар экан. Мен ҳам исломни билмаганим, Оллоҳни танимаганим учун шундай шафқатсиз иш қилиб қўйдим.

Куп утмай турмушга чиқдим. Узимни баҳтли санарадим. Бир угил куриб, уйимиз янада обод булди. Үглимни жуда ҳам севар, еру күкка ишонмас, асрәб-авайлардим. Секин-секин улғайиб, саккиз-туққизга қадам қўйди. Лекин бунгача унга ҳеч нарса ургатолмагандим. Узим исломни билсайдимки, үглимга бирор нарса ургатсан. Ҳеч булматанда Найғамбаримизнинг (с.а.в.) исмларини ургатсан бўлмасмиди?!

Болам эшакка минишни яхши куради. Биз уйда йўқ пайтимиизда эшак билан уйнаш учун ипнинг бир учини эшакнинг белига, бир учини узиннинг белига боғлаган, қишлоқ кучуклари келиб ҳургач, эшак жон-жаҳди билан юргурган ва үглимни судраб кетган... Оҳ үглим! Пора-пора булган болам! Ҳар булагини ҳар ердан териб тупладик. Ушанда лоп этиб, мушук куз олдимга келди. Шунда ҳайвоний, балки ҳайвондан ҳам паст, ваҳшиёна иш қилиб қўйганимни англашим. Раббимдан афв сураб, намоз уқий бошладим. У мушук боласининг охини мендан олганди. Золим Оллоҳ ҳузурида азобланади. Буни исломни ургантач англашим.

Сиздан утингчим, ҳеч бир хайвон, ҳеч бир инсонта азоб берманг, зулм этманг! Чунки Оллоҳ мазлум томонда булаар экан, мен буни курдим, билдим. Мен виждон азобида яшаетман. Бу азобларнинг огири ва дардлисиدير! Қачонки мушукча курсам, ҳалок бўлган мушук боласи ва жонимдан ортиқ уз боламни эслаб йиғлайман. Куз ёшларимни тутиб туролмайман.

### Таржимондан:

Мен бу китобни таржима қиласар эканман, оддий одамларнинг оддий сүzlари инсон қалбига таъсир қилиб, чуқурроқ урнашишига яна бир бор ишондим. Яна ишондимки... виждон булсанга оғрийди. Виждони булмаганинг – ҳеч қаेरи оғримайди... Хозирча! Тавба қилмаса жони, тани оғрииди. Худо сакласин, тавба насиб этсан. Виждон – инсоннинг номуси ва динидир. Яна англаймизки, роҳат ва азоб инсоннинг узидадир. Жониворга, инсонга яхшилик қилгувчининг икки дунёда юзини ёргу, саодатли қиласди. Мана, бир жониворга зулм қилганинг аҳволини курдик. Мен бунга ишонаман. Бошқаларнинг ҳам ишонишини, Оллоҳдан, Унинг газабидан, азобидан қўрқишлигини истайман. Шунга ухшаи воқеа бизнинг ҳаётимизда ҳам булиб утган.

Отам, умуман, бувимдан ташқари уйимиздагилар гуштхур эдилар. Иккита қушнимиз қассоб булиб, икки қўши ҳалтамиз доим уларда бўларди. Ҳар бири 4-5 килодан гушт чиқаришарди. Бири мол гушт, иккинчиси қўй гушт бериб юборишарди. Айвонимизга сим тур ҳалталарда, дорда, гул михларда гуштлар осиглиқ турарди. Иккита ёввойи мушук пайдо булиб, гуштни еб, ҳатто судраб кетадиган одат чиқарибди. Отам кечириб, сабр қилиб келарканлар. Бир куни отам дустларини меҳмонга чақирганида, гуштли овқат урнига шилпилдоқ келган. Отам воқеани эшишиб, хижолат чекканлар ва газабланиб, меҳмонлар кетишгач, янги гушт олиб келиб, аввалгидай айвонга ёйиб... хулас, мушукларни тутуб қопга солиб, ерга уриб, улдирғанлар.

Үша күни мен ва укам касалхонага түшдик. Күп азоб чекдик. Оддий куричак жарроҳи уч-түрт соат давом этди. Нафас ололмасдан, ҳалок булишимизга оз қолди. Отам мен ва укамнинг азоб чекканларини билиб, биздан кура күпроқ қишиналдилар. Отам жуда кунгилчан, яхши одам эдилар. Беайб Парвардигор деганларидек, газаб ҳолида шундай иш қилиб қўйғанларидан күп афсус чекдилар. Пушаймонлик – тавба шартларидан дейишади, ишқилиб тавбалари қабул булиб, укам иккимизнинг тортган азобларимиз гуноҳларига каффорат булган бўлсин! Охиратга қолмаган бўлсин! Шу воқеа эсимга тушса, мен ҳам йиглаб, Оллоҳдан сўрайман, отамни Узи кечирган бўлсин!

Оллоҳнинг маҳлукларини севганни Оллоҳ ҳам севади, дейди машойихлар. Яхшилик қилишга кўчимиз етмаса, ёмонлик қилмайликки, бу ҳам бир яхшиликдир. Оллоҳдан, Унинг азобидан қўрқайлик. Чунки бировга қилингган ёмонлик – узингга қилингган ёмонликдир. Бировни азоблаш – узингни азоблашингдир. Оллоҳ тез ҳисоб қилгувчиидир!

Бизнинг виждан азобимиз бошқаларни кидан фарқлироқ. Фарук Аҳмад билан уйлаб курдикки, бизнинг хикоямиз ҳам бир канча одамларда марҳамат туғуларини уйғотиши мумкин. Ҳар қалай, шундай умид ва ишончдамиз. Биз ёзайлик, сиз лозим топсангиз ёритарсиз.

Биз бувимиз (онализнинг онаси), ота-онализ – жами етти киши бир оила булиб яшардик. Шод ва баҳтиёр эдик. Онализ ва бувимиз диндор эдилар. Акамиз йипирма беш, мен үнолти, укам үнбеш ёшда эдик. Акамиз ҳам үқиб, ҳам ишларди. Онализ бир кун акамизга:

– Али Домаднинг кизи Дурдонани сенга олиб берайлекми, – дедилар.

– Мен у қизни ёқтираман-у, лекин жуда диндорлиги юрагимни сиқади-да, – деб жавоб берди.

Куп утмасдан Дурдона опа акамта олиб берилди. Отa-онам диндор булғанлари учун куда тараф бунга рози булишди. Улар турмуш қуришди. Лекин биз янгамизни ёқтирмадик. Мактабдан келишимиз билан онализ уйда булмаса, дастурхон ёзиб овқатта таклиф этар, лекин биз овқатланмасдик. Оқшом акамизга:

– Янтам бизни оч қолдирди, – дердик. Акамиз янгамизни уради. Асабига тегардик. Ҳижобли, қолоқ, деб уни камситардик. Бечора янгамиз:

– Нега бундай муомала қиласиз, мен ҳам сиздай инсонман. Айбим Оллохнинг амрида булганимми? – дерди. Йигларди. Биз яна ғашига тетар, ёқтирмас, унга түнгизга қараганцай қаардик.

– Бизнинг уйимиз масжид эмас. Намозингизни жомега бориб үқинг, – дердик.

Айтмаган ёлғонимиз, килмаган тухматимиз қолмади. Қуни-құшниларта уни хасис, писмиқ, паст, деб гийбат килдик. Онализни тезда ишонтириб, үзимизнинг

таъсири мизга олдик. Билмаганлари учун онамиз тез алданцилар. Ва отамизга:

– Бу келин угилларимизни қон қустирмокда, – дея отамизни ҳам ишонтиардилар.

Янгамиз билимдон эди. Ибодатлари ҳам онамникидан фарқли булиб, факаттинга намоз үқиб қуя қолмай, фикрларини бизга ҳам юктирмокчи булар, лекин биз... Бир куни:

– Сизда хеч инсон қони борми? Мендан нима истайсиз? – деди бизга ва сунг йиглаб юборди.

Кечкурун акамиз уйта келганиларида биз унга:

– Янгамиз ота-онамизни «ҳайвон» деб ҳақоратлади, – дедик. Акамиз янгамизни яна урди. Янгам йиглаб:

– Хотинидан шулар түгрими-йуқми, дея сурамасдан, айбим булмагани ҳолда мени урадиган инсон билан ортиқ яшамайман, – деди ва үйдан чиқиб кетди.

Беш ойдан сунг ажралиши. Қунё Қарамонда туришарди. Бурсага кучиб кетди. Орадан куп утмай акамиз Юсуф Карим уғлиниң ёрдамида тавба килди. Биз ҳам икки-уч йилдан сунг тавба килдик. Иймонимиз зиёда булиб бортани сайин, янгамизга қилган пасткашлигимизни эслаб эзилардик. Бир куни барча гапни акамизга айтдик. «Иншооллох, балки Яратған сизни ва мени афв этар, бориб Дурдонадан узр сураб олиб келайлик», деди. Орадан гүрт йил үтганди. Акамиз: «Кулимдаги жавоҳир қадрини билмадим. Мен ҳам инсонманми?!» деб гудакдай хунграб йиглади. Бурсага бордик. Янгамиз Ийлиримда туришарди. Махаллаларини топдик. Ўйларини сураб, шуни билдикки, бир йил бурун янгамиз турмушга чиқибди. Уша ерда учовимиз ҳам йигладик. Бурсадан Қунёгача акамизнинг юзларига қарай олмайдик. Ҳануз қарай олмаймиз. Дурдана опамизнинг юзига маҳшаргоҳда қандай қараймиз. Виждан азоби бизни эзib юбормокда. Ва виждан сизлигимизни унутолмаяпмиз, унута олмаяпмиз...



Уни сизга қандай таништирсам экан. Қизиқиб колдингизми? Ҳозир айтаман. Виждон азобимга ҳамдара буларсиз. Узингизни мен билан бирга хис этиб, қайғу дарёсига гарқ буларсиз...

У менинг жигарим, жоним, жон қариндошим! Үнга исломдан суз очгудай булсам ҳаяжонланар:

– Мужохид бұламан. Үкишни битирар-битирмас чоршаф урайман, – леб улуғ орзуларидан сузларди. Биргалиқда Ислом йулида ҳаракат қилишдан сузлашар, ақдлашардик. Уни түгиштаним, жигарим дедим, чунки «муминлар бир-бирига қариндошылар». Келажак ҳақида шундай гузал орзуларда юрганимизда биродаримни үйидагилар бу мактабдан олиб, бошқа мактабта топширдилар... Ва орамиздаги муносабатлар заифлаша бошлади. Унинг мактабдан кетаёттан дамдати қиёфасини тасвиrlай олармикинман? Күzlари ёшга тулган... Ёноклари ҳул... Йиғлаб айттылған шу сузлар хануз кулокларим остида жаранглайди:

– Опажон, онамлар билан гаплашиб куринг, сиз уларни ишонтира оласиз. Узингиздан мени ажратишларига йул қўйманг... Менга ёрдам беринг, опажон! – деганди. Бечора синглим қандай жамиятда яшаётганимиздан хабарсиз эди. У куп нарсаларни хали билмасди. Жамият бирорга ёмон тамға урдими, у жамоатдан ажратилади... Унинг онасига ҳам шундай ёмон тамға босилган эди. Шунинг учун уларникига бормоқчи булганимда онам:

– Уларникига бориб, уша аёл билан сұхбатлашсанг, берган сутимга рози эмасман, – дедилар.

Билмассан, жигарим... ҳатто онангнинг сен билан сузлашишини истамаслар, ишон... Лекин мен асло улар билан ҳамфир әмасман. Билардимки, сен айбсиз эдінт.

Сен ишончга тулиқ әдинг. Сен исломий яшамокни истардинг.

Сени мендан болқа тушунувчи йүк эди. Сени тушунишни истамайдиганлар күп Эди, жигарим, мен улар ичра ёлғиз әдим, ёп-ёлғиз! Сенинг айбасызлигингни канча айтсам ҳам тингламадилар, ишонмадилар мента.

– Унинг айби йүк, гунохига қоласиз, – дедим. Яна нималар булди... Барибир ҳеч натижата эршиша олмадим.

Ҳар қалай нима булганида ҳам, сенга ишончим мустақкам ва одоксиз әди. У ҳеч қачон узгармайди, дердим. Шу ишонч, шу фикрлар асосида илгарилашингни умид қилиб яшадим. Орадан кечган бир йил ичида сен узлигингдан айрилмадинг. Юрагимнинг қаърида әдинг, ишон, жигарим... Узимнинг туғиштанимдай әдинг. Чунки ишончимиз, эътиқодимиз бир әди. Қандай қилиб сени уйламай? Қандай қилиб сендан айрилишни истай? Сен ислом фойдаси учун шахс булмоқчи әдинг...

Доим сендан гузал хабарлар куттардим... Бу умидар кутишим аччиқ бир хабар билан қалбимни яралади. Эшитдимки, овози бүгилған дутонаніннинг урнига мактаб хурига күшилибсан. Кейин ресторон ашулачисига айланибсан. Эркак дүстларинг сени бир-бир табриклар экан... Доим сенга муҳлис эканини изҳор этишаркан... Ваҳоланки, сен менинг билишимча, бундай ишни улим ҳисоблардинг. Асло лапар айтмасдинг... Бу ишларни исломдан ташқари, деб билардинг... Энди буларни унутиб... узгардинг. Не қилай... куз ёшим, фифонимни ичга ютишдан булак кулимдан не келарди?!

Шундай қилмоқчи әдингми, жигарим! Сен билан шундай булишини сұзлашармидик! Бундай ёмон хабар эшитгунча, улим хабарини эщитсам коцки әди! Исломдан ташқари чиқмасликка суз берган әдинг-ку! Куфр ботқоқлари ичра очилған Ислом Гули булмоқчи әдинг. Ботқоқлик ичра минглаб кизларнинг ҳидоятига сен васила булмоқчи әдинг. Исломни етказмоқчи әдинг.

Нима қилиб қүйдинг, жигарим, не қилдинг?! Не қилиб қүйдинг?!

Юрагимни қанчалар ёқдинг! Виждонимни нечөгөлик зирқирадинг! Сени қандай қилиб йүқотдим? Сулишинта қандай құл силтадим, қандай куз юмдим?! Ботқоққа ботишингта қандай рози бұлдим? Уйлаганим сайин әзиламан. Сенинг бу ҳолға тушишинта мен сабабчи бұлдим. Ердам сураганингда кулимдан ҳеч нарса келмади. Ота-она, атроф-жамоат деб, сени бузилган жамият билан ёлғиз колдирдим.

Кечир, мени жигарим! Афв эт, синглим! Сенға ёрдам этолмаганим, сен учун бурчимни бажара олмаганим учун афв эт! Сени, сен каби юзлаб ёптарни ботқоққа ботиртанимиз учун афв эт! Сени ҳимоя қила олмаганим учун кечиришинги сурайман...

Ва сизлар! Эй, узидан үзгани қутқармок жафосини чекмаган, уйларига бекиниб олган мусулмонлар!

Исловатхона – тузоққа туштан ҳар қиз учун масъул эканлигитизни үнугман! Ишончи әговлана-этовлана динидан үзилган ҳар ёшнинг уволи зиммангизга юклянишини англайсизми? Оллоҳни инкор этиб, ота-онасига исёнкор булған, Куръонни топтаб, исломга куфр этувчи ҳар ёшга ҳар мусулмон жавобтар әмасми?!

Оллоҳим!.. Аслида бу менинг әмас, жамиятнинг виждон азобидир... Кечир, мени синглим! Афв эт, жигарим! Ва сени сендан айирғанларни... Сени сендан тортиб олғанларни... Ва гулдай сұлдирганларни... Мени ва бошқа мусулмон қардошларингни кечир! Йуқса, виждон азоби мени әзіб, парчалаб ташлайди!

## ОТАМ УЛИМИДАН КЕЙИН

Менинг исмим Қоя. Ҳозир Абубакрман. Бугун отам мозорга, онам қамоққа кетди. Мен оиласизнинг тұнғич фарзандыман. Мен учун жону жаҳоним, ҳар кимим укам ёлғыз Чингиз (Али) қолди.

Ажал онамнинг қули билан отамни олиб кетди!!! Онам қибсда нима қилади? Онам отамнинг қотилими? Йүқса отамни, болаларини, ҳатто жамиятни күткәрмоқчи булған фидокорми? Саволлар... Жавоблари борми-йүқми? Онамизни қамоққа, отамизни мозорга йулладик, икки бола уртада қолдик! Бу жамиятнинг тасқара башарасидир... Бу хаёт бир неча кишининг хаёти эмас, отаси арокхур, онаси қотил, бизнинг куз ёшларимиз, мاشаққатларни булишганиларнинг ҳаёти...

Биз икки ака-ука онамизнинг ҳаётини билишга қизиқардик. Онажонимиз бироз жім булиб қоларди. Юзини машаққат чулғарди. Сунгра ғамгин табассум килардик, шу юз ҳаракатлари уннг дардла аёл эканини англаштарди. Уша пайтларда бизни хафа қилмаслик учун бизға қарамасликка, юзларини курсатмасликка, яширишга уринарди.

– Отанғиз билан орамизда бешиккерті деган нарса бор эли. Отанғиз мени севганини айтар, үzlари келишган, севимли ҳамда муаллимликка меҳр қўйған эди... Уйланиш учун уша пайтларда шу хусусиятларнинг узи етарли эди. Мусулмошик ахтармасдим, тутрироғи, мен ҳам диндан хабардор эмасдим. Мени отамдан суратди, бермадилар. Мени олиб қочди, турмуш қурдик. Бир йилча баҳтли яшадим. У пайтлар ҳам ичарди, лекин оз ичарди. Уйда ҳаддан ташқари туплон кутармас эди. Бир йилдан кейин ичкиликка ружу қўйди. Биринчи фарзандимиз қиз булди, лекин улди. Кейин сен

туғилдинг. Уч йилдан сүнт Чингиз... Бундан кейинги хаётим ҳар кун бир хил кечди. Таёқ, зулм, очлик, кейин узларингиз ултайиб ҳаммасини үз кузларингиз билан курдингиз»...

Кошки, улғаймасайдик, кузимиз билан курмасайдик, онажоним! Сизга қилинган зулмлар, калтакларга жавобан йиғлардик. Бошқа қулимиздан ҳеч нарса келмасди. Отамни инсон дейишимиз учун үзимиз инсонниқдан чикишимиз керак булади. Ҳайвон ҳам дёйлмасдик... Чунки бунақа ҳайвон ҳам йүқ эди... Отамиз инсон куришидаги ғалати яратик эди.

Муаллим булгани учун мактабга боришига туғри келар, лекин бормасди. Дарс утишга бизларни юборар, мудир сураса, касал дердик. Келолмаслигини айтардик. Давлат муаллим тайёрлаб, диплом беради ва бир синф 20 – 25 та үкувчини қулига топширади, у уларга хушахлок булишни ургатиши зарур. Лекин у маст, мактабга келмайди. Оиласига зулм қиласиди, оч қолдирди. Лекин ой ботшида маошини нақд унлириб кетади. Отам динсиз одам эди. Онамни ҳам үз таъсирига олар, үзига үхшатмоқчи булаар, лекин онам Оллоҳдан кунгил узмасликка харакат қиласиди. Лекин отам онамнинг нағоз укиши, руза тутишига тусқинлик қиласиди. Доим утқир асбобларни яшириб қуярдик, бизни яралаб ёки үлдириб қуишидан куркардик.

Бир куни бесунақай сёқлари билан онамни тепди, онамнинг унг коши ёрилиб, атрофни қонларга буяди. Отам онамни қанча урса ҳам онам бизни уртага аралаштирумасди. Бизни урдирмас, бор зулму жафони үзи чекарди. Лекин унг коши ёрилиб, ҳар тарафга кон тизиллаб отилганда, неча йиллардан бўён илк марта мени чақирди.

– Қоя! Мени кутқар! Кутқар, болам, ёрдам бер!

Онамнинг улиб қолишини ўйладим. Отамни ушлаб тортидим. Отам турди, тигли нарсаларни ахтарди. Топол-

магач, мени урди. Эрталаб Чингиз мактабга кетишидан солдин уни ҳам урди... Отам олган маошини деярли ич-киликка сарфлар, ора-сира онамта ҳам берарди. Бозорга борилмас, тузукрок таом емасдик.

Ароқхур одам ҳайвондан ҳам баттар буларкан.

Отамиз уйла яланғоч юрар, хожатхонага бормас, уйда – тогорага ёзиларди. Тогорани ҳам биз ёки онам келтиради. Ҳайвонга ухшаб букиради. Агар тогорани келтиравермасақ, уйнинг дуч келган жойига катта-кичик ёзилаверарли. Ҳа, булас ичкликтининг курсатган ҳунарлари эди... Онам отамни улдиришидан бир кун аввалги оқшом ҳам маст эди. Онамни, мени, Чингизни урди. Шомданоқ ҳайвондай бақира бошлиди. Даф булишимизни, йүкса ҳаммамизни улдиришини айтди. Йиллар тинглаган таҳдидлар эди бу. Эрталаб мактабга кетдим, шомга яқин соат бешларда амакимнинг қаҳвахонасига утдим. Амаким отамни курсатиб:

– Эпай олмаётир, – деди.

Отам одатдагидай маст, чой қуймоқчи булас, лекин тўкиб-соcharди. Отамни уйга олиб келдик. Укам мактабда. Онам утиналарни майдалаб, тешани унугиб пойгоҳга қолдирган. Отам ичкари кириши биланоқ одатдагидай бақириб-чакирди. Отамнинг пойабзалини ечмоқчи бўлганида, отам онамни тепиб юборди. Ва болтани олиб онамта ташланди, онам қулига ногаҳон теша тушиши билан хушини йукотиб, отамнинг бошига урди. Онам камзул кийиб, эшикни қулфлаб чикканларида мактабдан Чингиз келиб қолди. Онам йулда воқеани Чингизга айтмагани учун у отам онамни уриб, қариндошларникига кетган, деб уйлаган. Ва, албатта, кейинроқ ҳаммасидан хабардор булди.

Онам вазиятни тогамнинг ўғлига тушунтириди. У:

– Бор, таслим бул, – деди. Онам қотил каби маҳкамага борди. Ҳолбуки, онам қотил эмас эди, ўн түққиз йиллик азобга нукта қўйган, узини ҳимоя қилган бир аёл. Агар

онам отамни улдирмаганда, отам онамни улдиради... Лекин воқеани халққа ёйган газеталар үzlари истагандаридай ёлғон-яшикни ёзмокдалар, бу узини ҳимоя қылған аёлга тұхмат қилишдан бошқа нарса әмас. Мана, шу газеталардан биттасининг хабари: «Маст эрини улдирған хотин – икки боланинг онаси узини миршабға топшириди. Ичкилик ва таёк 19 йиллик оиласи бузди, вайрон қилди, орқада оталари ёки оналарига йиғлашни билмаган икки бола қолди. Эр-хотин уртасида 19 йилдан бері давом этиб келаёттан жанжал утган куни жиноят билан яқунланди.

Болалари мактабдалигига эрини эшик ортига яшириниб куттган Ойша Қүшчи уни ичкари кирап-кирмас, илгаридан ҳозирлаб қуйған теша билан бошига уради. «Мени эзаёттан эримнинг улими әмас, болаларимнинг ҳам онасиз, ҳам отасиз колишидир», дейди».

Фидойи онажонимиз эңг қийналған пайтида ҳам бизларни үйларди. Ун йилларки, уша азобларға бизни деб чидаў келмадими?! Бизни эзаёттан нарса ҳам онализдан айрилиш әди.

Отамиз ҳар куни сукар, телба каби бақиради. Онам теша билан бошига уриб, уни тинчтитди. Ҳеч булмаганда, отамизнинг дунёда чекаёттан азобига яқун ясади. Баъзан отам бұлғани, онамга зулм қылтани әсимга тушиб, яхшиям улди, деб юбораман. Қисқаси, үйлаб қарасам, отамнинг үлганига севинар эканман. Отам уз қариндошларига ҳам иснод келтирар, улар бизникига келишмасди. Онам қамалгунicha отам учун намоз уқи-ди. Динсиз булған отамнинг жаноза намозини уқишиб, уни мусулмон каби күмдилар. Онам қамалғач, синовли күнлар бошланди. Бир күн бу, бир күн у қариндошни-кида турамиз. Овқат бериб кузатадилар, кузатадилар әмас, кетказадилар. Кейинроқ, баъзи мусулмонлар бизларға ёрдам беришди. Ҳозир шу мусулмонлар ёнидамиз.

Биз уқиб, динимиз учун фойдали инсон булишни орзу киламиз. Энг улуг тилагимиз: онамиз бироз ол-динрок булса-да, ҳибсдан озод булишини, түйиб-түйиб бизни бағрига босиши, бошимизни силашини кутамиз. Шуни айтиш эсимдан чиқмасинки, динимизни урганар эканмиз, исмәларимизни ҳам узгартырдик. Мен Абубакр, укам Али номларини олдик. Аммо динни урганганимиздан сунг, отамиз унинг иймонсиз улганидан қайғурдик, маъюсландик, гуссаларга чумдик...

## ВИЖДОН АЗОБИ ТИНУРМИ?

Севимли қизим! «Мактуб» журналини үкидим. Кечмишимни уйладим. Бир жиҳатдан утган ишга салавот, дедим. Яна бир жиҳатдан, мени қийнаётган виждоним азобини ёзиб, күнглимини буштатай, дедим.

Қимматли қизим! Мен бу сатрларни гунохимнинг ташҳири учун эмас, эркак фарзандларимга сабок булсин деб, битмоқдаман. Балки сизга ёқмас, журналингизда ёритмассиз. Бу сизга ҳавола.

Бу нодонлигим ҳақида қандай суз бошласам экан. Қисқаси, шундай: 19 ёшда, турт йил мени кутган Малак билан унаштирилдим. Бир фабрикада ишчи эдим. У шу фабрика мудири Исмат бейнинг қизи, айни вақтда ўша ерда котиба эди.

У лицейни, мен бошлангич мактабни тугатган эдик. Турмуш курдик. У мен учун куйиб-қўйманар, менга қаттиқ боғланган меҳрибон аёл эди. Аскарликдан қайтгач, менга кулидаги ва буйнидаги тилла тақинчоқларини берди. Жағолуғлунда атторлик моллари дуконини очдим. Аҳволим яхшиланиб борарди. Лекин мен хасталашиб қолдим. Йил бўи Жарроҳпуша Тиб факультетида даволандим. Афв этасиз, ҳожатта боришимгача хотиним ёрдамлашарди... У исми жисмига монанд Малак эди. Мен учун йитламаган куни булмасди... Қисқаси, хотиним фидокор ва жафокаш аёл эди...

Шундай килиб, йигирма олтига кирдим. Соғайдим. Фарзандли булдик. Қайтадан дукон ишлари изига тушди, яна ишлай бошладим... Ҳали айттанимдай уни жуда севардим...

Доимий ҳаридорларимдан бири, йигирма ёшлардаги Насрин деган киз бор эди. Мен билан сұхбатлашиши жуда таъсирли таассурот қолдиради. Авваллари: «Лаънат бул-

син, шайтонга», – дедим. Икки йил унинг менга нисбатан муносабатини англаёлмай юрдим. Жафокаш Малагимга хиёнат килюмасдим. Шайтон ҳам бекор турмас, мени Насринга қараб тортарди. Шунга қарамай курашдим, охир Насрин ўлиб келди. Оиласи эканимни билишига қарамасдан, мени узиники килишга уринаи, бунга чора излади.

Мен Насрин билан ноқонуний ҳаётимни бошладим. Уйга борганимда, хотиним менга яхши мумала қилиши билан инжикилгим тутар, уни эзишдан завқланувчи одамга айланиб борардим. Малак ҳайрон эди:

– Нима булди, Исмат, – дер, мен эса янада купрок уни кийнар эдим. Қай тарафга бош уришимни билмас, арзимас нарса учун уни дүппослардим. Йиллар утди. Насрин билан орамиздаги ҳаром ва ношаръий муносабат үзини курсата бошлади. Аммо Малак ишонмади:

– Менинг эрим бундай иш қилиши мумкин эмас. У мени севади, – дея миш-мишларни ёлғонга чикааради. Бу қандай гапки, у менга булган ишончи туфайли бу ҳақда мендан сұрамади ҳам. Бу мени янада зазарди...

Бир кече Насриннинг уйига бордим. Унинг уйига кирганим захоти, оғим шолға үхшаб қолди... Юролмадим. Уша кече унинг уйида қолдим. Эрталаб Насрин касалхонага элтиш учун машинага чиқараётгәнида мени құлатылаб олди. Амина кизим, шу ерда нима булсам булдим... қарасам, қаршимда Малак тикилиб турарди. Мен қотиб қолдим. Малак ҳам шу холла эди. Бир пайт Малак иикилиб тушди. Зурға ёнига бордим. Одамларнинг ёрдами билан уни машинага миндердим, үзим ҳам миндим. Эслаёлмайман, қайсиdir шифохонага элтдим. Аммо гишт қолипдан күчган, Малак шол булиб колтан, мени танимасди. Шифохонада бир ой ётди. Чикқач, хотираси жойига келди. Аммо мени куришни ҳам истамади. Мажидиядаги тоғасиникига кетди. Қанча ёлворсам ҳам уйига қайтмади. Болаларга у-бу нарсалар юбориб турди. Уни күп йиллар куролмадим. Белдан пастини

тутолмасди. Ҳали ҳам шундай ҳолда, деб эшитаман. Яна орадан йиллар үтди. Фарзандларимиз турмуш куришди. Мени курмаслик учун туйга ҳам келмади. Уни йигирма уч йилдан сунг углимнинг уйида курдим. Кошки уни бу ҳолда кургунча кузларим кур булсайди. Чўкиб, кексайиб қолган. Дарду ғами юзига ёзилган, юз битикларидан уқилиб, билиниб туради. Мени кургач:

— Келинг, Исмат, ишингиз оқибатини кулинг. Балки ифтихор этиб, узингиз билан мактанаарсиз, — деди. Тош қотдим. У утирган жойга қараб юрдим. Менга бақириди:

— Қани чиқинг, чикиб кетинг, бу ердан чиқинг, чик... — дей йиглаб кўборди.

Ҳозир үглимнинг уйида экан, бутунлай ётиб колган эмиш. Углимни огоҳлантирибди:

— Агар уни ичкарига киритсанг, сенга берган сутимга рози эмасман!

Хўлас, Малак жон чиқар ҳолда ҳам мени куришни истамайди. Насрин туфайли севимли хотинимга жаҳаннам азобларини солдим... Виждон азобидан кутулома япман. Оллоҳга ёлвораман: «Жонимни ол!» дея, лекин... Оллоҳга, Малакка қилтан зулмимнинг ҳисобини қандай бераман? Насрин деб вайрон этдим Малагимни... Жигарим эзилади, ковурилади, узимни қулоқларимдан деворга михлаб қўйгим келади...

Амина қизим! Езинг, менинг бу жирканч аҳволимни, токи ибрат булсин, шаҳват деб оиласларни бузаётган фарзандларимизга!

Сизга юрагимни бироз бушатдим. Журналда ёритмасназ ҳам, бироз тинчландим. Ҳеч булмаса, орқамдан булса-да юзимга тупургувчи топилар... Болам, йиғлаб ёздим, қандай ёзилди, билмайман, хатоларини узингиз тұғриларсиз. Кейин Ражаб углимта юборарсиз... Журнални Малагимга уқиб берар, ҳеч булмаса, уттис йил уни деб йиглаганимни билар. Езилг, болам, ёзинг, бу

кекса кишининг виждан азобини ёзинг. Шундай виждан азобики, бундан кура итдай улганим байрам эди.

Қизим, вактингизни олдим, бошингизни котирдим. Оллоҳга омонат булинг... Мени дуо қилинг. Мени қандай даво тузатишини билмайман. Балки сиз биларсиз, мен чолга ёрдам беринг...

### Жавоб:

*Мұхтарам ұлугимиз! Оғамиз!*

Мени йиглатған «достон» ингизни бироз қисқартыш билан журналда зълон қылмоқдамиз. Иншооллаҳ, Малак холамиз үқиб, сизни кечирар, кечиришилари ҳам керак... Чунки бу қайғы-аламлар, кину адоварлар бу дүнёда, охиратда ҳам фойдасиз. Аксинча, жуда затарли. Ҳам нечун ағв этмасындарки, ҳәртапи Оша (р.а.) онамыз Расулмуроҳни (с.а.в.) севгандаридан күнроқ севармидилар сизни... Волидамиз ушаңык зотни бөшқа өзлидаларымиз билан бүлишардилар, шуни холамиз бир үйнаб курсалар яхшии булады...

Күрардиларки, бұу ү қадар жиғдии түс берадиган өнекеа әмас.

Ха, уртада ислюм шүүрүи бүлмаганды қилинган хатто әхиенат ҳақида... аммо хатоларни ҳатто Оллоҳ кечиради, агар ҳақиқий тавба қилинса.

Сизнинг хатоингиз исломни яшамаганингиз ва Исломни бүлмаганингизниң оқибатидир. Малак холамиз ҳам піни ҳолдашар... Улар ҳам исломни биліп яшасалар, Оллоҳга таслим бенде бүлсалар ҳар яхшилик, ҳар ёмонликни Оллоҳга ҳаюла эта оладиган шүурда бұла билсалар эди, ушандай мүдхиликка түши масдилар.

Хеч бир нарсага кеч қолинжайди. Үлім келмасдан күп нарсага үлгурса булади. Сиз пүшаймонсиз, тавба қилинг. Яратғанга сигининг... Сизни дахтари эта оладиган сабабларни ёлгиз Оллоҳ яратади.

Малак холамиз ҳам Оллоҳга сигиниб, Оллоҳ ағв этүкчи-ларға ватыда этган мүкофотта эришсіндер.

## ОХ, ОЛМОНИЯ! СЕН МЕНИ КҮЙДИРДИНГ

Комил билан турмуш құрганимиздан сунг қийин күңіларни бошдан кечирдик. Кичик бир хонада қайношам, қайнисинглім, ҳаммамиз бирга турар, тұnlари шу хонанинг бизға ажратылған булмасига утардик...

Машакқатли, оғир күнлар эди... Бир неча ойдан кейин хомиладор эканимци билгач, ақтимдан озгудай булдим. Бу қадар кичик уйга, бирор марта дастурхонта икки хил егулик тополмай тұрганимизда яна бир шерік қүшилмоқчими... Комил доим таскин-тасалли берарди... «Оллоқ буюқдир... бизнинг тоғтанимизни тополмаёттанлар, биздан кура қийиншөр әхволда яшаёттанлар бор, сабр қыл, шукр қыл...»

Сабр этмокқа ҳолим бормиди! Тузум етиштирган, күчаларда үлгайған қыз әдім. Комил билан истироҳат болғида танишдик, бир-биримизге күнгіл қойиб, турмуш қурдик. Аммо бу шарт-шароитларни билмас, үйимдагиларға ҳам бирор нарса дейәлмасдим. Чунки узим пиширган ошни айланиб ҳам, ургилиб ҳам узим ичишим керак.

Фарзандимиз туғилишига уч ой бор эди. Бир дүгонамнинг эри Олмонияға ишчи булиб кеттанини эшитиб, уйға югурдым. Комил ухлаёттан әди, шошиб үйғотдым:

- Комил, туриңг, тез булинг!
- Нима булди, ёв босдими?
- Ҳа, йүқ, аммо мұхим бир гап...
- Юрәкни сикмасдан айтқол, тезрок.
- Захро опанинг эри ишчи булиб кетди. Эрталаб эшитдим. Сиз ҳам борсанғыз буларди. Фарзандли була-миз, бу қашшоқлик, бу изтиробдан қутулайлық, – дедим.

Мен ёлворганим сари урад этар, боришни истамасди. Хафа булиб, ғам чекканим туфайли уринга ётиб қолдим. Ҳолимга ачинди. Бир куни «хуп», деди. Кетувчилар руйхатига ёзилди. Ва икки ойдан сунт Олмонияга жунаб кетди. Бизга ундан пул кела бошлади. Менга мактуб йуллаб: «Уй олиб, сизларни, утлимни ҳам келтираман», деб ёзарди. Бир йил утгач, биз ҳам Олмонияга бордик. Қашшоқ кунларимиз барҳам топди. Жуда бой булмасак-да, турмушимиз жуда ширин, гузал эди. Утлимиз усив бораради. Иккинчи фарзандимиз ҳам уғил булди. Орадан етти йил утди. Ярим тун эди. Комил ишдан келмади. Бирор жойда ушланиб қолтандир-да дедим... Телефон жиринглаб, хавотирли товуш эшитилди.

— Комилбей ҳозир шифохонада, — деб манзилини айтди.

Ё Оллоҳ! Қандай тап, телба булаёздим. Ташқарига отилдим. Гүё йуллар битмас, касалхона зиналари купа-йиб бораёттандай эди...

Комилни мента курсатмадилар.

— У оғир яраланган, эртага қуришингиз мумкин, — дейишиди ва қилиниши лозим булган ишларни айтишибди. Мени касалхонада ҳам қолдиришмади. Тутри уйга келдим. Тонгача мижжа қоқмадим. Болаларга ахволни бироз булса ҳам тушунтирдим. Лекин уларни шифохонаға олиб бормадим. Эрталаб узим бордим. Шифокор юзимға қараб, умидсиз оҳангда:

— Эрингиз улди. Пастда, моргда, — деди.

Уша пайтдаги ахволимни қандай изохлайнин. Раббим ҳеч кимни бундай куйга солмасин. Ҳеч ким бундай мусибатни курмасин. Унгга-чапга чопиб, моргни ахтариб, югуриб чарчадим... Бир мутахассис нимани ахтараёттанимни суради. «Морг» дейишим билан мени Комилимнинг ёнига олиб борди. Комилнинг устига ёпинчик ташлаб қуишишганди. Қулларини қўкси остидан бир-бирига ўтказиб, чалкаштириб қуишишганди. Дарҳол

кулларини ёзиб түгриладим. «Бу мусулмон, насроний эмас», дедим. Мутахассис менга каради. Чунки мен мусулмон аёлга ухшамасдим. Эримни хам мендай булса керак, деб уйлашганми, эримта насронийча муносабатда булишган...

Сунгра Комилнинг энгил-бошини келтирдилар. Кул румоли, пайпоги – ҳамма нарсаси кон эди. Ҳамёнини хам бердилар, ичиди пуллари бор эди. Яна бир киши майда пулларни ҳисоблаб, ҳовучимга қўйди. Мен пулларни уша ердаёқ сочиб ташладим. Уша пуллар учун Комилимдан ажраб қолгандим. Энди у пулларнинг нима хам кераги бор эди. Энди уша пуллар юрагимни ёқади, мени куйдиради. Энди Олмония деган сўзни эшитсан, ёшлар, эрим тул топгани сафарга кетаяпти дейишса, юборманг, шукр этинг, сунгра куйиб қолманг, дейман. Ҳудо курсатмасин, эрингизга бирон нарса булса, сунг виждан азобида қийналманг!

Ун турт ёшымда мени истамаган кишимга турмушга бердилар. Отам улиб кетгани учун амаким ихтиёrimга қарамади. Ва турмуш курдим. Бир йилдан сунг эрим йул фалокатидан ҳалок булди.

Ун етти ёшымда яна турмушга бердилар. Бу эрим киморбоз экан. Мен ишлардим, у бекорчи эди. Бир фарзанд курдик. Номус қылдам, айрилмадим. Зотан, ажрашишта оилас, уйимдагилар рухсат беришмасди.

Мен ун туқкыз ёшда эдим. Бир куни эрталаб уйга кириб келган эримнинг ёнида ёш аёл бор эди. Аёлнинг отаси эримга киморда ютказиб қўйибди. Эримнинг ёнидаги аёлни кургач, дарду дунём қоронги булди. Мени бир хафтага амакимникига жунатди. Ҳалиям ажралишта изн бермасдилар. Дала-даштда, тогу тошда, кучаларда йиғладим. Иккинчи турмушим ҳам шу тариқа машаққатли кечди. Кундошим мени ёқтиридади. Қандай виждонсизлар бор дунёда, уз уйингдан узингни хайдайди. Эримга қарадим, нима деркин, деб кутдим. Шунчалик кийналишимга қарамасдан, ажрашишни истамасдим. Болам бирорларнинг қулига қарамасин, тирик етим булиб қолмасин, дердим. Фариб ҳолда ёлвордим ҳам. Аммо булмади. Эримнинг кузи ҳеч нарсани курмас, қулоги эшитмас, «Ол, ҳароми болангни, кет!» – дерди. Уз боласини ҳароми деган ота билан бегонанинг қандай фарқи бор, деб уидан кетдим. Уз уйимда болам билан узимни сиғиндидай ҳис этгандим.

Йиғлаб-йиғлаб амакимникига келдим. Бу ерда ҳам биз узимизни сиғиндидай ҳис килдик. Ҳар сўз менга қаратилгандай эди. Амаким уз боласига бакирса, менинг боламни хуш курмаяпти, деб уйлардим, узимни узим еб битирардим.

Орадан йиллар утди. Йигирма беш ёшимда мени арзирумлик 35 ёшлардаги бир кишига бермокчи булдилар.

— Йук, мени турмушга берманглар, учинчи эрга чикмай, — дедим.

— Сен ва боланға караёлмайман. Шунча бокқаним етмайдими, — деди амаким.

Бу сүз у ёқ-бу ёғимдан утиб кетдики, жонимга қасд қилмоқчи булдим. Узун бир арқон олдим. Экинзор даламизнинг адогида сой буйидаги қайнита арқонни боғладим. Арқонни бошимдан утказиб, сойта узимни ташламоқчи әдим. Шунда раҳматли отамнинг сұzlари ёдимта тушди. «Охират азобини билмаган инсонлар бироз қийналдими, улимни истайдилар», дегандилар. Үйланиб қолдим. Ҳеч булмаса таҳорат қилиб олай, дедим. Йиглаб-йиғлаб таҳорат олдим. Хунграшларимга сой, дара акс садо берарди. Бирдан миямта урилди, купи билан ярим соатдан сұнг у дунёда буlamан, у азобим бу ердагидан зиёда булса-я...

Яна йиглаб-йиғлаб узимни үлдирмокдан воз кечдим. Үйга келганимда болам мени йиглаб излаб көрганини курдим. Унинг «Она-а!» деб йиғлашлари... Буни курмаганлар билмайдилар.

Бир хафталан сұнг арзирумлик кипи онаси билан мени сураб келди. Амакимдан:

— Менинг икки марта турмуш қилганимни айтдингизми? — деб сурадим. Амаким:

— Айтдик, — дедилар.

Ниҳоят, яна турмушта чиқдим. Бир ой уттак, эрим боламнинг отаси қандай үлганини суради. Мен: «Улмаган, кошки үлсайди», дедим. Үйимдагилар буни айтишмаган экан. «Мени нега алдадинглар?!» деб күйиб юборди. Яна амакимнинг үйига келдим. Курмаган қийинчилігим, әшитмаган сұзим қолмади. Охир жонимни сирқиратған сұз шу булди: «Ол, ҳароми болангни, үйимдан кет, жаҳаннамга утиб кет!» — дейишгач,

яна турмушга чиқиш мажбуриятида қолдим. Атрофдан уялардим. Аммо бу турмушим – түшунгән киши зелилар: «Хафа булма, бу сенинг тақдириңг, ундан уялма», дедилар. Аммо не ёзикки, уч ойдан сүнг бу киши оламдан угди. Ақлимен оздим. Үн уч ой даволандым. Бир йилдан сүнг амаким ҳам қазо қилди. Ё тиленаман, ё яна турмуш қиласын, дедим. (Мұхтарам үқувчилар! Диққат қилдингизми хоним кардошимиз, онамиз, «ёмон үулта кираман» демаяптилар, ёмон ибрат курсатмаяптилар.) Болам: «Она, бозорға бориб битта ота олайлик», дейишини қўймади. Нима бўлса бўлар деб, яна турмушга чиқдим. Саккиз йилдан бери турмуш қилиб келаяпмиз. Эрим қизимга уз фарзандига қарагандай қарайди, танбех бериш керак бўлса, уз қизига уз отаси танбех бергандай беради. Яхши инсон. Лекин маҳаллада отимни етти эрли Ҳурмуз қўйганлар. Қанчалар хафа бўлдим. Ҳамма сизга виждон азоби ҳақида ёзади. Мен эса уларнинг ҳеч виждон азобини чекмаганларини ёзаман. Чеккан азобларимни биладиларми?

Эрқаклар ҳам ажралиб, яна уйланадилар. Айтганингиздай улар иснодга қолмайди. Ҳазрати Ҳадича ҳам уч марта турмуш қилдилар. Айбми, ихтиёrsиз, мажбуриқдан турмуш қурмок?! Бу инсонлар қайси үлчовга кура мени айлашларини англаёлмадим. Ғарбда аёлнинг кўп турмуш қилиши айб эмас, Исломда ҳам аёл кайфу сафо учун ажрашмаган бўлса, гуноҳ саналмайди.

Хуш, бу золим инсонлар нети мени айблаб, ахволими англамаслар!? Нечун бизни йиглатадилар?!

## ОТАМНИ ЙИГЛАТДИМ

Мехрибон ва раҳмдил Олмоҳ номи билан бошлайман.

1984 йил.

Унга тикилган кузларимни ҳеч ололмасдим. Сахнанинг энг олдида эдим. Сахнага чиқиб қучоқлашмоқ истаганиларга, айниқса, ёш кизларга тусқинлик қилувчи қуриқчиларга, думалоқ сахнада узларидан кеттүдек аралаш-куралаш рақс тушаётганиларга ҳам қарамасдим. Қуллари пианино устида кезар, мухлисларини бор кучи билан жуштирас эди. Бир зум кузимиз кузимизга тушди. Уни кулларида гул билан бетоқат кутаётган хушторлари ёнимда гурух-гурух эдилар. Кузим соатга тушиб, хушим бошимдан учди. Соат тунги 1.30 га яқинлашарди. Энди отамга вима дейман. Сунг узүзимга тасалли бердим. «Тинчлан, кирқ йил ичида бир марта кеч борсам нима булибди», – деган тап эсимга тушди.

У ногоҳ мухлислари ичра куздан гойиб булди. «Яна эшитайлик! Илтимос қиласиз!» – ҳайқирикларидан сунг яна бир бор куринди. Ноз киларди. Нихоят соат 2 га яқинлашганда мен, опам, Туйғу Монканинг машинасига миндик ва уйга қараб йўл ола бошладик. Учови сузлашарди. «Биттаси пул тутди-я! Нариги савдоий ким эди? Улгудай маст! Бор-Э, Умид деб турганимизда ярамас, абраҳлардан бири...»

Сұхбатга қўшилмасдим. Уй суриси борардим: «Отамонам акам Тулгани олиб, бизни бувимга қолдириб, Олмоцияга келтандилар. Бир неча йил аввал, бу ерга келгач, туғилган укамиз ва икки синглимиизга қарашимиз учун бошлангич мактабни битиргач, бизни ҳам ёnlарига олиб келдилар. Тулға буткул турклиқдан бир олмон қиз билан яшаб, биздан ажралди. Бизни

унутди. Күп сиқилганидан онам ишдан бушагандилар. Доимий хаво алмаштириш нияти билан Туркияга ва турли шаҳарларга кетардилар. Духтирлар уни узок бир кишлокқа дам олиш, соғайиш учун юбориши. Опам ва мен телба туптолончимиз. Отам сокин, вазмин, камгап инсон. Наригилар ҳали кичик.

Рамазон ойидамиз. Руза тутиш, унинг муҳимлигини тушуниш қаёда! Эгнимда тор жинси, устимда қалта чарм камзул, кулокларимда wolken... мусика тинглайман, велосипедда кезаман. Бир куни яшил мерседес, 34 рақамли, ҳозир кассетасини тинглаганим, тушларимни забт этган севимли күйчим – Умид Басанни куриб қотиб қолдим. Кун келиб у билан бирга булишга умид боғлаган кишим. Кузларимга ишонмасдим. Бу ерда қандай иши бор экан. Шитоб билан келган мерседеста тез-тез қараб қуярдим. Шошиб телефон кулбачасидан уйта, опамга хабар бердим. Кани ишонса!

– Синглим, Умид, Умид дея уйғоқ ҳолда ҳам уни түшингда кўра бошлабсан, – дея кулди.

Жаҳлим чиқиб уйта келдим. Опам ишонмаганидан дутоналаридан сурагани бозорга чиқиб кетибди. Устма-уст, шилдат билан қунғироқ жиринглади. Күп вақтдан бери дустлашмокчи булиб юрган шилқим Бульант экан. Опамга берган хабарни менга айтди:

– Шанба куни концертига бормаймизми? – деб суради у ялиячоқ оҳангда.

Уша кун келди. Отамдан қандай қилиб рухсат оламиз? Ёлғонладик. Бугун рузадор эканимизни ва Туйгу бизни ифторга таклиф этганини айтдик. Бечора отам ишондилар. Меъёри билан кийиниб, отам ва укаларимни қолдириб, шомта яқин кетдик. Туйгуларникига бортанимизда, ҳаяжондан титрадик. Туйгунинг жавонидан очик ва ҳашамдор либос танлаб, юз-күзимни буяб, пардоз-аңдоз қилдим. Ух! Гузал! Монкан машинасида келганини сигнал чалиб билдириди. Дархол

ташқарига отилдик. Туйгунинг отаси йүқ, онаси эса ишда эди. Шунинг учун унга уйдан чикиб кетиш осон күчди. Жунадик. Бордик. Қорним ҳам пиёзнинг пусти булиб кетди. Уринларимизга жойлашгач, нон орасига солинган түнгиз гушти сурадим. Энди емокчи булиб турғандим, ёнимда Бульант пайдо булди, кузларини кузларимга тикиб:

– Уял! Шундай муборак күнде түнгиз гуштими? Ейсанми шуни?! Ахир, макрух-ку! – деди.

– Мен сенга ухшаб замондан орқада қолғанлардан эмасман, руза ҳам тутмайман, – деб кулдим.

Умид Басан саҳнага чикди, курдик, тингладик. Орзиқиб кутганимиз шу одамми?... Бақалоқ, куриниши узига яраша. Шуми, менинг севганим?! Қандай телбалик экан уни севмок.

Үйга келдик, уйлашдан тухтадим. Машинадан тушар эканман, юрагим отилиб чиқкудай қаттиқ уради. Зинада опамга:

– Бас, бу ёлғон айтишимизнинг энг сунгтиси булсин, – дедим. Зурға юриб борарканман, йиқилиб тушудай бўлардим. Соат иккига яқин қолганди. Отам эшикдан қараб:

– Йуколларинг келган жойларингта! Даф булларинг! Сенилардака фарзандим йүқ! – дея бақирдилар ва ранглари аввал оқариб, сунгра сарғайиб кетди.

– Ота, хеч нарса булгани йүқ. Саҳарлик қилдик. Туйгу куйиб юбормади, – дедик опам билан баробар.

– Ёлғон гапирманг, телефон қилдим, йүқ эдингиз, – дедилар отам.

Ёлғонимиз ҳам фош булди.

– Ота, эшикни очинг, бошиқа такрорланмайди!

Отам йиғлардилар.

– Уяламан сенилардан, номус қиласман. Даф булинг!..

Бу шовқиндан уйгонган укам отамнинг оёкларини қучиб, бизни киритишлигини ёлвориб суради. Биз бошимизни этганча кутдик. Эшик очилди.

– Ҳаром қоттурлар! Тфу! – Отам йиглаб бизга қараб тупурдилар. Ҳонамизга ютурдик. Ортимиздан укаларимиз чиқиб, ёшли күzlари билан:

– Сизлар ёмонсизлар. Отам мижжа қоқмай сизларни күтдилар. Сиздан нафратланамиз, жодугарлар! – деб чиқиб кетиши. Секин ётогимга кирдим. Йиғладим. Пастда опамнинг сигара чекаётганини сезиб турардим...

Мен севги ахтарардим. Шу кеча томоншада тушундимки, Умид ҳам менинг излаганим эмас экан. Бир ёр истардим. Кучли, қувватли, ҳар нега қодир, ғаму севинчимда бирга, меҳрибон. Танҳолигимда ҳам бирга, мададкор, ёрдамимга ҳамиша ҳозир суюкли бир ёр истардим. Ва ниҳоят, топдим. Истардимки, севгилимни ҳар ким билсин, севсин. Уни севган күпми, озми, мен Уни севаман. Унга ошиқман. Марҳаматли, меҳрибон, доим мен билан бирга, ҳар қачон ҳар ерда мададкор Яраттан Оллоҳга ошиқман. Уни телбаларча севаман. Уни топдим. Севгилимни топдим. Уни севаман, Уни севғаниларни севаман!..

... Яна муборак Рамазон ойидамиз. Уша утган исёнкор кунларимни эслаб, қайгуларга чұмаман. Ҳозир отам биз билан фахрланадилар. Шодмиз. Энди юртимиздамиз. Баҳтлимиз. Аёллар лиbosларга уранган, кұлларда Қуръон! Тилда куфр йүк. Қуллар самода, лаблар, қалблар дуода. Ҳаяжонда Оллоҳдан мағфират тилайди. Кетмасин, тутамасин бу Рамазон, деймиз. Ҳаётимиз раҳбари – Олий Китобимиз тарқ этилмасин, жавонларда чант босиб қолмасин. Яна ун бир ой Мавлога исён байроби кутарилмасин. Жоме ўрнида сартарошхона очилмасин. Гузал ислом ғарип ташлаб қуйилмасин. Шу муборак, Рамазон ойи ҳурматига уйғонинг! Бедор булинг! Огоҳ булинг! Исломни, унинг саодатбаҳлигини күринг, билинг, мен баҳтимни, ҳузуримни ундан топдим. Исломдан топдим меҳр-муҳаббатни, ишқи ҳақиқийни.

Эй, хоналарини фахш, шахвоний суратларга тулдиргандын үғил-қизларига индамаган ота-оналар! Фарзандингиз уша ботқоққа ботишини истайсизми?! Жирканч фильмлар томоша килишини, улар ёмон йулга бошлишини хоҳлайсизми?! Дастанхонлар атрофида маст булиб утиришини, Оллох берган гузал овоз билан шайтонни уйнатмогини истайсизми?! Истамайсиз! Болаларингизга эгалик қилинг! Раҳбарлик қилинг! Барчамиз Мавло, Расули ва Исломга кунгил берувчи, Оллохнинг шифоси – дин йулида мұжодала этувчи ҳақиқий құллардан булайлик! Иншооллох!

## ОНАМ ВА ОИЛАМ МЕНИ ХАҚЛИ ТАРК ЭТДИ

Сизларга ахволимни қисқача баён алай. Умид этурманки, сизлар ибрат учун ёшларга етказгайсиз. Мен виждан азоби ичра хузурсиз хаёт кечирмокдаман. Дардимни билган дустимнинг тавсияси билан «Мактуб» журналига ёзмокдаман. Мен қилган хатони бошқалар қилимасин, дейман. Онажоним хақларини утай олмадим. Мен учун узларини утга-чуққа урдилар. Мени Куръон урганиш боскичига йуллаб, Оллоҳ йулида юришимни истадилар. Менга дунёнинг уткинчи эканини англатишта харакат қилдилар. Лекин мен онаизоримнинг бирор сузига эътибор этмадим, қулогимга олмадим. Чунки отам томонидан онамга қарши душманлик туйгулари билан туйинтирилган эдим. Афсуски, камоққа тушиб хатоимни англаганимга қадар онамни энг катта душман, деб билардим. Лекин не ёзиқки, гишт қолигдан күчтан эди. Онамнинг ёлворишиларига кулоқ солмасдан 15 ёшимда турмушта чикдим. Йукса, онам огохлантирган эдилар:

— Куй, воз кеч фикрингдан, бахтли булиб кетолмайсан.

Лекин мен унга энг оғир сузни айтдим:

— Мен воз кечсам, унга сиз турмушта чиқасизми?!

Фарзанд онасига айтиши мумкин бўлган сузмиди бу?! Онажоним хафа булдилар. Лекин улуғлик курсатиб, мени афв этдилар. Оқибат эса онам айттанидек булиб чиқди. Турмуш зиндан бўлди. Эрим менга кун бермади. Дунё неъматларидан мени маҳрум айлади. Мен кун буйи уйга қамалиб утирадим. Эрим хатто қушниларникига чиқишимга изн бермади. Саккиз йил чидадим. Булмади. Ажрашдик. Онам:

— Кизим, энди мен билан тургин, ёнимда бул, — дедилар. Бу тал ҳам онамни тингламадим. Биттасининг ёлғон ваъдасига учиб, онамни тарқ этдим. Уша ишонган кишим мен туфайли мумайгина пулни кўлга киритишни, мени исловатхонага сотишни мўлжаллаб кўйган экан. Аввал мени ресторанлар, кўнгил очадиган жойларга олиб бориб, кункитирмокчи булганини тушунмадим. Мени түкин-сочин хаётга, куп пул топишга ургатди. Пулимиз тугагач эса, менинг имзом билан куп пул топишимиз мумкинлигини айтди. Бу қандай булишини тушунгач, рад этдим. Мени қийнай бошлади. Аввал қўл-оёғимни боғлади. Кейин сёқ бармоқларим орасига кистирган қофозларни ёкли. Лекин бу билан чекланиб қолмади ва мақсадига ҳам етолмади. Ойлар утгач, у жиноят қилди ва менга таҳадид солиб, узига содик қолишимни талаб қилди. Ниҳоят, хароб бўлдик. Ҳозир мен шифохонада суюгимни даволатяйман. Онамга қилтан хақсизлигимни тушундим. Уни нақадар куп қийнаганимни англадим. Онамнинг қадрини билдим. Лекин у зот мени кечиравмикин? Шунча разилигимдан сунг ҳам афв этармикин? Лекин қамоқхонада шу хақиқатни – ростдан ҳам дунё неъматлари уткинчи эканлигини англадик. Ҳозир фаолиятсизман. Туғри йўлни курсатувчи, Исломни ургатувчи Улугни топсам, дейман. Оллоҳга қайтишни, онам ва Оллоҳдан афв сурашни истайман. Кечирилишни истайман. Йўқса, умрим азоб ичра утади. Улгунча виждан азобидан қутулмайман. Ҳозир улим тушагидаман, Оллоҳимга ёлвораман, афвга сазовор қилмай туриб, жонимни олма, дейман.

Ҳа... түгри йўлни – ҳидоятни курсатган онамни тингламадим. Жуда кеч уйғондим. Бошқаларнинг ўз вақтида уйғонишларини тилайман. Кичикилигимда эшигтгандим: «Жаннат – оналар оёғи остидадир!» Не ёзиқки, ҳадиснинг қадри вакт утиб англашилмоқда. Окибатда

мен улим тушагидаман. Онам ва уйимиздагилар ҳақли равищда мени тарк этдилар. Икки фарзандимга: «Ёмон хотиннинг болалари», деган тамға қолдирдим. Мени виждан азоби уртайди. Аммо ҳаётни оркага қайтариш мумкин эмас. Ахволим танг, имконим кам... ғоят ҳолим мушкул...

Агар улиб кетсам, мендан рози булинг, азиз Онажоним! Сиз ҳам мендан рози булинг, болажониарим!

## ОТАМГА ҚИЛГАНЛАРИМНИ УНУТОЛМАЯПМАН

Бұғалғи виждан азоби ифодаси – мактуб әмас. Ҳозир қаршымда турған йигирма түрт ёшли аёл – Фотима Калиұнчұ айтиб турди, биз ёздик.

Фотима Калиұнчунинг виждан азобини үз оғзидан әшиштайлик.

«Отам жула діндор, маңнили, менга дустимдай меҳри-бон, муомалали, хамдард, ҳар қандай дардимни бемалол айтишим мүмкін булған мұкаммал отадир.

Менинг мусулмон қызы булишимни истади. Үғоят шириң сузлар билан менга очиқ-сочиқ юрмаслигимни, намоз уқишимни айттарди.

Мен отамни тушуниб-түшүнмай тинглардим. Эхтимол, нафсимни енголмадим.

Отам менға жуда шафқатли мұносабатда буладыки, изохлашта ожизман.

Уранған ҳолда түрмушға чиқдим. Бир үйл үранған ҳолда юрдим. Эрим бир үйлдан сүнг секин-аста үзгара бошлади ёки мен уни энди-энди англағ борар әдім.

Түйларға бораёттанимизда сочимни турмаклаб олишими сурарди. Мен ёшлик, иродасизлик ва атроф таъсиридаги заифлигим туғайли күн сайин очила бошладим. Аста-секин үзгариб борардим. Лекин отам буладан бехабар әди. Кейинроққа бориб тамоман очилдім.

Отамнинг хузурига ураниб борардим. Рухимда изтироб бор әди. Иккіюзламалик қилаёттаним мени әзаёт-тан әди. Үзимни бир тартибға хам сололмас, эримнинг мұносабати нафсимга кенгрөк йул очиб берарди.

Әнди Фотима отаси билған фариштали қызы әмас, балки отасига хойнлик, хиёнат этувчига айланғанди.

Бир кун Рамазонда оғзимни совуқ сув билан очдим.  
Нима булганини билмайман. Ҳушимдан кетдим. Эрим  
куркқанидан мени ташлаб қочибди. Аммам келиб қо-  
либди, караса мен ерда ҳұшсиз ётибман. Дархол отамга  
хабар қилибди. Отам мени шифохонага элтибди. У ерда  
узимга келиб, күз очсан, отам тепамда маъюс йиғлаб  
утирибди.

– Отам нега йиғлади? – деб онамдан сурадим.

– Кизим, отанг тирнокларингдаги буёқни курдилар.  
Бундан кура ултаним яхшийди, дедилар.

Буни эшитиб, дунём коронғи бұлды.

Мени жонидан яхши кургувчи отамнинг эътибори-  
дан қолгунча, мен ҳам ултаним яхши эди. Оллохдан  
нета уялмадим, қуркмадим?! Бу саволга ҳануз жавоб  
беролмайман.

Эримдан ажрашдим. Фотихдаги аммамнинг уйла-  
рита жойлашдим. Очик булганим учун отамникига  
боришга юзим чидамади. Бунинг устига ҳануз очик  
булганим учун шуниси бемалолрок дердим ва шундай  
яшағни истардим. Бир тұда дугоналар орттирдим.  
Улардан фарқим йүк, пардоз-андоз, соч турмаклашда  
айнан ушаларнинг узи эдим.

Вақти келиб бошимдан күп вөкөалар үтди.

Нима бұлганини англағасдан, кутилмаган ҳодиса  
туфайли Фотих Амният Амирлигидә күзимни очдим.  
Яна кейинроқ узимни қамоқда курдим.

Ҳайрон эдим. Бу ерга қандай келиб қолдим? Ол-  
лохнинг интиқомими бу?! Отамта муносабатимнинг  
жазосими?! Иш бу билан ҳам тугамади.

Хали қамоқхонанинг хаяжонлари кетмай туриб...  
эрталабки рұзномаларни укиёттан эдим... Ё Оллох! Бу  
қандай даҳшатли хабар! Рузномадати расмда узимни  
куриб турардим.

Боши очик сурат. Хабар қурқинчли эди. Сарлавхада:  
«Гузал Фотима үттизта талончилик килди!» дейилганди.

Йиғламоқдан үзимга келолмадим. «Уттиз талончилик»  
кайдан чиқди?

Ох, отажон! Сизшинг охингизми булар!

Дугоналарим ёнимта келиб:

— Сен бу газеталарга купам аҳамият берма, хаммамиз  
хақимиздаям ёлғон-яшиқ гапларни ёзиб чиқишади.  
Бургага аччиқ қилиб, курпани күйдирма, — дея тасалли  
беришди».

Фотима буларни хикоя қилғач, урнидан турди-да,  
рузномани келтирди:

— Мана, үзингиз үқиб куринг.

Үнда мана шу гаплар битилганди:

«Бир ой аввал Фотих Амният Амирлигига bogлиқ  
гурухнинг уч әркак шериклари билан күлга олинган  
Фотима Калйұнчунинг жами 30 хонадон ва ишхонага  
босқынчилик қилғани маълум булди.

Гузал Фотима уйидан қочгач, «Ёшлар туда»сини ту-  
зиб, шу гурухга бошлиқ булди. Бакиркуй Аминуни ва  
Фотих тарафларни узларига «Куналға» ёки «Тажриба  
майдони» қилиб танлаган «Ёшлар тудаси» кимсасиз  
үйларни, ишхоналарни шилиб кетишарди. Полиция-  
ни узоқ вақт кетидан юргутирган тұда аъзоларини бир  
ой аввал Фотих Амният Амирлиги ходимлари ніхоят  
жиноят устида қулға туширилдилар. Қоракулда қилған  
жиноятларини инкор этған Фотима Калйұнчұ ва туда  
аъзолари 30 уй ва ишхонани талаганлары кейинги  
текшируда маълум булади».

Хабарни баробар үқицик. Фотима яна эски дардини  
эслаганидан аччиқ-аччиқ қулиб, давом этди.

«На бундай туда бор эди, на мен талончилик қилған-  
дим. Йүқ гапларни, йүқ ишларни ёзиштан. Қалам ҳар  
нарсаны ёзаверади. Лекин, нахот, қалам этасида виждон  
булмаса?!

Бир неча ойдан сунг рузномада бошқа бир хабар  
босилиб чиқди. Махкамада туширилған расмларим...

Енгларим калта, бошим очиқ... Ҳали қандай хабар әканини үқимасдан отамни уйладим; «Отажоним мени рузномада калта енгда куради. Ох, мен отамга оғир зарбалар бердим! Айттан сузимни икки қымайтынан мөхрибонимга шүнчалик күргуликлар келтирдимми?!

Кейин хабарни үқидим. Хабарни қулимга олмасдан булган ахволни айтиб берай.

Юрак хасталиги билан шифохонада ётганимда, ҳамхонам рузнома үкиёттанды. Бирдан:

— Аа! Мана бу аёлни қара, боласининг кимданлигини билмасмиш, — деди.

— Қандай ахлоқсиз хотин әкан, бер-чи, қарайин, — дея рузномани олиб, не күз билан курайки, уша аёл — мен элим. Расм менини, исм ҳам. Унинг сарлавҳаси шундай:

«Болам кимга ухшаса, отаси уша!»

Үқидиму ҳаёлимга келган биринчи чора – улиш эди. Дархол күк томиримни кесдим. Мени күрган дугонам ахволни бошқаларга билдириди. Қулларимни бөгладилар.

Тинмай йигладим. Жинни булаёздим.

Тугри, қамалганим рост эди. Лекин «бола» ҳакидағи гаплар тамоман бошқача эди.

Фотима бу рузноманинг «таъриф»ини келтирғунча терга тушиб кетди. Ва давом этди:

«Мен шу сұзларни айтибманми?... Худо сақласин! Бундай пасткашларча айтилған сұзларға умримда дуч келмаганман! Тугри, хатоим бор эди. Лекин хатоимнинг рузномада ёзилған нарсага ҳеч қандай алоқаси йүк-ку!

Имом никоҳи билан иккінчи марта турмушга чиқдим. Эрим номус борасида жуда талабчан булиб, мендан шубҳаси йүк зди. Хатоларим булса-да, мен ҳам ундан бошқасини үйламадим.

Бу хабар мени қайғуга қўйганидек, уни ҳам хафа қилди.

Ҳаммаси ҳам майлику-я, отам бундай хабарни уқиб не күйга тушади.

Отажоним узининг энг севимли қизидан ҳеч кутилмаганда зарбалар еди.

Рузнома хабари чиқкан куннинг эртасига аммамнинг угли келди. Бу рузномани маҳкамага беринг, дедим. Кейин нима були, билмадим.

Отам бундай рузномани уқимайди. Лекин бир виждонсиз ёмчихона (пошта) орқали уни отамга юборибди. Аввалдан отам қошида уятли эдим. Бу ёмон хабар отамга уқ булиб тегиб, юраги санчиб қолибди.

Отамда энди ором йук. Узим ҳам яқинда юрагимни операция қилдирман. Ким билади, балки операция столида ўлиб қоларман... Лекин қилган хатоларим, рузномаларнинг тухматлари отамни мендан узоклаштириди.

Отамга мактуб ёздим. Лекин уқимасдан йиртибдилар.

У киши ҳақли эди... Мен қандай журъат, қандай кўз билан у зотга хат ёзодим, билмайман. Ҳануз отами аввалгидай уйлайман.

Ана, куринг... Оллоҳ мени қай тарзда жазолади. Ҳеч кутилмаганда ёш пайтимда олти йилу олти ой ҳибс жазосини олдим.

Ишонасизми, жазо олишим биланоқ энг севимли инсонларим ҳам мени тарк этишди. «Фотима, сен бунга лойиксан», – дедим. Ҳеч бир машақкат, қайгу отам чеккан ғамга туғри келмасди. Бу ғамни отамга қандай раво курдим?! Уни қандай йиглатдим?! Бу виждан азобим мени эзгани туфайли олган жазомни узимга лойик билдим.

Эй, биродарларим! Ҳозир ёшим йигирма туртда. Фақат узимнинг истакларимга қулоқ солганим учун бошимга келмаган бало колмади. Яна олдинда нималарни кураман, номаълум. Бугун уралган, покиза биродарларимга, опа-сингилларимга, қардошларимга шундай дейман:

— Сиз асло мен қилған хатони тақрорламант, сизга түгри йүлни курсаттан ота-онанғиз олдида гүнохкор булманг. Ота-онанғизни ранжитманг. Қандай қилиб булса ҳам рози қилинг. Агар уларга осий булсанғиз, шифохона, қамоқхоналарда ёмчи (поста) йүлларига күзлариппиз ниторон булиб қолади. Мен үзимга ибрат булмадим, було маяпман. Ҳеч булмаса сиз мен қилған хатони қилманг.

Менга рузномалар икки севгилиси бор, туда тузиб олган... каби тұхматларни қилишди. Мендан баттар ахволдагилар ҳам бор. Үн уч ёшида ҳибста тушган арзиумлик Ҳуля Гулшан Такал мендан ҳам ёмонроқ тұхматта учради. Рузномалар: «Унинг еттита севгилиси бор», — деб ёзди.

Мана, менинг ҳаётим. Ҳуля, Хайрия... яна қанчалари бор. Ҳаммаси ҳам ота-оналарини тингламатани, норози қилғанлари учун зарбалар еб, тұхматларга учрадилар.

Сүзларимга яқун ясашдан олдин, мени ва хатоимни хар доим күз олдинғизда тутишингизни истайман. Мен хозир Соғликни сақлаш давлат шифохонаси, тутқун аёллар булинмасидаман.

Ота-онадан айрилған... уз яқынларидан айрилған бир аяңчли холдаман...

Рұхий азбларимни эңт кисқа тарзда баён қилдим.

Иншоolloх, мен чеккан жазо ва виждон азоби купчиликка ибрат булур. Хатолардан сакланур.

Сизларға Оллохнинг саломи булсин!

## ОЛЛОХДАН ТОПАРСАН, НИЛОЙ

Нилой оғир ва чукур «оҳ!» тортиб, ёнимга чукди:

— Ёзадиганларингни дикқат билан ёз. Махкамадан чиқишим билан газетачи мендан интервью олди. Лекин айтганиларимнинг ҳаммасини ёзмади... Сен ёз, мен сендан уша китобни олиб, уларга ёмчи (почта) орқали кібораман.

Қандай бошлишни билмаяпман. Мен бурсаликман. Бурсанинг яшил ерларида усдим. Отам кимлиги номаълум мусулмон эди. Сўзда мусулмон, аммо марҳаматсиз эди. Онами күп урса-да, бизни яхши кўради. Лекин онамизга зулм киляпти, деб ундан нафратланардик. Туққиз ёшга кирганимда, мени устоз хузурига юбордилар. Устозга бораётиб, хаёллар сурардим: устоз бизга масаллар айтиб беради, мен бу дарсларни узлаштириб, қойиллатиб жавоб бераман, шунда устоз «офарин», деб қуяди, онам борсалар: «Қизингиз жуда харакатчан», — деб мақтайди. Тушларимда устозимни курардим. Лекин бу хаёл эди. Аслида у бирон марта ҳам бошимни силаб «офарин», демади. Энди англайманки, биз — юз эллик талабанинг қай биримизга улгуради. Лекин бола буни уйламайди, меҳр-муҳаббат ва илтифот кутар экан. Мен ўқишдан совидим. Орадан утган йиллар мени дин соҳасидан тамоман узоқлаштириди. Энди ота-онамдан яшириб галати романлар ўқирдим. Бу орада мен унтурт ёшга кирдим. Мени онамлар опамнинг уйларига юборишди. Опамнинг уй ишларини қила бошладим. Поччам: «Офарин, сен опангдан яхшироқ ишлар экансан», дегач, мен яна купрок харакат қилдим. «Бундайлигингни билганимда сени олган булардим», деди поччам бир куни, ушанда болалик эмасми, кунглимда аллақандай нарсаларни ҳис этдим. Уни ишқ деб уйладим. Ошик

булдим. Түгрироги, ёшлик ҳаяжонини ошиклик, деб хисобладим. Энди уйга келмасдим. Опам буни билиб, рашк қилди. Поччам билан яширин куриша бошладик. Албатта, ёш кизалокни алдаш кийин эмас эди. Уша куниари ойнаи жаҳонда берилаётган Даллас фильмиде қайнсинглиси билан яширинча ҳаёт кечирган қисмни томоша қилдик. Уша кеча у ошхонага кириб келди. «Кўрдингми, мен уша поччачалик булолмадимми?» деди. Опам тутруқхонада эди. Поччам номусимга тажовуз қилди. Ҳомилали булиб колдим. Ота-онам билди. «Кимдан бу?» дейишди. Илгарироқ гаплашиб юрганим Ирфонни айтдим. Отам уни судга бердилар. Биз сухбатлашиб юрганимизни кўрганларни ҳам гувоҳ килиб курсатдилар. Суд ишлари давом этиб юрган давларда ҳомилам тушиб қолди. Ҳеч кимга айтмадим.

Икки ойдан сунг номусга тажовуз қилинишда айблантган Ирфон етий йил жазо олди. Ох! Судда қандай йиглади! Менга овози борича бақириб: «Суюкоёқ, соткин! Мени хурлаб, тухмат қилдинг! Сен ҳам хор бул, илоҳо, тухматга учра!» деди. Қанчалар уялдим, қуяберинг. Лекин тутрисини ҳам айтмасдим.

Ойлар утди. Виждон азоби улгайди. Тоғлардан каттава оғир булди бу дард! Онамга айтдим: «Она, чидаёлмайман, нима маслаҳат берасиз?» дедим. «Обруйимиз тукилади, опангнинг оиласи бузилади», деди онам. Бир ёш, пок йигит ҳаётига аҳамият бермай, онам қизини, унинг оиласини уйларди. Буни айтсам: «Ирфон нега сени олмади?» деб виждонини ҳимоя остига олган булади онам. Ҳолбуки, Ирфон мени қандай олсин, мен унга тухмат қилган булсам. «Қамоқда чиримоқ – бу қизга уйланмоқдан яхшироқdir. Мен бу фохиша қизни олсам, жиноят қилган бўламан, ҳокимбей!» деганди судда.

Номуссиз поччам ҳануз менга севгидан лоф уради. Виждон азобини тортмайди. Чунки виждон йук. Йук булгач, нимани тортади.

Икки йилдан сунг Ирфон қамокда үлди. Хабарни эщтишим билан үзимдан кетдим. Бир неча күн урнимдан турмасдан йигладым...

Поччамдан нафратланиб кетдим. Бир пайтлар уни үйлаб, кузимта уйку келмасди. Энди ундан нафратланаман.

Күп утмасдан поччам билан донлашаётганимда опам ушлаб олди. Уйдан қочдим, опамдан жуда уялдим. Едимга Али Оғбилар тушиб, уларникига бордим. Гуштни мушукка ишониб топширурми? Мен эса топширедим... Мени ҳимоя қылсинг, деб борган уйимнинг бошлиги менга ташланди. Хотини бизни күргач, эри: «Бунинг үзи мени қўймади», деди. Ва атрофга «оиласи эркакни йулдан урди», деган номим ёйилди. Ҳолбуки, бу ишда хатоликка йул қўйганим йўқ эди. Аммо тухматга қолдим. Измирга бир дугонамникига бордим. Бир неча ойдан сунг бир ресторандан иш олдим. Бу жойларда янги одамнинг биринчи кадами қаерта етарди? Албатта, ёмон йўлга... Ва шу йўлга кирдим. Лекин ҳеч вакт Ирфонга киялан тухматимни унуголмадим. Унинг дуойи бади тутди. Тухматга йўлиқдим. Үз-үзимча яхши булди, дейман. Зотан, мен коғир ҳам эмас... Аввал айтганимдай жуда содда эдимми... Оиласи, уйдагиларим ҳам шундай. Мени узок муддатта поччамникига юбориши маса эди, балки бу воқеалар булмасмиди?! Онам ҳам бирор марта: «Қизим, ёшлар тез ошиқ буладилар, ҳар қандай ҳисни ишқ ҳисоблама, алданиб қолма», демадилар. Мен ҳам үзимни қўлга олишни, тұхтатишни билмадим. Оқибати шундай булиб чиқди. Ишонасизми, куламан, сұхбатлашаман, аммо виждон азобим ҳеч тутамайди. Күксимни зирқиратувчи санчик доим безовта қилиб туради. Нима қилишни билмайман. Виждон азобига чора, ҳеч бир илож борми?

Билсангиз, менга лутфан англатинг...

Ха, биродарлар, діёнатсиз яшалган жойда ҳар не булиши мумкин.

## ЧАЛА УТТАН ТҮЙ

Хаёт жуда мураккаб. Ва шу чигаллик ичида биз бошқалардан фарқли равиша исломий яшамок истаймиз.

Хилол ва мен атрофимиздаги бу мураккаблик ичидан урин олдик. Исломни англаб, ниманидир үргангач, бошқаларга ҳам буни билдиришимиз бизга завқ баҳш этар экан, одамлар бизга тушунмасдан қарадилар. Шулардан бирини айтиб берсам; Хилол бизникига келтан куни шунчалар хурсанд әдик, қунғироқ қалишиданок бу сезилиб туар, әшикни очганимда Эса ахволи янада зиёдарок намоён булди.

— Яхшилика булсин, тинчликми, Хилол, нима бу, сени бунчалар севинтирган?

— Сурاما, биродар, катта акамнинг туйи булмокчи, исломта мувофиқ утишини хоҳлардим. Ваъз, ҳадислар уқилса, дердим. Фикримни акамга айтдим. Дарҳол йук, булмайди, дедилар. Акамга: «Акажоним, келин сизнекими ёки туйга келувчи эркакларники? Келинлик кийимида куриш факат сизнинг ҳаққингиз. Ёт назарлардан янгамизни асрашингиз, тыйдан Оллоҳ ва Пайгамбари миз рози булишлари керак», деб тушунтирган эдим, шукр, рози булдилар, севинганимнинг сабаби шу.

Энди унинг қувоғчи мента кучганди. Илк ишум бу хайрли ният туфайли Хилолни күчмоқ ва Оллоҳ рози булсин, демек эди. Иккянчиси Эса тайёргарликлардан тортиб сунгитигача түй режасини тузиб, устоз хонимларни излаб, тайинлаб кўймоқ эди. Танишларимиздан икки-уч воиза хонимниги бориб, бириси билан келишдик ва түй кунини кута бошлидик.

Кутилган түй куни ҳам келди. Таклиф этилганлар тупланди. Салонда шовқин булиб, келин келиши билан тинчланиши лозим эди. Келин келди. Келиннинг тасат-

тур (хижоб)та уйгун кийиниши меҳмонларни безовта килгани у ёк-бу ёқдан эшитилаёттак эътиrozларидан маълум эди:

– Бундай булишини билганимизда, келмасдик.

– Худди ёш қизни эмас, тул аёлни келин килишаётгандай.

– Буларнинг аҳволига қара, бундай қилишларини билганимизда рўмол ураб келардик.

Шунга ухаш сўзлар айтилғач, юрагимиз сиқила бошлади, аммо сабр сунгти саломатлик, дея жим булдик. Шундан сунг воиза хоним салом бериб, сўз бошлади. Аммо тўйхонадаги шовқин-сурон ҳануз босилмади.

Хоним ваъзини тухтатиб, жамоатдан тинчланишларини илтимос килди. Жимлик икки дақиқагина давом этди. Яна шовқин-сурон... Бу орада Ҳилол устоз хонимдан изн олиб, жамоатга мурожаат этди:

– Мухтарам меҳмонлар! Илтимос, жимлик сақлаб, ваъзни тингланг! Бу ерда эшитаётгандарингиз Оллоҳнинг сўзларидир!

Ҳилолнинг бу илтимосидан сунг бир хоним журттага сигара тутатиб, салон аёлларидаи юриб, воиза хонимнинг кошига келди.

– Бу қолокликни тұхтатинг, энди хурсандчилик қиласылай, – деди.

Тоқатимиз тоқ булди. Ҳилол чидаёлмасдан:

– Жим булишингизни илтимос киламиш. Эшитишни истамаганлар ташқари чиқиб туришлари мумкин, тингловчиларга халақит бермасинлар, – деди.

Ҳилолнинг сўзлари тутар-туғамас уша хотин кулидаги сигарани яна бир тортди-да, жамоатга юзланди:

– Сизларни хайдамоқдалар, нега ҳануз турибсиз? Бошимизни очган булсак, уйнамокчи булсак, насроний эмасмиз-ку, қани, нега қараб турибсиз. Мана, салонни биринчи булиб мен тарк этаман, – деди-ю, чиқди-кетди. Ғалаён бошланди. Ҳилол иккимиз жойимизда қотиб қолдик. Бир нарса дейлмас, қимиirlамас эдик. Билма-

дим, ушанда қандай нафас олдим, қандай яшадим. Шу галаён ичида түй маросими ҳам тугади. Салон бүшаб, уртада түй эгаларининг энг яқинларигина қолдик. Келин келинлик либосида ва бизлар ҳаммамиз оёқда тик турибмиз. Барчамизни сукунат қуршаган... Бу жимликтин Ҳилолнинг куз ёши ва титроқ овози бузди. Келинайисини қучоқлаб йигларди:

– Қандай булди?! Нима қилиб күйиши? Энг баҳтли кечани йүкқа чиқардилар. Буздилар. Рози булинг, янга!

Янгаси ҳам Ҳилолга куз ёшлари билан жавоб берди:

– Хафа булманг, мухими түй эмас, Оллохнинг биздан рози булиши. Вазифамиз унинг амрларига итоат қилишdir. Биз бунга ҳаракат қилдик. Гайрат курсатдик. Иншооллох, Рabbимиз қабул айлагай! – деди.

Энди Ҳилол, янгаси, мен ва уша ерда ким бұлса – ҳаммамиз йиглардик...

Қилинган ҳақсизлик, совиган түй, ҳақиқий банда әмаслигимиз, куринмас иплар билан боғланганимизга йиглардик...

Орадан йиллар үтди...

Лекин уша түй воқеаси таъсиридан ҳануз кутулған әмасман. Қачон түйга борсам, кунглимда қандайдир аччик түйғуларни хис этаман. Ва мен борган ҳар түйда бизнинг уша түйимиз әсимта тушиб хаёлга толаман, куз ёшларим ичимга оқа бошлайди. Уларни ичимга билдирмай ютаман.

## ОТАСИДАН ТОНГАН ҚИЗ

Баъзи воқеаларга фақат фильмларда дуч келасиз. Ёки воқеа фақат кинога мос ва хос булади. Томоша қилган киши балки ушанда йиглаб олар-у, кейип воқеани унтутиб кетар. Виждан азоби дейилтган туйғу эса инсонни еб битирар экан. Менинг виждан азобим шундай.

Опам бир бүрода хизмат қиласар, отам эса яқин атрофимиздаги ҳокимиётта фаррош булиб ишларди. Мен ушанда лицейда үқирдам. «Мактабда отангнинг касби нима?» дега сурашганда ҳеч туғрисини айтмасдим. Чунки унинг фаррош эканидан уялардим. Дунёда боланинг уз отасидан ор қилишидан ҳам мушкулроқ ҳодиса борми?! Отамдан уялишимга сабаб булган нарсаларни нима деса булади?

Бечора отам болаларим бирордан кам булмасин, деб кеча-кундуз тиним билмай ишларди. Отам «кatta одам» қиалмоқчи булган қизлар эса у фаррошлиқдан ишлаб топган пулларни соч турмаклаш, кийимлар, пардоз-андоз, бўёқ-сүёкларга совуришарди. Шу тариқа отамизнинг фаррошлигини узимизча никоблар, ҳеч кимга билдирамас ва айтмас эдик. Уйимизда чиройли ашёлар бўлмагани учун ҳеч кимни таклиф этмасдик.

Отамнинг пулинини харжлаб, узидан уялиб юрган кунларимизнинг бирида... Ҳаётимизнинг аччиқ бир кунида, дугонам туғилган кунини нишонлади. Баҳорий либосларимни кийдим. Сартарошхонада сочимни турмаклатдим. Тирнокларимни буятдим... Гап отганларга ўзимни отрингандай, жахли чиққандай курсатардим. Аслида ушалар – кучалардаги шилқимлар учун вақтимни ва отамнинг пулларини совурадим. Улар менга эътибор берар ва натижада уларнинг гап огишларига муваффак булардим. Шу ўйлар билан

кетар эканман, күзим уймалашиб турган оломонга тушди. Фақат күзим түшсө майли эди... Оёкларим менга буйсунмас, узим ҳам уша ерга бориб қолганимни билмай қолдим! Оломонга яқынлашгач, четдаги фаррош аравачаси ва унга суюб қўйилган супургини курдим. Ҳалойик уртасида бир одам ҳаяжонланиб бақиради:

— Одамлар, бу кишини таниган борми? Ким танийди?!

Олдинга буйнимни чузиб, фаррош кийимидағи, оғзидан қўпик сочиб, кома ҳолда ётган отамни курдим. Атрофда мени таниғанлар бор эди. Фаррош отам эса ерда ётибди, одамлар тинмай жаврашарди:

— Воҳ, бечора, болам-бутам, қозон-кирмоч деб, узини утга-чукқа уриб, ҳалол меҳнат билан пул топаман дея, кучада фанолик кечирибди.

— Йук, биродар, йук! Бу жойнинг отини шаҳар қўйишган-у, улиб кетсанг бирор билмайди. Номи шаҳармиш. Аммо ҳақ бизга ҳақ, мусулмонлик, инсонлик булсин, не булса бизга ҳақ!!!

— Ким билсин, уйдагилари, болалари эшитса, телба булиб қолишиша керак. Тузук булгач, уйига юбориш керак, болалари хаста ҳолда курмасин, болажонлар хафа булишмасин.

Уртага чиқиб, мен танийман, бу киши менинг отам, деёлмадим. Қушним, десам ҳам буларди. Оломон орасидан сирғалиб чиқиб қочдим. Ерда ётган фаррош отажонимни ташлаб, оломонга ичимда лаънатлар уқиб, уердан жуда тез узоқлашдим...

Отам уша воқеадан сунг куп утмай дунёдан куз юмди. Фақат улимидан сунгтина уялганим – фаррош отамдан виждоним садоси билан бир неча савол суроқ истадим. Нега уялдим сиздан, отажон! Мени узингиздан уялмайдиган фарзанд қилиб тарбияламадин-гизми? Сизнинг фаррош эканингиздан гурур туядиган,

ифтихор қиласынан хулқни нега менга бермадингиз?  
Мени виждан азобига нега қолдириб кетдингиз,  
отажон!

Оталарининг новвой, этикдүз, пойабзал буёвчи  
эканидан гурур туювчи фарзандлар фактат Ислом  
ахлоқи асосида, Исломий хулқ билан тарбияланган  
фарзандлардир.

Билмадим, үлим холатида ётган отамдан қочганим  
ва бунинг оқибатида виждонимда уйғонган дард үли-  
мим билан тутармикан?

## ПОВИЛЙУНГА ҚАНДАЙ ТУШИБ ҚОЛДИМ

Ёмон йулга кириб кетган аёлларнинг исмини эшитар, расмларини куардим. Лекин дуч келиб, яқиндан сұхбатлашмагандым.

Йиғинда бир хонимни учратиб қолдим. Куринишдан исломий яшаши билиниб турар, исломий кийиниб олган эди.

Сұхбат айланиб аёлларнинг ёмон йулга кириб қолишига келганида, опа барчанинг сүзини булиб, бу ҳақда шундай деди: «Аёллар ёмон йулга Исломни билмаганлари учун кириб қолаяпти».

Лутфия опа бизга бу ҳақда гушунча бериштә ҳаракат килди. Биз ҳайратимизни яширолмай сурадик:

— Ислом булмаган жойда инсонларни бузувчи вокеалар булиши ва қандай нажот топиш мүмкінлегини шундай айтаяпсизки, одамда бу аёл уша ерларда булғанмікан, детан таассурот қолдиради. Узингиз уша ерда булғандай гапирайпсиз?

Шунда опа овозини пасайтириб, бизни янада ҳайратта солувчи жавобни бердилар:

— Мен ҳам 15 йил уша ботқоқлик ичида қолдим. Ҳозир, алхамдулиллох, ислом билан шараф топдим. Шу сабабдан бу ҳақида гапирайтман.

Ҳаяжонимизни босиб, айтгандарини ёзмоқчи эканизмизни, қандай ҳидоятта келгандарини билмоқчи булғанимизни айтдик. Учрашиш учун бир күнни белгиладик... Ва сұхбатлашдык. Опа айтди, биз ёздик, марҳамат, сиз ҳам хабардор булинг!

«Утмишимни айтиб бераман. У ҳаёт менинг ҳаётим, аммо хатоларимни бошқалар мухокама қилиши мүмкін. Инсоннинг ботқоққа ботиши аклига боелик. Менинг нафрат натижасида ботқоқликка ботишим

сабабларининг купи хар инсоннинг ҳаётида кечиши мумкин. Куринишдан кичик нарсалар, аммо уларнинг ҳаммаси бирлашса инсон эзилиб қолади. Имонсизлик берган машаққат билан чохга тушиб қоласиз. Кейин Оллоҳ таолонинг лутфи қарами билан иймонга қовушиб, лахм ичидан чикиб оласиз.

### Тугилишим билан ёлғизлик

Онам Марсиннинг бир туманида, отам эса Марсинда яшаган. Иш сабабли туманга келган отам билан онам орасида яқинлик пайдо булади. Отам шаҳар ҳаёти жозибадорликларини айтиб бергач, онамни шаҳарда яшаш истаги чулғаб олади. Отам ва онам турмуш куришга қарор қилишади. Онам кишлоқда отамга турмушга чикади. Лекин шаҳарга тушишгач, отам аввал ҳам уйланғанлиги, оиласи борлиги маълум булали. Отам хоналонидаги күпчилик янги келган аёлни хоҳлашмайди. Бу орада онам менга ҳомиладор булиб қолади. Лекин отам оиласининг онамни ёқтирмаслиги туфайли мен туғилгач, икки ойдан сунг онамни хеч нарсасиз кучага ҳайдайди. Онам қариндошиникидан бошпана топади.

Менинг ҳаётимда исломни четлаб утиш туғилмасидан олдин бошланган. Онам куп утмасдан бошқага турмушга чиқди. Мен уртада қолдим. «Бола-да, улғайгач эсидан чиқиб кетади», дейишади, лекин болалик қандай бошланган булса, кейин ҳам шунга кура давом этади. Мени онам тарафдан бувим олиб кетади. На онам бор! На отам! Отам шапалок урсаю, онамнинг тиззасида ийғласам, деб қанчалар истардим. Мехр-мухаббатсиз ҳаётим давом этарди. Мен беш ёшта кирганимда отам: «Мен бой бўлсан, болам нега қийналиши керак, олиб келаман», – дейди, аммо исломни билмаган оиласада утай она борлиги бу истакка монелик қыларди. Бу ҳолга тоқат қилолмаган отамнинг аммаси мени олиб кетди. Мод-

дий бойникка етишиб, анча роҳатли ҳаётим бошланди. Аммамнинг үйлари мен алмаштираётган туртинчи үй эди. Аммам маҳаллада диндор саналсалар-да, менинг диндан хабарим йўқ эди. Рухимда севги, кунглимда қуркув йўқ эли. Факат Оллохнинг исмини билардим. Ёмонликлардан қандай химояланмокчиман, химояланишим зарурми? Ҳеч нарсадан хабарсиз пешонамга ёзилганидан норози ҳолда яшаб келардим.

Ва усиб-улғайиб борардим.

### Жуфтимдан кутганларим

Улғайиш ҳар инсон ҳаётидаги Яратувчининг энг гузал қонунларидан бири. Буйига етган қиз турмушга чикишга тайёр номзоддир. Шулардан бири мен эдим. Замонага мувоғик ҳолда мени устирган аммам ҳамма нарсамни хозирлади. Ота уйини қурмасдан 16 ёшимда турмушга чикдим. Эримни яқиндан билмайман, танимайман. Танисам-да, бирор нарсани фарқлаш мушкул эди. Чунки аммам ҳам мен излаган нарсани кўзларди. Мол-дунё, пул... Дукондор эримда булар бор эди.

Турмушга чиқсан куним эримдан бир нарсалар кутдим. Унинг аёли сифатида ҳурмат қилинишимни истардим. Лекин унга бундай туйгулар бегона эди. Баъзан мени безовта қилувчи воқеалар бўлар ва намоз уқишини истардим. Яна истардимки, жуфтим намоз уқишини менга ургатса. Лекин чала-чулпа билганим гуслни ҳам унга мен ургатдим. Турмушга чиқишим билан бирга ичимдаги бушлик кентайиб, вахимали тус олди. Аммо бушликни қандай тулдиришни билмасдим.

Фарзандлар курдим. Нима булаётганини билмасдим. Она булишим ҳам мени бушликдан қутқармади. Қабоҳатнинг каттаси менда эди, буни ушанда англамасам-да, хозир хис этаяпман.

Чунки энди исломиятни танидим. Шу сабабдан айлаш йулига утмасдан, асос билан уйгун холда уйлаб, ҳар нени тушуниш им лозим. Түғри, турмушга чикиб, фарзандлар күрдим. Лекин эримнинг муҳаббатини курмадим. Онасиз устганим учунми, оналик нелигини ҳам билмасдим. Ёшим 19 да... Айни ёш ва гузал пайтим... Гузаллигимни куз-күз килардим, бу борада маҳалла аёллари билан гүёки мусобақа уйнардик... Купинча мендан утадигани топилмасди. Ва бу вақт ичидә ҳеч ким томонидан айникса, эрим томонидан, севилмадим. У жуда ҳам ёмон инсон эмас, на урар, на севарди. Факат яшаш мажбурияти учунгина мен билан яшарди.

### «Хужона» құшмачилар

Биз томонлар «жоҳилият» ҳаётини кечираради. Жоҳилият дейилса, одатда, Арабистоннинг қадимиЙ даврлари тушунилади.

Гүё жоҳилият энди йүкдек. Мени ва мен кабиларни кунгилочар жойларта туширган жоҳилият эмасми? Ислом ҳукм сурмаган жамият жоҳилият даврларидан бирини яшаёттан булади. Бундай жамоа ичидағи күпчилик аёлларнинг кузи ва кунгли эрида эмас. Уларда бир хуштор топсан, деган фикр мавжуд. Менда бундай фикр бұлмаса-да, уша жамоат ичидә зедим ва уша фикр сари кетмоқда зедим.

Марсин ва Адонада «хужона»лар бор зди. Хужона – оиали аёлнинг душмани. Улар бокира қыздар билан күп ҳам машгул булмас, турмушга чикқан аёлларни йүлдан урар зди. Аёлларни мулжалга олиб, тузоқ ташлаб қуяр, вақти келиб уқи нишонга тегар ёки ҳар жиҳатдан паришон булган аёлларнинг узлари бу тузоққа келиб тушар ва оқибатда бундай инсоннارга уз-узидан тобе булиб колардилар.

## Севги қандай хилқат?

Бир куни болалигимдан таниш булган кексароқ аёл марсилик бой тужжорни мақтай бошлади. Аввалига ҳеч нарса тушунмадим. Факат күнлардан бир куни:

— Қизим, ахмоклик қимма, бир-икки соатлик сұхбатдан нима зарар курасан, колаверса, сенға яхши муюмала қиласы, севади, пул беради, — деди.

Унинг бундай суzlарини шу пайтгача мен әшитмаган әдим. Үйладим. Оилали аёл бегона эркак билан қандай муносабатда булади? Севги қандай түйғу? Ажабо?!

Күп үтмасдан хужона яна келди:

— Тужжор сени дуконига таклиф этяпти! — деди. Борсаммикан, деб үйладим. Эримга нисбатан мен харакатчан ва гузал әдим. Ҳеч ким уни менга лойик курмас, менга ачинибрөқ қааради. Менга мусулмон булмаганим учун ачинмаганлар, эрим росмана одам булмаганидан ачинардилар. Бу эса атрофимдагилар-нинг кимлигини билдириб турарди... бу таклифни олғанимда турмуш қурганимта турт үйл булғанди. Кичик ёшимда турмушға чиқиб, меҳр-шафқат курмаганим учун бундай таклифдан кейин, узимда афзаллік, устунлік сездим. 21 ёшга кирганимда эркак аёлни қандай севиб, қандай муносабатда буларкин, деган қизиқиши үйгана бошлади. Бу қизиқиши остида таклифларни қабул қымлоқчи буларканман, яна виждоним хам қийналарди. Аммо хужоналар менинг заиф нүктамни тоғтандилар. Тинимсиз севгидан гапирадар, таклиф эттанлар мени жуда хам севишиларидан лоғ уришарди. Мен, аксинча, эримга хиёнат қилишдан қочардим. Бу орада яна бир таклиф булиб колди. Бу одам бичиш-тикиш устахонасининг бошлиғи әди. Мени севиши, менсиз яшаёлмаслигини суzlарди. Борсаммикан, деган тарад-дуд орасида қорардим. Тикувчи билан сұхбатлашишдан нарига утмадик.

## Биринчи босқын

Айни пайтда Марсинга атрофимдаги мұхит «етил-ған» әди. Дугоналарымдан ҳеч бирининг ислом билан алоқаси йүк әди.

Илгари ҳам исломни билиб, унга мувоғик яшаган булсайликки, шунга кура хаётимизни давом эттирең.

Уша куни бир таниш аёлникига боришим учун эримдан рухсат сурадим. Эрим уша аёлнинг ахлоқсиз ва номуссиз эканини билса-да, менга рухсат берди. Уйига кириб утирган әдик, уша ернинг донгдор қассоби кириб келди. Үзимча: «Мени тинмай таклиф эттанлардан бири булса керак», – деб үйладим. Үй эгаси:

– Сен учун дүкөнини ёпиб келди. Ичкаридати хонага утиб сұхбатлашинглар, сени яхши куради, севади. Сен ҳам үзингни яхши күрганларни хурматла, хуш күр, – деди.

Бу сұзлар менинг күнглимини яраловчи, истамасам ҳам уша тарафға тортувчи ва ёлғондан булса-да, сохта түйүлар хуружида ризолик билдириған әдим!!! Мен қассоб утирган хонага әнди үтган әдимки, әшик күнгириғи чалинди. Шошилинч овоз келди: «А-а! Эринг!»

Бирдан... нима қилишімни билмай шошиб колдим. Аммо вакт утиб, мени бундай мұносабаттарға әлтгани, сабабчи булғани, бунга йул қыйиб бергани учун эримдан нафратландым. Қассоб үзини әшик ортита олиб яширинди. Эрим ичкари кириб, қассобнинг замонавийлигини курсатадиган калаватидан тортди. Бу воқеа бизни ажрашишимиз учун судгача олиб борди... Лекин Исломий булмаган ҳаёт ёлғонлари билан давом этарди. Дейилдіки, «Қассоб қарзини узиш учун келтган әди. Хонимнинг Эри рашқ қылғани учун тұхмат қильмокда». Кошки, рашқ килса, үзимни бундай тұтғаним учун сұякларым сингүнча урса! Аммо қаёқда... бундай қилиш түгул, мени ҳайдаб ҳам юбормади... яна үйга қайтдым.

Уялардим. Жазманларга боришга, сұхбатлашишта уялмаган одам энди уялардим... Маҳаллада мишишлар купайиб қолди... Нималар дейишмади. Ҳатто ахлоқи нодуруст кишилар ҳам мен билан сұхбатлашмай қўйди. Бир йил шу тариқа давом этди. Бу орада икки боланинг онаси ҳам бўлдим. Бундай мишишлар, шафқатсиз, меҳрсиз эр, она мухаббатини тула курмаётган болалар ва аччик кунларим давом этарди. Ҳали олдинда яна бу кунларнинг машақкатлари кутиб гуради. Парвәрдигорим, иншооллоҳ, афв этган уша кунлар учун жавобгар бўлган фақат менимидим ёки мен билаш бирга, масъуллигини буйнига олмаган. Қуръони Карим юкини зиммаларида ташитган мусулмон ҳам жавобгарми?

Бир йилдан сунг ҳам хужоналар ортимдан қолишмади. Бу орада онам билан топишидик. Учрашивимиз ҳам ғалати бўлди. Болаларни олиб айлангани кетаётганимда, қаршимдан келаётган икки-уч аёлга қузим тушиди. Урта ёшлиси келиб: «Қизим, буйи-басти бундай, исми фалон, шундай аёлни танийсизми?» – деб суради. Аёл мени таърифлаётган эди. Ҳеч нарса дейлмай, фақат «Она-а-а!» деганча онамнинг буйнига осилиб йигладим.

Шундан сунг онамнинг ёнига тез-тез кела бошладим. Онамдан тасалли ахтарардим. Аммо топмадим.

Хужоналар безор килиб юборишиди. Жонимга тегишиди, аммо мен уларнинг жонларига тегмагандим. Эримни севмасам ҳам, балки уша хотинлар бўлмаса, оиласми бузмасмидим. Уша ёмон ҳаётнинг аёлига айланмасмидим, дейман.

Бир нарса дикқатингизни тортмадими? Мен ҳам ушанда эътибор бермагандим, аммо исломни ургангач... Бизларни бузук йулга бошламоқчи бўлган хотинларнинг кандай номланишига қаранг: ХУЖОНА – гүё устоз-

лар аёлларни ёмон йулга солмоқ учун машғуллар-у, бу субутсиз хотиыларни уларнинг номи билан аташади.

«Севгили ва қимматли Лутфия!..

Сизни кургач, севги нелигини англадим. Бехад гузал аёлсиз. Оиласигиз, болаларнинг борлитининг ҳеч аҳамијати йўқ. Менга, меникига келсангиз булди, сизга севги тула ҳаёт багишламоқка ҳаракат қиласадим».

Биласизми, бу мактуб қаршисида не ҳолга тушдим? Шундай ҳаяжонландимки!.. Аёл ҳам ҳеч севиладими?

Аёл фақат эркакнинг... воситаси, бундан ташқари кезсин-түзсин, уз кунгилхушлигини қилин, фақат эркак билан ҳеч бир алоқаси булмасин (уз ҳолига қўйсин). Илгарироқ меҳр-муҳаббат ва ҳурматни эшишиб турардим. Таклифлар доим куп булади. Аммо бу сафар каршимда жонли исбот турарди.

Бу эркак билан куришиб, суҳбатлашдик. Аммо куп утмасдан Анқарага қочишга қарор қилдик. Қарорни амалга оширишдан олдин онамнинг олдиларига бордим. Қайтиб келгунимча, эрим билан қайлонам ҳаммасидан хабар топибди. Онамикидан қайтганимда мени уйга қўймадилар. Кейинчалик қарорларини қапдай узгартиришиди, билмайман. Қайтиб, уйга жойлашдим, бир нарса дейишмади. Болаларим ёнига қайтгач, севгилим билан алоқани уздим. Эрим тобора бойиб, олий табақага айланиб борарадик. Эрим нима қилишим билан иши йўқ эди. Мен унинг номусига дот туширадиган ҳаракатларда булганимда ҳам лоақал бир мушт урмади. Яна ҳозирги уйимиздан каттароқ уй қурмоқчи булдик. Янги олган замонавий жиҳозларимиз ҳозирги уйимизга сиёмасди. Модомики, бой эканмиз, уйимиз ҳам бойларникидек булиши, узимиз ҳам бойлардай яшашимиз керак эди.

Бу воқеадан сунг хужоналар тарафидан икки йил беъзовта қилинмадим. Куринишдан баҳти ўзимиздан бордик. Аммо мен шоду баҳтиёр эмас, масъудлик ахтарган, бушлиқда тебраниб, чайқалган аёл эдим. Инсонлар менга яхши-

лик килади, деб курсатған ҳар әшикка кириб, саодат ахтарар, балки баҳт шу ердадир, дея уйлардим. Уша пайтларда каршимдан нега бир мусулмон чиқмади? Мусулмонлар түяқуш каби бошларини күмта тиқиб пінхон саклашармиди? Сен мусулмон әдингми, деб сұраганиарга жавобим шу саволдир: эрини алдаган аёл мусулмон булармиди?

Комил, иймонли, мусулмон аёл мендай иш тутармиди?

Янги қурдирған үйимизнинг пастки қаватига жойлашдык. Устки қавати оқақ-буёқ килинарди.

Бир куни эрим: «Буёқчи менинг танишим. Эртуғон жуда яхши, номусли инсон, уйга кириб турсин, таом бер», – деди.

Номусли эмиш, қайси номус ҳақыда ким гапирмоқда? Яна айтаман, номус түшунчаси шариатдан ташқари булса, айникса, аёл хусусида, хеч бир әркак номусли эмас. Мумин эса номуслидир. Эртуғон номусли булсайди, бундан кейинги ҳаётимда таъсири булармиди? Номусли бұлса, ёлғыз аёлдан таом талабида хонасига кирадими? Номус эмиш...

### Буёқчи билан бирга

Эртуғон мен учун бегона булса-да, жуда bemalol ҳаракат қиласадим. Хушовоз булганимдан күп лапарлар айтадим. Эртуғон ҳам қоюрида уларни тинглаб, табрикларди. Күпинча, унинг ёнида булардим. Оқшом эрим келгач, сұхбатларимизни унга айтадим. Бир томондан, янги қүшниларникига кириб-чикиб турардик. Купдан таниш муаллимларникига бориб келардик.

Қүшнилар билан шанба куни йигилишта келишгандик. Бу ерда яна бир узғарыш булди. Базмларимизда шампан иcharдик. Ракс, мусика, ичкилик... Ҳаётимиз шу булиб қолди. Бунда әрқаклар күзга яқын аёлларта күз кирини ташлашади, уларни ахтаришади. Аёлларнинг

қадди-басти келишган, чиройлисими бозорга солишинг номини кунгилхушлик, деб күйгандик.

Шундай йигинларнинг бирида хужонанинг эри билан уй эгаси бир-бирларидан хабарсиз менга куз қисиб, кош-кузларини учира бошладилар. Нега бундай муомала қилишмоқда дердим, аммо очик айттолмасдим. Уз-узимча яна уйлардим, хотинлари қантчалар гузал була туриб, нега менга уралашмоқчи буладилар?

Бир неча кун утмасдан муаллим бир хужона эканини билиб олдим. Бозорга чиққанимизда узини жуда сирли гап айтадигандай тутиб:

– Шу савдоғар сенга ошиқ, сен билан булиш учун борлигини совуришта тайёр, – деди.

Энди бу сузларнинг маъносига етардим. Нима деса лесин, қабул қилмадим. Чунки Эртүғонни севардим. Эримдан курмаган севги учун ундан интиком оламан, деб уйлардим.

Муаллимнинг хотини ҳам ёш хужона эди. Жуда гузал, менга ухшаб икки боласи ҳам бор. Лекин излаган масъудлигини у ҳам тополмаганди. Рух исломиятни билмагани учун узига озиқланиш йулини ахтартмоқда эли (Бушлик нима биландир тулиши керак). Бу йул «хужоналик»ка тұғри келди...

Шу ерда ҳәётимда жирканч саналадиган бириңчи таклифии айтди!

Оллохнинг амрлари кичик күриниб, ҳа энди нима қипти, дейиш ёмон йулга кириб кетишга сабаб булиши мумкин. Масалан, аёл-эркак аралаш, бирга утириши. Уйларнинг ички-ташқига уйғун булмаслиги кишиларнинг: эркагу аёл, угил-қизларнинг ҳәётини таҳликаза қуяди, хавф сари эшик очилған булади. Кунгилхушликка уч аёллар, эркаклар ёмон йулга кириб кеттанилининг сабабини шундай сұхбатлардан куришмоқдаки, бу ҳам аралаш утиришнинг оқибатидир. Бир-биридан кунгилочар жойлар тұгрисиңде ҳар хил қизықарлы, жалб

этувчи ҳикояларни эшитишинг хунук оқибати эканини узлари айтишмокда.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, ушандай жойларга тушган мендай аёл ҳам буни қабул қилолмайман. Туркияда яшовчи Оллоҳнинг халифаси мақомидаги инсонлар ҳам бунга масъулдирлар. Туғри тушунинг, ҳозир сотилган хотин-кизларнинг купи мусулмонлар. Буларнинг исмларини айтмоққа уялган кишилар повилийүн хотинлари үйнаган фильмларни угил-қизи, хотини билан биргаликда томоша қиласди. Шуни үнүтмайликки, барчамиз бандан ожизмиз, ёмон йўлга тушиб колган аёлларга ҳаммамиз жавобгармиз. Ахир, уларга Исломни етказдикми? Уларнинг ёмон йўлга кириб қолиши Оллоҳтаоло ва Унинг амрларини билмасликлари учун эмасми?!

Повилийунларда, учрашув уйларида... Ёшлар фильмларда үйнамокда... Ва улканинг энг машҳур артистылари булишмокда... Бизнинг уз фарзандидан бехабар мусулмонимиз энди мундоқ караса, кечагина повилийунларнинг «гулчаси» бутун фильм «гули» булиб, угил-қизи унга муҳлис булиб турибди. Уларнинг осиб қўйилган расмларига мафтун булиб юрибди. Ва бу ҳолга уша ота-она ҳеч нарса демайди. Бой мусулмонлар муҳтоҗликтан ёмон йўлга кириб колган аёлларга узларини жавобгар хисобламайдиларми?

Орадан шунча йиллар утишига карамасдан, қалбим-нинг қаърида қолтан эски яра эсга тушади... Муаллим булиб, ишимга шунғиган илк йиллар оила курдим, қишлоқнинг энг гузали Асмога уйланиб, узимни са-одатли хаёт ичида күрдим. Бу орада икки фарзандли булдик. Үглим Умар 7 ёшга чиқди. Қишлоқдати сокин, ҳузурли ҳаётимизга, ишимиз шаҳарга тайинланиши билан рахна етди. Янги мұхит, янги шароит, янги дүст-лар, қасбдошлар ва ҳоказо... Шиддатли яшаш даврига кириб қолғандым. Авваллар әркак-әёл аралаш утиришлар, кейинроқ ичкилик балоси... Йиллар менга хизмат килишда камчиликка йул қўймаган вафодор, жафокор жуфти ҳалолимнинг ҳар бир ҳаракати қусурли кўриниб бораради. Булмасам, мен ҳам мусулмон әдим, жума ва байрам намозларидан қолмасдим. Борган сайин йуқо-лаёттан узлигим, заифлашаётган иродам туфайли жума-ларни тарқ этадиган булдим. Улфатлар хафа булмасин, дея ичар, заққум эса уз кучини курсатар, ачиниш билан табассум қилиб қараган Асмони ҳеч айби булмаса-да, уриб-сукардим. Кошки урган қўлларим синсайди... Қил-ган зулмим, урган таёғимга жавобан қўзларида ёшлар сирқиб чиқарди.

Эрталаб пушаймон булар ва яна бироздан сунг унуг-тардим. Дуст никобидаги душманлар заиф иродамдан фойдаланишарди. Тұнгич үглим Умар 10 ёшта тұлди. Йиллар давомида ақлу ҳушимни йигишиң үрнига йулимни йуқотардим.

Болаларимни қон қусдириб, еб-ичирганимни ҳам оғиз-бурнидан келтирардим. Оллохға итоатли аёлим ёқмас, рұмоли, камзули, пальтоси учун жаҳл килардим. Нега? Бошқа муаллималар каби шардоз-андозли, буянимаганди... Шайтон күткүсига учиб, уни хафа

қилардим. Уни ҳам узимга ухшатмоқчийдим, лекин у Оллоҳдан колмасди. Бунинг устига болаларни мумин қилиб тарбиялашни үзининг улуг бурчи, деб биларди. Ҳайрон қоларли Эмасми, ахир номим муаллим бўлса?! Ҳамда давлатнинг алоҳида таълим-тарбия кўрган одамларимиз. Менга омонат топширилган ўқувчиларни, болаларимни тарбия килмоқчиман. Ахволни куринг!

Бош оғриги баҳонасида дарста бормай, мудир билан эса тил топишардик. Ой охирида маошимни олардим. Замонанинг жоҳил муаллимлари қанча ўқувчиларга ёмон урнак булишаркан, ким билсин.

Чеккан виждон азобларим саҳифаларга сигмайди. Лекин булганича булди, утгани утди. Мухими, келажак мевалари!.. Алҳамдулилоҳ, ғура пишди, ҳолва булди.

Хидоятга эришганимни кисқача айтиб берай. Бир куни эрталаб хумор бости қилиб, судралиб зурға уйга қайтардим. Аzon айтиларди. Ичимда бир нарсалар жимиirlади. Бутун вужудимни пушаймонлик қоплади. Бир зумда кечди бу. Кучамизга кирган эдим. Уйимизнинг чироқлари ёнди... Оғзимдан: «Қолоқ хотин нима қилаётганикин?» – деган сузлар чиқди, аммо буни нега айтдим, билмайман. Совук. Қор. Бурон. Узим эса оёқда туролмасдим... Инсоннинг хомаки нусхаси – Мен! Шу пайт қаршимдан уғлим Умар бошида дўпписи, қутиғида Куръони Карим билан шошиб келарди. Юзма-юз булдик. Қаёққа дейишга имкон қолмади. Уғлим менга бурчимни эслатди: «Ота, каранг, эшитинг, аzon айтилмокда. Парвардигоримиз «Тонг намози ҳар недан хайрли», «Намозга – пажотга келинг, деб мусулмонларни чорламоқда». «Жим, сен устозиммисан?!» – дедим. Уғлим хеч қурқмади. Янада юмшоқ оҳангда, кузларида ёш: «Отажоним, қора чумолини кора тунда кургувчи Мавломиз мен билан сизни ҳам курмокда. Сизнинг хидоятга эришишингиз учун намозга шошяпман... Онам уйда ёшли кузлари билан сиз учун дуолар киляпти, ортиқча эзманг!» – деди. Қалбимни парчалаган,

коронгиликка сингиб, узоклашган йиги товушларини эшигтанча, ортидан қараб қолдим. Уша ерга чукдим... уялардим... Ё Раббий! Шу оппоқ корлар, шу қаро тунрок неча йилки, менга қандай тоқат қилди?! Овозим борича, кучим борича бакиртим келарди. Үэлигимни қайтиб беринг, үзлигимта кайтаринг, куткалинг мени! Уйта келиб қолғандим. Жуфтим, фидокор жуфти ҳалолим, ҳар доимгидек аччик табассум билан эшикни очди. Бошим эгик, унга қарай олмасдим. Бориб намозига турди. Йиллар буйи шу уйда яшадимми? Деворлардаги оятларни, осиғлик Қуръонни илк бор куришимми? Ичимда ёңтап олов куз ёшларим билан сусая бошлади... Йиглардим, тавба куз ёшлари эди булар!

Дуосини тугатган Асмо күникмаган бу манзарага хайрат или караб турарди. Күзлари билан: «Тушимми бу, унгимми?!» – деёттандек эди.

– Индама менга, хотин, индама... түйгүнимча йиғлаб олай. Гунох билан кирланған вужудимни, күнглимини куз ёшим билан ювіб олай. Оллох менга болалар ва сендей хайрли хотин насиб айламиш. Тавба, насух тавбаси билан тавба...

Уша тонгдан сунг исломнинг абадий нури қүёш каби уфқда порламоқда ва ҳар куни зиёси ортиб уйимизни, күнглимини ёритмоқда.

Мана келдим, мана кетмоқдаман. Ҳаёт қисқа, олий жаҳолатда кечирған йилларим менга доим азоб берди. Атрофимда улуғларни, улғайғанларни куриб, тилим тингунча таблиғ этаман. Ҳудбин мусулмон булмайлик. Мумин биродарларимизга ҳакиқий тавсия, насиҳат берайлик. «Мактуб»га меҳнати синғанлардан, барча мүмнілардан Оллох рози булсин!

Ассалому алайкум!

Қадрли биродарлар! Бутунгача бир қанча мусулмон биродарларимизга күл чузиб, суяб, виждан азобларидан озми-күпми фориг булишта кумаклашынтиз. Менинг ҳам ичимни кемираёттан виждан азобим бор. Илтимос қиласман, ҳеч булмаса мени бир сира тинглаб куринг ва ибрат олинг! Одам боласининг бошига балолар ёғдирувчи иллатлардан бири, ҳеч шубҳасиз, кимордир. У қанча оиласарни бузиб, нобуд қилган. Аммо мен йулиққан нарса – таърифлаб булмас виждан азобидир.

Сүйган касбим, оиласам бор эди. Бир фарзандимиз – уйимизнинг, кунглилизнинг чироғи – қүёшимиз эди. Дүстларим туфайли қиморга берилишим мени йулдан оздирди. Шундай куниарда ёлғиз фарзандимиз хасталаниб колди. Уни ҳакимга олиб бордик, у дори-дармон буюрди, албатта, бунинг учун пул керак эди... Ишхонам боламни даволатишым учун ёрдам пули берди. Лекин лаънати шайтон бу пулни купайтиришни васваса қылиб, «қимор уйна», деди. Үйнадим. Ютказдим. Үелимнинг тузалишига аталган пулдан ажралдим ва узимни айбдор сезмадим. Үйдагиларга иңдамадим, чалгитдим.

Ишдан қайтиб курган манзарам мени эзив юборди. Болам – ёлғиз фарзаңдым улганди. У билан изма-из улмоқ истасам-да, буни ҳам эплай олмадим. Ушандан бери бу виждан қийногига малҳам булувчи тасалли тоғолмадим. Топиладими, борми ўзи шундай бир таскин? Худо ҳакки, айтинг! Мана, қимор. Уйимизнитина эмас, рухимни, инсонлигимни, ҳамма нарсамни вайрон килди, хору зор қилди. Лутфан буни уқинг, ёшларимизга ҳам уқитинг, узингиз ёш булсангиз тентдошингизга уқиб беринг! Виждан азоби дардларнинг энг аччиғи, ёнлирувчисидир!

Х. К. ИСТАНБУЛ

## БИРГИНА «ЙУҚ»НИНГ ОҚИБАТИ

— Алло! «Мактуб» журналими?

— Ҳа, марҳамат...

— Қулимга журналингизниң аввалги сонларидан бири тушиб қолди, шунинг учун сизни безовта қилаяпман.

— Қай жиҳатдан диққатингизни тортди, бейафанди?

— Менинг ҳам виждон азобим бор. Ёзиши яхши курмайман, телефонда айтсам, ёзиб оласизми?

— Албатта, марҳамат қилиб айтинг, сизни тинглаймиз.

\*\*\*

— Мен социалист оиласининг үғлиман. Болалигимдан Исломнинг саҳро қонуни эканини эшитиб үсдим. «Оллоҳ, алҳамдуиллоҳ» сўзлари бизнинг уйда ишлатилас, ким Оллоҳга ишонса, ундан нафратланишар эди.

Гарчи уша замонлар бизнинг уйимизда пинхон айтилган «саҳро қонуни» ҳақоратлари энди бу миллатининг ойнаи жаҳонидан расман янграомоқдаки, бунга ҳеч ким ҳеч нарса демайди, бепарво.

— Ҳа, тұғри, ҳақлisisiz. Миллат сифатида уюшдик, балки насл-насабсиз булдик. Илгари исловатхоналарда курилган манзаралар энди уйларда томоша қилинмөкда. Лекин: «Ювош отнинг тепкиси қаттиқ булур», дейинштан ота-боболаримиз. Азалдан арслондай булғанлар, хар ҳолда, бир куни ҳеч булмаса отчалик ишга ярамоқни билажаклар.

— Иншооллоҳ дейлик, насиб булар...

— Бир миллатга уз-узидан насиб булмайди...

— Ҳақлisisiz. Даъват зарур.

— Тұғри. Мен мавзумга қайтай.

Шундай қилиб, динсиз шароитда үсдим. Намоз үқиттани курсам, жаҳлим чиқиб кетарди. Узи диндорлардан нима истардик, ҳануз тушунолган эмасман.

Кичик зобит булдим. Албатта, тажрибасиз эдим. Аскарларга буйруқ бериш менә жуда ёқар, аммо мен аскарни сүкмадим, онасига тил текизмадим. Мен бошқа айб қиlldим. Жуда катта айб.

Навбатчи кунимда бир йигит ёнимга келди. Йигларди. Икки кун илгари намоз үкіёттеганини курганим учун юрагимда унга нисбатан нафрат бор эди. Унга ғазабланып қарадым.

— Гапир, йигит! Нима истайсан?

— Капитан, хотиним оғир касал экан. Балки үлим тушагидадир. Мени йүклаётганмиш. Уч күн рухсат берсангиз, борсам, аёлим шу шахарда, Заттунбурнида.

— Жим-е! Күппак боласи! Аскар авратни уйламайди. Аскарнинг ягона дарди бор, у эса — Ватандир!

— Аммо, афандим...

— Жим! Э, сенинг афандингга...

Бир соатдан сүнг яна келди.

— Капитан, сиз билмайдиган ишлар ҳам бор. Жавоб беринг, йуқса, қочиб кетаман!

— Сен-а? Сенми, мени бу билан куркитадиган?

Бор нафратим билан бутун қасду қасосим, қасосим бордай, шу учни олаётгандай башарасига каттиқ мушт туширдим. Бурнидан қон келди. Гүё ваҳший ҳайвонга айланган, хеч марҳамат туймасдим узимда. Қонларини арта-арта гапираради.

— Қул-оёғингизни упай, капитан! Менга рухсат беринг. Майли, кейин ўлдириңг. Бу жуда муҳим.

Хунг-хунг йиғлаб, яна сұзларди.

— Ҳа-ҳа... шу ерга қозық қилиб қоқсангиз ҳам гинг демайман, фақат аёлимни, Нуртанимни бир курсам булди...

— Нима булди хотинингга, айт!

— Қулингизни упай, капитан! Раҳмат, сог бўлинг, сұлашимта изн бердингиз, нарёғига ҳам рухсат берарсиз, албатта.

Биз Нуртан билан турмуш курганимизга икки йил булганди. Онам уни қуийб, қушнимизнинг қизига уй-

ланишимни истарди. Мен кунмадим. Аммо унга хиёнат қилиб, қүшни қиз билан юрдим. Хотиним мени севарди. Вокеани билгач, қайғудан тамом булаётди. Куп йиглади. Кейин аскарликка, ўқув машғулотига олиндим. Бу ерга тайинланганимдан кейин касаллигини эшитиб, бориб курдим. Сарғайиб сулибди. «Мени алдамаслигиниз керак эди», – деди. Ўндан күп узр сурадим. Аммо хафа бўлган, кўнгли туссага боттан эди. Ҳозир оғир ахволда шифоҳонада ётибди. Уни куришим керак. Мени афв этишини сурасим зарур.

– Бу сен итларга хос иш, ит! Еган (...)ингни мен ювайми? Тагин намоз уқирмиш.

– Йук, намоз уқийдиган мен эмас, арзурумлик Вадат. Лекин менга жуда ухшаркан. Хизматдошлар ҳам бизни чалкаштириб юришади.

Ишонмадим. Замондан ортда қолган бир қолоқ ва купол йигит мени алдайдими?

Унинг йиглашига эримадим, кунмадим. У тинмай:

– Капитан, намоз уқищимни истасангиз, намоз ҳам уқийман. Фақат менга рухсат беринг, қулингиз буляй, – деда ёлворишда давом этарди.

Лекин рухсат бермадим. Бир соатдан сунг аскарлардан бири аччик хабарни етказди:

– Капитан, сиздан рухсат сураган аскар жонига қасд қилди!

Дунём қоронги булди. Йигитнинг ёнига бортанимизда, дунёдан утиб булган эди. Уни абадият йули – сунгги манзилига кузатаётганимизда ҳам бошимни ердан кўтаролмай, тинмай узимни лаънатлардим.

Орадан уттиз йил утди... Ҳануз виждон азоби тиғчилик бермайди... Йигламаган кунларим руҳим, жоним йиглайди. Оллоҳ мени афв этса, охиратда, бу дунёда уқиган намозларим савобини унга бағишлашимни уйлайман. Зотан, намоз уқишимга ҳам унинг аччик хаёти, улими сабаб були...

Буларнинг барини ёзинг, хўпми? Ҳаммасини ёзинг!..

## ЁШ ЭДИМ, ТЕЗ АЛДАНДИМ

Утган ой қамоқдан чиқдим. Таңқарига чиқишим билан мастдай чайқалиб кетдим... Дүстларга учрадим. Баъзиларини танимадим. Үн беш йилда танимайдиган даражада узгарибмиз. Эх, дарёдай оқин, телба кунлар...

Косиб дустимга учрадим. Бир ёш йигит келди. Оёқ кийимини тузатди, пойабзалини кийиб-ечаркан, кулидаги журнални унугибди. Журнални укий бошладим. Аёл дарди. Ҳайратлар ила уқишида давом этдим. «Мактуб» журналини сұзбошисидан охиригача уқидим.

Сабоқ берувчи журнал. Үн мавзуни билиб олдим. Сода, тушунарли. Күп ва хуп завқ олдим. Телефон репортажи ҳакида әшитмагандым. Бу ҳам менға маъқул булди. Ҳақиқатдан фавқулодда ҳодиса. Сизға лоғ булмасин, деб айтмаёттган эдим, мен журнални кучириб ёздим. Навбат «Виждон азоби»га келганды уйладим, асли виждон азобини ёзищ лозим булған одам менман. Виждон азобим ёшларга сабоқ булғуси...

Сузни қандай бошлашни билмаяпман.

Хали үн беш ёшда эдим. Мени үзига ром этиб олган, номигагина, факат сұзда исломий булған уюшмага аъзо булдым. Бу ташкилот мен ва биродаримга шундай нафрат юктирадыки, кин ва нафратдан девор булиб қолардик. Кимга кин саклаб, нафрат тұярдик? Билсанғыз, факат, факат ва факат мусулмонларға! Бир раҳбаримиз бор эди. Барча мусулмонлар, уларнинг гурухлари хоин, исломни афсона каби сұзлар билан айблар, биз эса үнга ишонардик. У нима деса, түтри дердик. Онгимизни зақарлаб, гүё сеҳрлаб қуйғандыки, унинг хато қилиши мүмкінлегини хаёлимизға ҳам көлтирмасдик. Дохийимиз эди у. Нафратимиз үндан бошқаларга қаратылған эди. Аввало уннинг узи бормиди? Бамисоли у жаҳон хо-

кими эди! Шундай Оллохнинг дусти, Оллохнинг аскари булурми?

Душманлик қилишни мусулмонлардан бошламоқда эди.

«Бунинг кайси динда үрни бор», деб сўрадим бир дустимдан. «Сен кунглингни тоза тут, ким бизнинг устозимиздек була олади?! Албатта, дунёда ундан буюкроқ бошқа банда йўқ», – деди дустим. Алдангандим. Унинг сўзларига Қуръон оятига қаратандай аҳамият берардим. Лекин бирон марта: «Қуръон ояти билан устозим сўзлари орасида фарқ бор-ку», – деёлмадим.

Факат мен эмас, хаммамиз шу тахлитда эдик.

Устозимиз нега исломта хизмат қилганларни ёмонлайди? Нега ислом душманларига нисбатан бизда нафрат уйғотмайди?

Буларни антагасдан исломга зид кетаётган эдим.

Истанбулдан келган бир Имом Хатиб бизнинг устозимизни ёмонлабди. Эшидик. Устозимиз бизга: «Бориб унинг қўл-оёгини синдиринг!» – деди. Биз бешта тенгкур Истанбул йулига тушдик. Уша зотни топдик. «Сенми, бизнинг устозимизни ёмонлатган?!» дедик. У эса: «Биродарлар, сизнинг устозингиз ё бузук, ё телба. Унинг хатоларини кўрмаяпсиз. Оллоҳ сизга шундай рухсат бергани йўқ. Ақлингизни йигинг!» – деди. Бешовимиз унга ташландик. Үзимизни йўқотгандик... У конга ботганча улиб қолганди.

Бизни тутиб олиб кийнашди. Шундай азоблашдики, бунақаси фильмларда ҳам булмайди. Шерикларим сукут саклашди, аммо мен устозимизнинг исмини айтдим. Уни ҳам, бутун ташкилот аъзоларини ҳам тутиб келишди. У ҳаммасини тан олди. Истағбулда судимиз давом этди. Бир неча ойлардан сунг дунёнинг энг улуғи, деб уйлаганим уша устозим билан битта камераада ётдик. Унга булган ҳурматимиз кун сайин сусайиб, йўқолиб бораради.

Ҳаммамизнинг ҳаётимизни маҳв этган одамнинг уша куни руҳий хаста булганини англадик. Таназзулга учраб, йигладик. Энг каттамиз булган Жамол миямизни қоқиб, қулимиизга берарди: «Қуръонга кура биродарлик нима, деган саволни кўндаланг қўймай, хою ҳавасга берилган бу ҳасалчи, руҳий хастани узимиизга йулбошли килидик. Ва бир бегунохнинг улимига сабабчи булдик», – дерди.

Ёшликнинг ҳавфли даврида эдим. Энди бир умр виждан азобида қийналаман.

Мана, ун беш йил ётиб чиқдим. Ҳозирги ёшлар билимлироқ эканлигини сезаяпман. Бизлардай кур-курона иш тутмайдилар. Албатта, оз булса-да, биздайлар ҳам топилади. Шунинг учун айтаяпман бу сўзларни, ушбу битикнинг қанчасини ёритасиз билмайман, лекин ёшлар билишини истайман.

Ёшлар! Оллоҳнинг қули булмоқчи экансиз, мусулмон эканингизга ишонсангиз, гурухингиздан ташқаридаги мусулмонларни камситманг, хурмат қилинг. Албатта, уларнинг ҳам хатолари бордир, аммо унутмангки, хатосиз қул булмайди. Модомики, инсон эканмиз, қалбимизни кент қиласлил. Бир-биримизни хатоларимиз билан севайлик.

Жаҳолат инсонда мавжуд ва у куп нарсани барбод қиласди. Мен севған қизим, умримнинг ун беш йили, соглигим ва инсонларга ишончимни қамоқхонада йўқотдим.

Севгилим Феруза дунёда тенги йўқ қиз эди. Аммо уни бошқага бердилар... Ёшлигим утди... Эҳтиёт булиб қадам ташланг. Узимиизни ихтиёрига тоширган ҳар инсон ким булса ҳам пайғамбар эмаслигини билайлик...

Унутманг, ҳақиқий мусулмон бошқа мусулмонга душманлик килмайди. Ҳар бир киши Оллоҳ ва Расулига иймон келтирган булса, хурмат қилинг, юз бурманг. Оллоҳдан курқинг!

Шуни ҳам унутмангки, Оллоҳдан қурқкан одам уз ишончига куфр келтирмаган бошқа одамга душман булмайди.

Билмадим, мени ёшлар қанчалик тинглади экан. Бутун мени тушунмаганлар бир куни англашига аминман ва Оллоҳга омонат булинг, дейман.

ЯШАР К.

Изоҳ: Ҳурматли уқувчимиз! Мактубни бироз қисқартиришга мажбур булдик. Узр сураймиз. Сиз ҳам виждан азобини чеккан булсангиз, бизга ёзинг. Лекин ҳажми беш саҳифадан ошмасин.

Манзилимиз:

Мактуб журнали, Ёғузсалим кучаси, 19.  
Фотиҳ, Истанбул.

## МЕНИ КЕЧИР, АЛИ

Мен Али Фардин билан бөглиқ виждан азобимни тилга олмоқчиман.

1984 йил. Лицей. Риёзиёт дарслари. Али ҳаракатчанлиги, яхши хулқи билан дикқатни тортарди.

Бир куни Алини иситгич ёнида намоз үқиёттанини курдим. Демак, бу аксилхаракатчи, ортда қолган. Алиниң ҳеч қачон муаллим булоғасында, халқ билан мүлкөт килемасында лозим, деб үйладим. Бу йулда қулимдан келганини қилишими керак эди. Шундай булди ҳам. Бириңчи ишни синфда уни ранжитишдан бошладим. У хафа булиши, узига ишончини йүкотиши керак эди.

— Али! — дедим бир куни, — сен густох, жинни, ахмок, одам эмассан.

Ха, уни рұхан вайрон қилишни үйладим. Юзимга қаради... Узига ишониб:

— Ахмокман дейман, густохлигимга эса имкон йук. Сизнинг бундай паст кетишиңгизга сабаб мениң намоз үкишими булмасин? — дея хайрон қолдирди ва хурмат билан мұомала қилишда давом этаркан, мени ерга киритиб юборганини ҳазм этолмасдым.

Икки шапалоқ туширдим...

— Яна бир урсанғиз, қаршилик курсатишимдан огох булинг. Мениңгээ өткіздім да аёлни уриш йук, лекин аёлдан таёқ ейиш ҳам йук, — деди у. Ва бурилиб кетди.

Алиниң нозик жойидан туттандым. Уни ҳақорат қилиб, узимни урдирмоқчи ва үкишдан ҳайдатмокчи эдим. Муаллим булиб, Ота түркчи ёшларға исломни аралаштырмасин. Етар, бас! У ҳолда гап таёқ ейишімда қолди. Ва үйлаганимни қилдим. Синфда уни ҳақорат қилдим: колоқ, купол, ваҳшій, йирткіч ва ҳоказолар дедим.

Бир куни уни яна урдим. Шиддат билан менга икки шапалоқ тушириди. Дарҳол мухокамага бердим. Али куйиниб узини ҳимоя килди, аввал менинг урганимни айтди, аммо буни тасдиқлайдиган гувоҳ тополмади. Зеро, уқувчиларимга жуда яхши муомалада булардим. Ҳеч бир талабани синфда қолдирмасдим... Вақтларини қадрлардим. Ишончимга хизмат қиласидиган уқувчи-талабалар уз бурчини адо этишни бошлиши, аксилҳара-катлар хавфидан улкани қуткаришлари керак эди.

Иккинчи марта яна Алини ҳақорат қилдим.

Риёзиётдан қасдан қолдирдим, йиқитдим. Мудир ҳам мен томонда эди.

Ва 1986 йилда Али мактабдан ҳайдалди.

Орадан икки йил утди. Турмуш қурдим... Жуфтим билан ҳамфир әдик.

Бир кун Қудрат Шондронинг исломга қайтганини эшилдим. Уни яхши танирдим, мусиқали ракс устаси – устози эди. Шондро довруги ва шов-шуви билан яшаётганимизда, яна бир оиласидан дустимиз, машҳур профессор исломга қайттанини эшилдим. Ҳайратим янада ортди. Тезда уни топдим:

– Қайдан Оллоҳга эҳтиёж сездингиз, Үнга мухтоҗлигингиз йўқ, эди-ку, – дедим сурбетларча.

– Балиқ сувдалиги вактила, сувга эҳтиёжи борлигини англамайди. Сувдан чиққач, куринг... Мен балиқ эмасман. Оллоҳнинг менга берганларини, неъматларини кулимдан кетмасидан бурун англашим керак эди, англаб етдим, – деди.

Неча кунлар шу суз таъсирида юрдим.

Биринчи уйга берилишим шундай бошланди. 1988 йилда Америкага бордим. Бир оила билан танишдим, улар исломга кайтишимга сабабчи булишди. Ва мен мусулмон булдим.

1990 йил.

Нима кечган булса ушанда булди.

Алини Маҳмуд Пошода пайпок сотаётганида куриб, эзилиб кетдим... Ииғлай бошладим... Бориб ундан пайпок сурадим. Исломий кийимлар кийиб олгандим, танимади. Овозим эътиборини тортиб, юзимга қаради... Танишга кийналди. Мен эса: «Али, бу менман», – дедим. Ишонолмади... Узр сурадим. Сиртдан лицейни тамомлашини, битиришини тавсия этдим. Аммо бу тавсияларим ҳам виждон азобимни камайтиrolмади...

Мени афв эт, Али! Кечир мени! Оллоҳ учун афа эт! Мен... сени умрим буйи унута олмайман, Али!

Баён этувчи: Ф. КУЧОК

## ТАҚДИР ГУНОХГА ЕТАКЛАМАЙДИ

Хотинимнинг қулига «Мактуб» журнали тушгач, күп нарса узгарди. У журналнинг ҳар сонини топар ва мендан яширинча уқирди.

Ииллар утиб, уйимла ажойиб китоблар пайдо була бошлади: Ҳузур Суқорий, Шульба Юксал Шанлар, Миняли Абдуллоҳ Ҳакимуғли Исмоил, Сургун Ургатман, Бураси Жазоуйи, Амина Шаникуғли ва ҳ.к.

Мен юзлаб одамларни қамоққа юборганман. Китобларни кутариб отдим, улоктирдим. Хотинимнинг ёмон жаҳли чиқди. Урта мактабга кетди, деб уйлаган ўғлим Имом Ҳатиблигига кирибди. Оллоҳ сақласин... Росмана жаҳлим чиқди. Имом Ҳатиб дейилдими хаёлимга доим Эрбоқок келади. Нафратим қачон пайдо булган – билмайман, аммо ўша одамни ёмон куриб қолганман.

Хотиним эса аксинча, Миллий Ёшлар Вақфида ишлармиш... Уғлимнинг Имом Ҳатиблигига уқишга кетганини эшлитиш мени шундай паришон қилдики, ухламайдиган булиб қолдим.

Ўғлим бир олижаноб, яъни афанди бола эди. Бу олижанобликни мендан олган, деб уйлардим.

Доимо ўғлимни художўлик руҳидан қандай қилиб ажратсам, дея уринардим. Ниҳоят, бошимга бир фикр келиб, ўғлимга:

– Тайёрлан, бир жойга борамиз, – дедим. Бола хурсана булиб ҳозирланди. Онаси иккиланаарди.

– Болани қаёққа олиб борасиз? – деб суради.

Үнга бақирдим:

– Ҳар ҳолда ўғлимга эмас, болани отасидан айсанми?

Уйдан чиқдик. Хотинимнинг хавотири шундан ҳам маълум эдики, пастки қаваттacha ортимиздан тушиб, қаёққа боришимизни билишга ҳаракат килди.

Полис кийимини ечиб, фуқаролик кийимларини кийиб олдим. Машинамга чиққанимизда, үғлимга зураки жилмайиб күярдим. Аслида ундан нафратлана бошлаган, бир бузукқа қарагандай муносабатда эдим.

Үғлимни кайта олиб боришимга сиз ҳам қизиқтапсиз, шундай эмасми? Фохишахонага олиб бордим. Мануқя уйларидан бирига келдик. Аввалроқ шу уйни қуршаб, босган эдик, энди узим үғлимни шу исловатхонага олиб келгандым. Үзини бир туда қыздар ичра курған үғлим менга уялиб, ғалати қараб қуяёттан эди:

– Ота, қаерга келиб қолдик? Бунда нима ишимиз бор?

Уни ишонтириштеги уриндим:

– Үғлим, эркак булган-булмаганингни билиб оласан. Бу опалардан бирини танлаб, ёт. Қуркма, мен шу ердаман. Сен эркаксан, қуркмайсан, – дедим.

Үғлим құзларини катта-катта очиб, жаҳли чиқиб мен сари юрди:

– Тейба булдингизми, ота? Зино қылдирмоқчимисиз? Оллоҳдан қуркмайсизми? – деди.

Икки шапалок туширдим.

– Менга қара, ит! Эркак булмаганинг учун мени дин билан құрқитаяпсанми? – дедим.

Үғлим әшик томон қоча бошлади.

Ярим яланғоч фохишалар бизга қараб турарди.

– Сиз қылған бу тубанликни Абужаха ҳам қилмаган. Оллоҳта ҳеч ишонмайсизми? – деди үғлим.

Фохишалардан бири ёнимга келиб:

– Қандай уятсиз одамсан. Ҳатто бизлар ҳам бундай ерларга болаларимиз келишини хоҳламаймиз. Хе, Оллоҳнинг балосига йулиқ! – деди.

Тант вазиятда уятга қолдим. Уша кундан бошлаб үғлим қозимта қарашни истамади... Акамнинг уйида қолди.

Беш йилдан сунг Тимуртош Учар Ҳожанинг уйини босдик, Ватанни соттан хоинларни унугтиб, Ҳожа билан

машгул эдик. Унинг уйидан юзлаб китобларни олдиқ. Хотини бизни куриши билан билдики, биз, полислар номуссизларга яхши, мусулмон аёлга ёмон, қуркинчли куринамиз... Аёл юзимизга қараб, фақат бир сўз айтди:

– Бу улкада бемалол яшашта бизнинг ҳаққимиз йукми?

Бошимга турзи туштандек бўлди. Ҳакиқатда, бу кишилар нима ёмон иш қилишибдики, нега биз уларга тинчлик бермаймиз? Айблари нима? Уйларим ағдар-тунтар булиб кетди.

Уга бир аҳволда келиб, ойнаи жаҳонни томоша қиласдим. Аёлим ёнимга келди:

– Тинчликми, жуда ҳолдан тойган куринасиз?

Унга бор гапни айтдим.

– Мусулмонларга қасдан душманлик қилаёттандарнинг фикрларини энди билиб олинг. Бошингизни кумдан ташқарига чиқаринг.

Кулимга Мўмина Қуёш деган ёзувчининг китобини берди:

– Шуни укинг. Бир оз булса ҳам, балки динта келарсиз.

Ҳакиқатан китобдан мен жуда таъсирандим. Кейин яна бир китоб келтириди: «Бу ер қамоқхона». Бу китобдан бир пайлар жаҳлим чиққанди. Уқидим. Бирдан қарашларим узгара бошлади. Эртасига Ҳакимуғли Исмоил Мазлумнинг, кейинрок Шульба Юксал Шанларнинг «Ёшликнинг изтироби»ни уқидим.

Ҳали билмаган нарсаларим куп экан. «ХХ аср муаммолари» номли китобни тутаттагач, намоз уқий бошладим.

Үглим намозни бошлаганимни эшитсан, деб кулимдан келганини қиласдим. Аммо үглим эшитолмас, олисларга бош олиб кетган, манзилини ҳам ёзиб юбормасди.

Бу не тақдир уйини, дердим. Ичимда шундай исён ҳам улгаярди. Бир йил тақдирни айбладим. Бир йилдан сунг бир устоз олимга аҳволни айтдим. «Буни тақдир эмас, узинпиз қилибсиз. Тақдир гуноҳга тарғиб ва

ташвиқ этмайди», – деди. Энди аёлим ҳам ахволимдан ачинарди. Лекин утлимиизни согинар, мени тарк этган утлимиизни излардик. Ох, утлим мени саждада күрса эди. Үндан бирор хабар, сас-садо йүк эди.

Уша кундан кейин хизматдошлар, дүстларга узимдаги узгаришларни англата бошладим. Динсиз булғанлар: «Бизга устозлик қиласа, ақл ургатма», – дейишиди. Аммо бир қанчаси мени тинглади.

Утлимга қылған муюмаламни эсласам, ичимда оловлар құзғалиб, виждон азоби мени аді қиласади.

Кутылмаганда мактуб олдик, утлим онасига:

«Онажоним! Мен Покистондаман. Оллоҳ насиб этса, байрамда бораман», – деб ёзарди.

Боладай бузладим. Энди утлим отасини саждада куради. Виждон азобим барҳам топади.

Утлим Арафа куни келди. Катта булиб, улғайибди. Соқолли, нурлы юзли утлимни күчөқлаб үпдим. Йүлдан чиқармоқчи булғаним – Имом Хатибим мени йүлга солғанди, йул топишимга, қидоят йулиға киришимга сабабчи булғанди. Эртаси кун ҳайит намозига бирға бордик. Ҳаётимда ҳеч қачон бу қадар баҳтиёр булмагандым.

Жомедан чикқанимизда, утлим юзимта қараб:

– Ота, – деди. – Биласизми, сажда сизга гузал шахсият баҳшида этибди. Жомеда сафда түриш сизга шу қадар ярашибики, таърифини келтиролмайман, тушунтиролмайман.

Хуллас, сизга виждон азобимни англағатмоқ истадим. «Мактуб» журналида үқитаним – «Виждон азоби» менга жуда таъсир этди. Менинг ҳаётим оталарта, ҳамкасбларим – полисларга урнак булади, деб үйладим.

Изоҳ: Телефонда айтилған бу ҳаёттің ҳикояни ёзаётганимда, бу воқеадан фильм яратиш мүмкінліги ҳаёлимга келди. Киночилар бу ҳикояни үқиб, шу ҳақда үйлаб күришларини истардым.

А.Ш.Ү.

XNKORJAP



БИЖУ  
БИЖУ

## БИР ПИЁЛА ЧОЙГА ИНТИҚЛИК...

— Тухтант! — деди у. — Майлими, бир пиёла чой ичсак, қишлоғимга қайтишта юзим чыдамаяпты.

Мени шунчалар ғазаб коплаб олдики, у йиғлаган сари мен кутурадым. У ёлворгани сайин мен купрок урадым... «Оллоҳингдан топавер», — деб оғзимдан чиққан куфр сузларимни узим эшиитмасдим. Үз хотиним менга асло гап қайтара олмасди.

У оч қоларди, мен буни билардим. Онам иплик сотар, унга бир неча қуруш берарди... Пулни бераёттапларида: «Бу уғилни түкканимдан кура илон тұғсам яхшийди», — дерди ва яна қушиб қуярди: «Менинг үглим Бейуғли-нинг йулини билмасди. Мен унга ёмонлик үргатмадим. Үглимнинг ортида кимдир бор, аммо у ким?» — дея изтироб чекарди.

Хотиним эса мени ардоқлар, аммо мен уни куришни ҳам истамасдим, чунки у Сузон каби, Сарпил каби жозибали эмасди. Онам уни ментә қишилоклан олиб берганди. У қандай маъсум эди кейинги күрганимда... Уша кече яна ичиб келгандим. Уни мени кутаёттган ҳолда куриб: «Мени таъқиб этаяпсанми ҳали?!» дея соchlаридан тутамлаб, кутариб ерга урдим. Эх, кулларим синса булмасмиди... Ердан турганида, оғзидан қон келарди.

— Биласизми, сизни дүнёға алмашмасдим, — деди ва қонларини артиб, давом этди, — аммо эңди бу кийин-чиликлардан, бу азоблардан қтулиш учун үзингизни үзингизга қолдириб, бироз ҳузур излаш учун кетаман.

— Кошки кетсанг, — дедим, — кошки кетсанг...

— Кетмоқчиман, — деди күзларимга тикилиб, бошини тебратиб, — бу гал охирги карорим, ишонинг.

Хаёлга толдим. Бейутлининг ҳамма қурқадиган одами, балоси булмокчи эдим, остимда сунғы русумдаги машина... қизлар «айлентиринг», дея ялинган...

Мана, ниҳоят хотинимни ҳолдан тойдирдим. Кишлогига кетмоқчи...

— Келинг, рұбару утириб, бир пиёла чой ичайлик. Қыз пайтимда фильмларда юзма-юз утиришиб, чой ичишган эр-хотинъарни куриб хавас килардим. Бир мартагина, лоақал, бир лаңза хаёлим ҳакикатта айлансин.

— Мен чой Эмас, ароқ, виски, раки ичаман, — дедим.  
Бошини эгди.

— Дастанхон тузаб, сизни бир хурсанд килиш учун эътиқодимдан кечолмайман, — деди. Дастанхон тайёрлади. Лабларидан окқан қонни сидириб қуяр, менга қарар ва:

— Мен кечирсам ҳам бу қилимишингизни Оллох афв этмас, — деди. — Бу зулмнинг бадалини Унинг хузурида утайсиз.

— Севиняпсанми? — деб сурадим. У қонли дудоқлари азобида зураки жилмайиб, жавоб берди:

— Мен ахмоқман, — деди, — улай агар, ахмоқнинг узи-ман. Шунча қийнаганингизга қарамасдан... яна қийна-лишингизни истамайман... Оқибатда барибир ачиниб, хафа буламан... Балки аксинча булар, ким билсин...

Хотиним билан бир зумгина яхши сұхбатлаштаним-ни тушундим. Үрнимдан туриб: «Вайсашиң бас қыл!»

— дея эшик томон юрдим. Ортимдан овоз берди:

— Бир пиёла чой ичсак булмайдими? Бир хуплам чой ичгүнчалик вақтда ролга кириңг, худди мени севғаңдай муомала қилинг. Сизни шу ҳолингизда хотирлаб юрай, тушларимга шундай кириңг.

Юрдим. Тингламадим. «Қачон?» — дедим. «Нима қа-чон?» — деди. «Қачон даф буласан, жаханнам буласан?» — дедим. «Эртага», — деди. Юрагимта қилдай ботған бир нарсаларни ҳис қилдим.

– Аммо сизга айттолмадим... Түрірғи, тузук холда уйга келматанингиз үчүн фурсағ булмади... Мен ҳомила-дорман. Ота булганингизни кабул килинг, рози булинг, сиздан бошқа нарса истамайман.

Уни яна уришта шайландым. Ғазаб билан устига бос-тириб келиб:

– Нима, нима, нима! Сен ҳомиладормисан? – деб сурадим. У овчилар кулига туштан жайрондай күркіб қолғанды. Тепасида мушт кутариб: «Гапир!» – дердим.

– Гапир, бу бола балоси кайдан чиクリ? Кимдан бул-ди?

Уни шүнчалар құркүвің асир килиб қуйғандимки, боламни менинг үзимга айттолмаганди. Мушт туширдим...

– Бошимга бола балосини туширмасдан йүкол!

Яна эпикка караб юрдим. Тутилиб-тутилиб бир нар-салар деб мингирилди ортимдан. Күп нарсалар айтмокчи булар, уни бир аланга үрагандай, күп азиз нарсаларини йүккөттәндай күйіб-ёнарди. Айттолмасди. Гапиролмасди. Энди боласининг отасини айттолмаслик алами ёндириб турарди. Узини зурға күлгә олиб, ҳайкирди:

– Оллох сени шу болага мухтох килсин, Оллох сени судрантириб қүйисин... Оллох күрсатсан, дүстларингдан зарба ол! Оллохдан тилайман, мени күйдирганингдай күй! Килмишингта яраша азоб кур! Охим ерда қолмайди! Қолмайди... Шуни унутма! Шуни бил!

Хұнграб-хұнграб, ерга тиз чукди. Силкиниб-силкиниб, үксиниб менга қаради. Кузлари қонга тулган ва шишинқираганди. Үзгача, қатыйи бир охангда сұзлади:

– Асло... асло... чидай олмайман, сенға тоқат қилол-майман. Ердан чиқкан әмасман, ерда қолмайман. Йулдан топпилган әмасман.

Тонта яқин келганимда, қоллирган еримла курдим, бұлманинг үртасида ётарди. Ғууруга берилганимдан, устига курпа ҳам ташлаң қуймадим. Эртасига пешинда турғанимда, хотиним кетиб қолғанди. Стол устида бир хат қолдирибди, икки жумлатина ёзуў:

«Хар ким уз тенги билан турмуш қуриши керак экан. Аммо буни қишлоқдаги Ойшага ким ҳам ургатарди. Ким ҳам ургатарди, майшатдан боши чиқмаган сизга!

Мана, кетмоқдаман. Сизни виждонингиз билан ёлгиз қолдирмайман... Чунки сизда виждоннинг узи йўк! Сизни сизнинг қийноқларининг билан қолдираман. Зоро, бир кун қийнақ эшигини қоқувчи мастиикдан уйғонмоқчи буласиз...

Аммо вақт утган, кеч булган бўлади... Ва бир умр күясиз... Жаҳаннамда куяжагингиз мустасно.

Ойша Зилугли».

Отасининг исми билан имзо чекканди. Мендай асл йигитдан, мард Эркақдан қандай ҳам ажрала оларди? Атрофимда аёллар оёғимга бош уриб, ялиниб турган булса! Лекин атрофимдаги уша аёлларта ҳеч зулм килмасдим, «йўқол!» дея калтакламасдим...

Орадан икки йил ўтди. Ойшани йўқламадим. «Турмушга чиқиб кетдимикан?» – деб уйлаб куярдим баъзан. Жазманимни қизганар, лекин хотинимни ҳеч кимдан рашк қилмасдим. Ичимда Эса гашлик бор эли.

Бир куни маҳкама маълумотномасини қулимга беришди. Ажрашар эканмиз. Бир кизи бор эмиш, бир ёшга тулганмиш. Исми Шухадо экан. Маҳкама болани онасига қолдирибди.

Яна икки йил ўтди, ажрашганимиздан сунг, бир кеча сархуш ҳолда машинада уйимга кетардим. Бир чакирим юрдим. Бейутлидан чиққанимни, дуч қелган автобуснинг чирокларинигина эслайман, кузимни очтанимда тез ёрдамда курдим узимни. Бошимда ҳаким ва ҳамширалар бор эди. Узимга келтанимда, унг қулим йук, кесилган эди. Кесишга мажбур булишибди.

Уз-узимдан илк бор интиқом олдим: «Шундай булиши хақ», дедим. «Балки энди одам буларсан!»

Уйимга камалиб олдим. Дастрабки пайтлар дустларим келиб, у-бу нарсалар келтиришиб, хабар олиб туришади.

«Сени ёлғиз қолдириб, ташлаб құймаймиз», – дейиңди. Аммо беш ойлар уттач, ҳеч бири келмай қуиди.

Истар-истамас Ойшанинг сузи эсимга тушди: «Сенга Оллоқ курсатсын, дүстларингдан зарба е!» – деганди. Ана, уша кун келди.

Энди йиилар уттач, Ойшани ачиниш билан эслардим. Мен олчок күппак, у эса покиза, матъсум, ёш аёл эди.

Турдим. Жаҳл билан камзулимни ахтардим... Топиб, қулимга олиб, шошиб Тұпқояға жунадим.

Ойшаларнинг қишлоғига борадиган автобусста мінди. Ойшадан узр сұрамоқчи әдім. Турмушга чиқмаган булса, олиб қайтмоқчи әдім. Истаса оёқларига йиқіламан. Е турмушга чиқиб кетдімікін? Нахотки?! Турмушга чиқса, ҳаққи! Не дея олардим. «Пушаймонлар чекканингда, вакт аллақачон утиб кетган булади!» – деганди. Нахотки, кечікдім?! Қишлоққа кириб келганимда, юрагим қинидан чиқиб кетгудай уради. Бироздан сунг Ойшани кураман. Куришсак севинармиқін ё қайғуармиқін? Кім билсин. Мендан нафраланади.

Шундай уйлар билан қишлоқ булоғига яқынлашғанимда, Ойшага үхшаган бир аёлга күзим тушди. Үнга қараб чопдим. Ойша эмас экан. Ҳамма менға қаради. Уядым. Нега уядим? Бундан баттарроқ ишларни килиб уялмаган одам энди нимадан уялдардым?!

Аёллар шошиб-нишиб сұрашды:

– Кімни қидирайапсиз?

– Ойшани... – дедім.

– У булоққа келмайди...

– Нета?

– У үлди.

Ишонолмадим. Улмаслиги керак әди... Үндан узр сұрамоқчи әдім. Турған жойимга чукиб, утириб қолдим. Бир пайт елкамда бир құлни сездім.

– Сиз қайдан билардингиз раҳматлини?

– Хотиним әди... – деёлдім, холос.

— Сенинг китобингда хотин шу қадар ҳақсизмиди?

Кетди. Үн беш, йигирма қадам юриб, овоз берди:

— Эй, ғур нусха! Қара, рупарада уйнаб юрган анави қизалок раҳматлининг фарзанди — Шухадо. Отаси сенмисан, йўкми, билмайман. Асл отаси бу қизалоқقا эта чиқмаган, дейишади қишлоғимиздагилар.

Бу дунёда бундай машакқат — аччиқ хижолат, шармандалик борми?

Секин туриб қизимга қараб юра бошладим. Кузларимдан биринчи бор ёшлар оқди. Унга қараб юрарканман, унг томондаги қабристонта кўзим тушди... Бир қабр тошига: «Ойша Зилугли» — деб ёзилганди. Яқинлашдим. Умрим буйи англаёлмаган бир ачиниш билан қабр тошилади ёзувларни уқидим:

Ёш чоги зулмат булди,  
Оқибат гамга тулди,  
Кун курмасдан у сулди,  
Ойша бир дуо истар.

Ёлғиз қулимга таяниб, тош устига бош кўйдим.  
Йигладим... Йигладим...

Камзулимдан туттан бола қулини пайқаб, карадим  
— Шухадо!

— Амаки! Онамнинг мозорида нима қиляпсиз?

Уни кучиб, хидладим. Упдим. У саволларини давом эттириди.

— Нейа ийғлайсиз, амаки?

Хунграб йигларканман, жавоб беролмасдим. Зурга узимни тутиб сурадим:

— Болам! Кимлитимни биласанми?

— Ҳа. Амаки...

— Отанг қайда?

— Отам йўк.

— Отанг менман.

Бола ҳеч суриштирмасдан буйнимдан қучоқлаб олди.

— Унда сизи упай, — деди. Упди. Эркалади. Кейин: — Ота! — деди. — Нейа бизи уйда эмассиз?

Чидаёлмадим. Уни олиб бобосиникига, Ойшанинг отасиникига элтдим.

Тортиниброк қулларини упдим... Онаси қулини бермади.

– Қули упиладиганчалик табаррук эмасман, – деди.  
Улар хам йиглашди.

Шұхадони ёлғиз қулим билан қучоклаб турадим.

Гүёй ииллар интикомини мендан аёвсиз оларди. Уни эса ерга туширмасдим.

Бир пайт:

– Ота! Нимага сизи бир қулиз йүк? – деди ва мени жуда узокларга, марҳаматсиз йиллар қаърига улоқтиргандай булди.

«Шұхадони Истанбулга олиб кетсам», – деб сурадим.

– Йүк. Булмайди, – деди қайнотам, – Истанбул бизнинг назаримизда бехосият шаҳарга үшшаб қолди, боламни у ёққа юборолмайман. Хоҳласангиз ора-сира келиб, уни куриб кетишиңгиз мумкин.

Шундан сунг икки-уч ойда кишлоққа келиб, қизимни түйиб-түймай ҳидлаб-ҳидлаб кетадиган булдим.

Хеч оталик ҳиссимни баҳш этолмаган, хеч оталик қиболмаган болам мени кечириши учун қулимдан келганини қилардим.

– Мендан нима истайсан, сұра, болам, – дедим.

У қулларини ёзиб:

– Мана мууунча күтийчоқ истайман, – деди, – аммо унұтсаиз, сизи яхши курмайман.

– Хүт, қизим, олиб келаман, фақат сен мени яхши курсанг булди, – дедим.

Бир ойдан сунг каттакон құғирчоқ олиб қишлоққа келдим. Үнга құғирчоқни бера қолсам, дердим. Қайнонамнинг уйита юғурдим. Эшиқданоқ бақирдим:

– Шұхадо-о-о!

Ташқарига қайнонам чиқди.

– Үглем, бақирманг. Шұхадо ухляяпти, – деди.

– Майли, – дедим. – Боламнинг бошида кутаман уйғонишини. То умрим сунгтигача кутаман...

## БИР ҚИЗНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Мен ун беш ёшимгача Туркияда эдим, Олмонияда опам бор эди, ишларди, болаларига қарашиб учун мени чакирди. Иккі-үч йил болаларига қарадим, ёшим ун саккизга чиқди. Мени турмушга беришни үйлашарди. Мен ҳар доим Оллохта «Ә Раббий! Менга ҳожи кишини насиб эт!» – дея дуолар қылардим. У пайтлар опам ҳам, поччам ҳам Исломдан ҳеч нима билмас ёки билсалар ҳам амал қылмас әдилар. Мен ҳам улар каби яшардим. Туркияда пайтимда онамдан урганиб, намоз укир, разаңонда руза тутардим. Уша пайтлар очиқ эдим, ҳеч ким үраниб юр, демасди. Мени жомега юборишмасди.

Мени сураб келғанлар буларди, бири яхши, бири ёмон. Яъни ёмон деганим ўзига бино қуйғанлар эди. Үзимни ҳали ёш, деб билганим учун турмуш куришни истамасдым.

Яна бир гал совчиликка келишди, опам мени уларга бердилар, мен унчалик истамадим, аммо номи ҳожи Эканини билиб, бироз илидим, фотиха килиндим, иккі ойдан сұнг түйимиз бұлди. Дастандар пайтлар яхши яшадик, қызыл булдик. Кизим иккі ёшта киради. Менинг кийин күнларим бошланди. Янги уйға кучиб утдик. Күшниларнинг күпчилігі мусулмонар. Бир-биirimизниң кириб-чиқыб, борди-келди қилиб турамиз. Мен ҳам уларга ухшаб, румол ураб юришга қарор килдим. Эрим дастандар пайтлар жанжал чиқарди, бошимні үрашим билан урди, коса-төвөкни, билурларни мен томон улоқтириб синдирап, үзимни күчага хайдарди. Баъзан уйға күймас, кизим билан ертулаларда тонг оттираардик. Мени мажбуран бош яланғ күчага судраб чикаарди. Иккі йил тинмай таёкедим. Баъзан нағисидан акли устун келиб юмшар, ҳеч мени урмагандай тутарди узини. Яна ҳомиладор булдым. «Агар угыл булмаса, түгруқхонада

үлдираман!» – дерди. Мен эса Оллохта дуолар қиласадим: «Е Раббий, менга үтил ато эт, балки эрим инсофга келар, жомеларга борар!» – дея ёлворардим. Ундан яшириб намозимни укир, агар куриб қолса, афв этинг, бошимдан сиярди. Шукрки, бир утил курдим. Энди угилли булдик, эрим яхши булиб колар дердим, аммо аксинча, янада телбалашди, кечалари уйга келмас, қаҳвахоналарда ичиб колар, қимор уйнарлы, уйга бирор аёлни бошлаб келиб колишидан жуда хавотирланар ва қуркардим.

Рамазонда бирон марта ҳам уйда ифторлик қилганим йүк, баъзан қушнilarникига чикардим. Бир қушним бор эди. Оллох улардан минг карра рози булсин, менга куп ёрдамлари тегди. Сахарлик деганимиз мөгорлаган нонни сув билан ярмини ейиш эди. Ярмини углимга қолдирадим. У хали кичик эди. Қизим турт ёшда эди, баъзан узи руза тутар, баъзан мен тутишини сурардим, чунки уйда ейишига, барибир ҳеч нарса йүк эди. Бир куни ифторлик якин қолганди, шурва қайнатдим, қушнимиз ҳам овқат чикарганди, болаларим билан ифторлик қилишни кутардик. Эрим уйга кириб, ифторликни кутаёттанимизни куриб, қозонга сигарета кулларини, чупларни тулдириб, сунринди жойига тикиб юборди. Яна аввалгидай коса, товоқ, пиёлаларни бошимга отди, бизни ташкарита кувди. Болаларимни олиб, қушниникига бордим, янгидан дастурхон хозирладилар, Оллох берган насибамизни едик, кейин ҳаммамиз бирга жомега бордик.

Опам бу аҳволимни билса ҳам ёрдам бермасди. Бу ҳам етмаганаңек, устига-устак: «Узинг пиширган ош, айланиб ҳам, ургилиб ҳам узинг ич!» – дерди.

Эрим қиморда ютқазиб келиб, аламини мендан оларди. Бир тийин колдирымас, ҳаммасини қиморда ютқазарди. Мен уранганимга қарамасдан бир иш топиб, рузгор юритиш мажбуриятида қолгандим. Ойлитимни олган кун уйга келар, уриб пулимни оларди. Сабр қилишга

кучим қолмади. Полисга сым қоқдим, полислар келиб эримга: «Хотинингни яна бир марта урадиган булсант, уйингдан хайдаймиз сени», – дердилар. «Булди, энди урмайман», – деб қутулиб қоларди. Икки кун тинчланар, учинчи кун яна уришни бошларди. Шу тариқа турт ярим йил утгач, еган зарбаларим оқибатида рухий касалликка чалиндим. Ишхонасидағи фотиҳали қизни йулдан уриб, у билан яшай бошлади. Маҳкама бизни ажратди. Болалар менда қолди. Лекин кейинги рамазонда тамом аклдан озиб, ҳаммани безовта қилибман. Жомега бориб, намозларни бузибман. Қүшнилар мени рухий касалхонага ётқиздилар. Болаларни болалар уйига топширишиди. Тилимдан ҳеч Оллоҳ қалимаси тушмасди. Шу қадар телба булғаним ҳолда, дуо қиласадим: «Ё Раббий, менинг турмушимни бузган уша қиз ҳеч турмуш қуролмасин!» – дея ёлворардим. Шифохонада бир ярим ойча ётдим.

Келувчилардан эшитишимча, эрим билан жуфтакни ростлатан уша қиз яна аввалги унаштирилғапта кочиб кетибди. Касалхонадан чикдим. Болалар уйидан болаларимни олмоқчи булдим. Бермадилар. Ҳар ойнинг йигирма биринчисида уларни куришта борардим. Бошка кунилар рухсат беришмасди. Қуп орзуларим бор эди, болаларимни босқичда үқитмоқчи эдим, уларнинг мүлюсіб устоз, имом булишларини истардим. Аммо... Энди бироз тинчман. Намозимни истаганимдай укийман. Фақат болаларим ёнимда ящаса янада хотиржам булардим. Ишлашга мажбур булдим. Истаганимдай ураниб-күйиниб ишга бориб келаятман. Ойда бир болаларимни кураман.

Бокира сингилларим дуоларида: «Ё Раббий! Бизга хайрли, мусулмон, исломга амал қилувчи, бизнинг ҳам амалларимиңга тускинлик қилмовчи жуфт насиб айла!» – десинлар. Оллоҳ дуоларини қабул қылсиян. Омин.

ОЛМОНИЯ, З. Й. Н. К.

## КУНГИЛ КУЗИ КУР БУЛМАСИН

«Үғлим... Болам, жоним фидо, онант курбон булсин сени Яратганга!» – дея устирдим Муродимни. Болагина-мининг кузлари күр, жуда ақлли. Беш ёшта тұлған куни сураб қолса буладими:

– Она, менинг кузларим нега күр?

Жигаримнинг бир парчаси узилтандай булди, нима ҳам дея олардим боламга. У сурашда давом этарди:

– Она, курмок нима? Курса нима булади?

– Дүнёни күрасан, үғлим, ой, қүёш, кеча-кундузни.

– Ой, қүёш, кеча- кундуз нима, она? Ёнадими улар?

Қанақа нарса үзи?

– Үғлим, ой, қүёш күк юзида булади.

– Күк юзи нима? Қандай нарса, она?

Жавоб беролмасдим. Жавоб беролмаслигимни түшунарди.

– Жавобингиз йүкми, она? Албатта, жавоб булиши керак. Түгрими, она?

Она-бала шундай сұхбатдош дүст әдик. Лекин баъзан инжиклик қиласы: «Опам, акаларим куришади-ю, нега мен курмайман?» – деб туриб оларди. Қантса түшүнтирмай кор қилмасди. Мен ҳам унга бот-бот:

– Үғлим, мухими кунгил кузидир. Оллохта шукрки, нұксонинг факат күзингінде. Қул-оёкларинг йүк булса нима булади?

Албатта, бироз тасалли топарди... Аммо зиналардан чиқиб-тушишда йиқиса, овозининг борича бақиради.

– Муродим, болам, мени хафа қилимасанг-чи, кузим, – дердим. Менинг унга айттаниларимни, англаттаниларимни одамлар билишса, улар ҳам тұхтовсиз болаларига боғланиб, улар билан тинмасдан машғул булишармиди.

## Уч йилдан сунг

Муродим бироз тартибга кирди. Энди у саккиз ёшда. Мана, ташқарида уйнаяпти. Опаси билан Зайнаб бор ёнида. Ё Раббий! Болалар жур булиб, Муродимга бақиришмокда.

— Кур Мурод, кур Мурод бизни тутолмас...

Болам турган жойида кимирламай қолди. Тезда ташқари чиқдим:

— Болалар, хеч уйлайсизми? Қаранг, Мурод йиглајпти. Ота-онанғиз сизга «курга кур, چулокқа چулок», дейиш гунохлигини айтмаганми? Бундай қилманг, Муродни ғамта ботирманг, хафа қилманг!

Болалар тингламас ва тушунмасдилар. Уларға ота-онаси таълим-тарбия берганмидики, қулоқ солса. Мурод йиглай-йиглай уйга кирди. Овози борича бақирди:

— Менга кур, дедила-а-а-ар. Яшашни хоҳламайма-а-ан. Улишни истайма-а-ан.

— Болам, улар тарбиясиз ота-оналарнинг болалари. Тарбия берсалар эди, сени айблашармиди, сенга шундай бақиришармиди?! Хафа булма, қайғурма, болам, узрли инсонларни айблаганлар узларини камситтган булади, улар узларини хор қилғувчилардир. Сен сабр қил, сен яхши мусулмон бул! Оллоҳ сенга жаннатда шундай гузал куз ато қилурки, бокқанларнинг күзлари қамашур.

— Аммо бу қачон булади, она?

— У дунёда... болам.

— Үнта жуда күп вакт бор.

— Йук, болам, яқин, ҳатто юз йил булса ҳам яқин. Қара, менинг отамнинг отаси ҳам сендей бола эди, болалиги тугади, кексалиги ҳам... эңди у бу дунёда йук... Асло исён қилма, үғлим! Оллоҳни севғанлардан булиб, икки кузи күрганлардан бахтироқ булгайсан. Абадий ҳаётинг жаннатда кечгай.

— Жаннат қанақа жой, она?

— Гузал жой, бехад гузал. Оллоқ жаннатни англатар экан, түйиб булмайди, дейди. Абадий анхорда олтинлар оқади, лейди. У ерда инсонлар учмоқчи булсалар, дархол учадилар. Сув устида юрадилар. Бу дунё тез утгувчицир. Қанча кузларға тупрок тұлди, қанча кузлар қабрда тупрок булди. Эгасига фойдаси йук.

Ұғлим тингларди. Гоҳо исөн әтгудай булса-да, менинг ёнимда уйчан әди.

Бир күн акаси мактабдан келтас:

— Она, укаларимни дарё сохилига олиб борайми? — деб қолди.

— Яхши буларди, Ұсмоним, мен ҳам пешиндан кейин бораман, — дедим.

Учови кетиши. Ҳаво унчалик очик эмасди, аммо ёмғир ёғишидан аввалрок келиб улғуришар, дея уйладим. Улар кеттанидан ярим соат утиб ёмғир қуиди, куттылмаган түфөн булди. Болаларим томон югурдим. Дарё қутурған әли. Ҳар томонни сел босди. Дунём остин-устин булди. Болаларимни курмас ва тополмасдим. Тұлқинлар оч аждарходай бостириб келарди устимта. Овозим борича бакирдим:

— Ұсмо-оо-о-он! Зайна-а-а-аб! Муро-о-о-о-од! Болаларим! Қайдасиз! Қайлардасиз! Болаларим!

Тұлқинлар пишқириб, дарё қырғоқларига уриларди. Бир пайт дарёдан бүгің фарёд эшитилгандай булди: Она-а-а-а-а!

Овоз келтән тарағға телбаларча югурдим.

— Болам... болажоним! Құшнила-а-а-ар!.. Эшита-япсизми?! Болаларимни құтқаринг!

Бирор дарёда өлас-әлас куринниб, тох куринмай оқиб кетаёттанды «бола-а-а-ам!» — деб үзимни сувға оттім. Тұлқинлар мени хасдай олиб кетди. Қанча үтди билмайман, бир толын тутиб, үзимни қуруқликка оттім. Ва ногох Муродим ҳам бир новдадан ушлаб бакиради.

— Она, мени құтқаринг!

— Бола-а-а-ам! Бир озчида, боряпман, сабр кил биroz!

Яшиндай югурдим болам томонга:

- Болам, болагинам, Муродим!...
- Она, акаларим қани, қаерда? Уларни топинг, она!
- Сен шу ерда кут, болам, мен уларни ахтарай...

Хуним бошимдан учди. Бош яланг, жиннига ушшаб даре буйида югурадим. Узинг сакла, Парвардигор! Даҳшат! Не булса ҳам топсам, дейман? Эртасига Кизилча қишлоғидан қизим ва углиминг жасадини топдик. Қаңдай айтаман. Бу ғамни қай суз ифода эта олур?! Икки фарзандимни дағы этдик. Беш кундан сунг Муродимнинг саволларига дуч келдим:

– Она? Акам билан опам ҳозир қайда?

– Жаннатда, уелим.

– Она, нега мен бир дарахтни ушлаб, улмай колдим?

Нега улар тутолмади, ҳолбуки иккиси ҳам куради-ку?!  
Кузлари бор эди-ку??

– Углим, кузлар Оллоҳнинг қадарини узгартиrolмайди. Курмаганинг ҳолда сен дарахтни топиб тутдинг, улар курганлари ҳолда дарахтни тополмадилар...

– Энди курлик мени хафа килмайди, она! Болаларнинг мазахлашига ҳам эътибор бермайман.

Ҳақиқатда бу ҳодисадан сунг курлик мавзуида суз очмадик. Мен Оллоҳдан сабр сурадим. Бир неча йиллардан сунг яна икки угил курдим.

### Етти йилдан сунг

– Она, мен ёзувчи булмоқчиман, нима дейсиз?

– Сенми?

– Ҳа, мен, она. Кузлари кўрмаган қанча-қанча ғайридинлар неча-неча китоблар ёзиштан. Кузи ожиз қанча-қанча мусулмон олимлар бор экан. Мен ҳам китоб ёзмоқчиман. Кузлари кур булмаганларнинг нечун курмаганикларини қаламга оламан, онажоним! Болаларга маҳсус айтадиган гапларим, фикрларим бор. «Биз боламиз», деб бехуда юришмасин, болалар ҳам буюк ишларга қодирдирлар. Ҳар ким кўзининг қадрини

билин, курмаганлар ҳам шукр қиласин. Она! Кеча сиз билан сұхбатлашаркан, ҳаким айтди. Техника-технология таъсири сабабли ногирон болалар күпайибди. Ҳар не Оллохдан эди-ку, она? Бизни заһарлаганларни айтмадингиз, мени технология кур қылғанини биламан. Фан эмиш, техника эмиш.. Оқибати.. бизга урмокда.

– Уларнинг болалари-чи?

– Уларнинг болалари йүк-ку, она? Газеталарда ёзишибди. Олимларнинг купи фарзандсиз экан.

Үғлим, хақиқатан, динига боғланган мусулмон булди. Ҳофиз булди. Булбулдай овоз билан Қуръон тиловат қылғанда, иймонли юраклар титради. Кузи ожизлар уқув юртини аъло битириб, диплом олган Муродим укаларига ҳам меҳрибон эди.

### Беш йилдан сұнг

Күшнимизнинг қизи Зайнаб Муродни севиб колди. Мурод қатъяян уйланиш нияти йүклигини айтарди. Бир куни Зайнабга, «Кел, келиним», деганимни Мурод эшитиб, мени чақирди. У йигирмага кирганди.

– Она, айбга буюрмайсиз, гаплашиб олсак, – деди ва мен утирдим. – Она, мен уша қызға уйланмагач, нега умид қилаяпсиз? Гуноҳ әмасми? Гуноҳ бу. Гуноҳ.

– Үғлим, бу қыз сени жуда севади, нега уйланмайсан?

– Она! Бу ҳақда неча марталаб сұхбатлашдык. Уйланмоқчи әмасман.

### Икки йилдан сұнг

Эрим йүл ҳалокатига учраб, улди. Үгилларимдан бири захиралаги зобит булли, кичиклари ҳаким булиш учун харакат килишмокда.

### Йигирма йилдан сұнг

Олтмиш ёшыга кирдим. Зобит үғлим: «Менинг иш үрнида үсишим бор, она, уранған ҳолингиздан уял-

япман», – дея укасиникита олиб келди ва мени кичик углимнида колдирди. Аммо вакти-вакти билан кичик углимнинг ҳам бундан унчалик хушланмаётгани сезиларди. Неварамнинг тундлашиши ҳам буни билдириб турарди. Ҳар сўзни үзимга олиб, эзилардим. Охир, тахминим тутри чиқди...

– Она, – деди бир куни углим, – укамнида қолинг.

Қолдим. Туғрироғи, коляпман. Алинида эканимда Муродим келди. Кузлари нам. Балки йиглатандир.

– Она, биласизми, мен Зайнабга қай шартлар билан уйландим. Унга: «Мен курмайман, онам менга муҳтоҷ бултанида, менга куз буласанми? Онамни қабул қиласанми? Сен менинг онамни қабул килсанг, мен ҳам сенинг ота-онангни қабул киламан», – дедим. У эса: «Сенинг онангни балки онамчалик севолмасман, аммо онамга булганчалик марҳамат киламан», – деди.

– Нима демоқчи буляпсан, углим??

– Сизни бизнинг уйимизга, үзингизнинг уйингизга олиб кетмоқчиман.

– Энди менинг уйим йўқ, углим. Менинг уйим менга муҳтоҷ эканингизда бор эди, мен сизга муҳтоҷ бўлгач, йикилди уйим.

– Ундей деманг, она. Мен сизга доим муҳтоҷман. Болалар оналарининг пазарида доим бола булиб қоладилар.

– Лекин мен бу ерда бемалол, ҳузурлиман, углим.

– Ёғон айтмаяпсизми, она??

– Қайдан биласан?

– Курлар билмасми, она! Улар қалб кузи билан курдилар. Сизсиз ҳеч қаерга кетмасман, онажоним, сизни ҳеч кимга муҳтоҷ этмасман!

## МЕНИ БОСКИЧДАН АЙИРМАНГ

Бир гал эрталаб үкүв боскичига бориб, эшикда Фазилатни йиглаб турган ҳолида курдим. Нима булганини сүрадим. Йиглай-йиглай вөкөаны айтди:

– Устоз, мен Синобдан келгандым. Битта амакимдан бошқа ҳеч кимим йүк. Сизнинг үкүв боскичингизни топганимда, бехал хурсанд булдим. Аммо боскични ёпишиди. Тайинлаган устозни ҳам олиб кетишиди. Энди кучада колдим. Боскичдошларим оиласарига сим қошиши, уйдагилари келишиб, уларни олиб кетишиди. Ёлғиз мен колдим... Полисларга ёлвордим. Мени боскичдан айирманг, дедим. Аммо қулоқ солишмади.

Үнга тасалли бериштә харакат қылдим:

– Хафа булма, сенга бирор жой тоғамиз, – дедим.

Дархол жой ахтара бошладим. Уй эгалари шунчалар күп гаров сурардиларки, нима қилишни билмасдим. Таниш бойларникига бордим. Ҳеч унугомайман, бири: «Кел, боскич учун ёрдам қиласай», – деди. Такси тутиб бордим. Зеро, вактим пулдан қимматлироқ әди. Иул пули минг лира атрофида булди. Ёрдам қилмоқчи булган зот мента беш минг лира берди. Бу пул билан 1985 йилларда нима ҳам қилиш мүмкін әди. Талабаларим тарқаб кетганды, уйдагилари күркіб қолғанлари учун уларни энди кайтиб юборышмасди. Фазилатнинт әса ҳеч кими йүк әди. Тезда бир боскич топиб, жойлаштиришим керак әди. Уялсам ҳам эшикма-эшик сураб юришим керак. Уни уйимда меҳмон қылдим. Билган удейди, билмаган бу... бақы жосусдир, дейди. Бошқа бирови: «Бу қизнинт бу уйда қолиши жоизми?» – дейди. Хуш, унда кучада қолиши жоизми? Ақл ургатувчи күп әди. «Құлни құлта берайлик-да, бу мүштипарни күткарайлик», – дегувчи деярли йүк әди. Бари келиб ақл улашади. Ақл күп, чо-ра-тадбир үк.

Кун буини бир иложини топишни излардим. Пул суралам одамни жуда сиқиб юборади. Аммо... на чора?!

Нихоят, 1985 йилнинг бошларида Ункапанидан Манзакуғли Мустафо кира пулинини буйнинг олди, Салоҳиддин Юксал биродаримиз эса бошқа эҳтиёжларга ёрдам килди. Бир ижара топдик. Бир ой, икки ой тулашади, учинчи ойда эса воз кечиб кетишади, деб уйладим. Йук, воз кечмадилар. Фазилатнинг исмини ўзгартириб, ёш кизлар билан бирга уни хужрага жойлаштирудим, жуда хурсанд эди... Дарсларини яхши узлаштиради.

Аммо тартиб бир бор бузилган... сураб-суриштирадиган аҳволда эмасдим. Фазилат ҳозир қайда экан? Нима қилаётган экан? Туркия улкан, Туркия кенг... маллагина Фазилатни ким танийди? Қайдан топардим?!

Кеча журнал таҳририятида эдим, телефонни менга боғладилар, сухбатдошим йигларди.

– Менман, устоз, мен... Фазилат... Кўзларим толди... Безовта қилдим.

– Қайдасан, Фазилат, қайлардасан? – дедим. У хунграб-хунграб йиглади.

– Устоз, сураманг бошимга тушганиарни. Амаким мени узимдан йигирма беш ёш каттага берди. Тотмаган азобим қолмади. Ундан ажралдим. Бу гал хотини борга тегдим. Бир кеча полислар босди. Мени ҳам қамашди. Чиқканимда, эр бўлмиш одамни тополмадим. Битта болам бор. Амаким: «Уларникита борсанг, улдираман», – дейди. Паришон аҳволда яшаяпман. Мени босқичдан айирмасалар қандай яхши бўларди. Ҳаётим бундай маҳв бўлмасди! Шунисига ҳам шукр қиласман. Босқичда олган таълимим ва озрок тарбиям бўлмаса, балки ёмон йулларга кириб кетармидим. Менинг ҳикоямни босиб чиқаринг, устоз, ҳеч кими йўқ ёш кизларга ёрдам булсин. Никоҳ албатта яхши, лекин никоҳига олганни энг катта паноҳ, деб ўйламасинлар.

Фазилат йиглади... Ҳеч бу дунёда юзига табассум инармикан? Яна кулиб яшармикан? Менинг саволлар ва чорасизликларга гаркайлаб, телефон дастагини қўйди...

## ЭЪТИҚОД

Зайнаб хола шифохонадан чикиш учун ҳозирланмокда. Ҳеч кими келмади. Түрт үтил, икки қизи бор. Бирори булмаса, бирори келиб қолар, дея хола тез-тез деразадан қараб қуярди. Қохира жомеси минарасидан шомга азон айтиладиган вақт бўлган эса-да, ҳануз холани олиб кетувчилардан ларак йўқ. «Нега келишмади, не бўлди экан?» – дея ташвишланаради хола.

У, ҳамширалар «И-е, хола ҳалиям шу ердамисиз, кетмадингизми?» – деб қолишларидан хавотирда эди. Нарсаларини сумкасига жойлади. Дераза ёнига утиб, ташқарини кузатди...

Ёшлигини хотирлади... Олти боласи бор эди. Уларга исломий таълим-тарбия беришга ҳаракат килар, лекин уддасидан чиколмасди... яъни болаларига берган тарбиясини атроф-муҳит шамоли учирив олиб кетарди... Бир куни тунгич уғли Абдуллоҳ ал-Тойиб унга тик боқиб, исён қилди: бизни уз эркимизга қўйинг, она! Узингиз истагаинизча яшанг, аммо бизни уз холимизга қўйинг, она! Ёқамизни бушатинг!» – деди.

Зайнаб ёшлигида тиниб-тинчимасди. Доим исломни бошқаларга етказишга ҳаракат қилди. Анжуманлар ўтказди. Маколалар ёзди. Турли чикишлар қилди. Талабалар етиштириди. Аммо унинг муваффакиятларини куролмаган мусулмонлар (балки мунофиқлар) у хақда турли миш-мишлар тарқатиб, тинчлик бермас, безовта килишарди. Гоҳо Зайнаб ўзича тутақарди: «Нега бундай? Ахир, биз диний биродар, қиёматли қариндошлар эмасмизми?» – дея изтироб чекарди. Бу ёмон аҳволга чоралар ахтарарди. Қарори қатъий эди.

Ҳеч бир турухни танқид этмокчи эмасди, лекин уни тушунганилар, тинглайдиганилар оз эди. Бир гал Куръон таҳсили босқичидан ҳайдалди, кучага чикқач, йигла-

ди: «Нега қувылдим? Оллоҳим, менга сабр бер!» – дея у ердан узоклашди. Қайга борса танқидга учар, уни нотуғри тушунишарди. Англаган дунё муаммолари ва мүқобилларини тақдим этолмас ва бу учун хам изтироблар чекарди.

Одамларга кам фойдам тегяпти, дея уйлар, узини севганлар хам борлигини унуттар, узипи узи жуда кичик чөглар ва баъзан кунгли чукарди. Болаларга қалбан боғланган, тузматан ёшлик дамларини эслади... Қушниларининг болаларини хотирлади... Бушро, Фотима, Асила, Али, Козим, Мұхаммад, Заҳро... Үларни асалларим дея овутар ва узи хам бундан завқланарди...

Мана, шом азони мунглиғ-мунглиғ, хазин-хазин, улуг, охиста ва баланд тараалмокда. Гүё: «Зайнаб, ёлғыз әмассан, қара, мен борман», – деётгандек... Куз ёшилари думалаб-думалаб түшди... Ногох ҳамициранинг овозидан күшёр торти.

– Зайнаб ал-Содик... Сиз хали кетмадингизми, касалхонадаги муддатингиз битди, уринни бүшатишингиз лозим! – деди.

Бусулар қалбига киличдай ботиб, кунглини ағдар-тунтар, қон қылиб юборди. Ҳамицирага мултираб қаради... не дейди? Нима деса экан? Зуракирок сұз бошлади:

– Мени олиб кетишгани келишмади, бу кече бу ерда ётсам буладими? Бир кечалик зиёда хак тулайман.

– Нима, хеч кімнинг йүкми?

Ичи туздай ачишиб кетди. Оғриниб жавоб берди:

– Бор, болаларим бор. Аммо негадир келишмади. Бугун чикишимни бишишмаган бұлса керак. Эртага келишар... Телефонларини берсам...

Бирок кимнинг телефонини берсам экан, деб үйланиб қолди. Сүнг бирлан баланд овозда: «Йүк!» – деди.

– Улар менинг жон жойимга урдилар. Мен сизга Аслимнинг телефонини бераман. Болалигидан мени яхши куради. У келиб, мени олиб кетар... Эртагача рухсат ва мухлат беринг. Эртага курамиз...

Қуллари титраб сумкасидан дафтарини олиб, Аси-  
ланинг телефон рақамини берди.

Шом намозидан сунг яна урнига ётди...

Қандай бешафқат дамлар унинг учун, утиши қийин  
хам эди.

Ҳамхонаси барибир сурасдан туролмади:

– Сизни шифохонага болаларингиз олиб келибмиди?  
Бу савол бошига гурзидаи тегди.

– Йўқ. Мен болаларимни ун йилдан бери курганим  
йўқ. Мени тарк этишган. Айбим ислом даъвосини зим-  
мамда, деб билганим.

– Эрингиз йўкми?

– Улганида мен кирқ беш ёшда эдим.

– Хуш, мол-мулкингиз, пулингиз борми?

– Бор эди, ҳаммаси бор эди. Талабаларга, эътиқодим  
йулида харжладим.

Хаста аёл урнидан қўзғалиброқ, Зайнабга ачиниш  
 билан караб қўйди.

– Эътиборлироқ булмадингизми? Кексайишингизни  
уйлаб, узиғизга уй ва бироз пулнинг ғамини еб қўйга-  
нингизда гуноҳ булармиди?!

Зайнаб яна ҳоргин ва оғир нафас олди.

– Гуноҳ эмас, аксинча, Расулуллохнинг тавсиялари...  
Лекин ёшларнинг жойи йўқ эди. Уқиёлмасди улар.  
Чидаёлмадим. Бор-йуғимни талабаларимга сарфладим.  
Бир уйим, бироз пулим булса эди. Майли, пушаймон  
эмасман. Юзлаб ёшларга укиш имконини бердим.

Хаста хотин яна ачиниш билан сузида давом этди.

– Энди касалхонада гаровга қоласизми?

– Майли, эътиқод йулидаги машаққатларда ҳам  
лаззат бор. Сизнинг келиб-кетувчингиз куп, буюрсин,  
айтганларингиздан англаганларимнинг ҳаммаси бу-  
дунёлик. Нариги лунёда келиб-кетадиганларингиз бу-  
лиши учун яшамабсиз. Олтмишга кириб қўйисизу,  
ҳануз у дунёни уйламабсиз. Мен хайрли ишларда, сиз  
эса хайрсиз ишларда анча олдинга кетиб қолибмиз.

Хаста хотин бу гал асабийроқ мингирилади:

— Унда, шу күйи яшашда давом этаверинг. Сизнинг яхшилигингиз учун, сизни деб айтяпман.

— Айтманг. Айтганиларингиз тасалли эмас, утмишдан пушаймонлик уйғотиш учун. Пушаймон эмасман... Зотан, дунёдан кетишимга қанчаям қолди...

Иккови ҳам бир-бирига терс үтирилиб олишиди. Зайнаб яширинча йигларди... Хуфтонга аzon айтилmasдан ухлаб қолди... Тушыда болаларини, узини хафа қилган қатор мусулмонларни курди... Маҳшар куни эмиш... Уларни қаршиисига келтиришибди. Гойидан овоз эшитилибди:

— Буларни танийсанми?

У эса бақириб жавоб берармиш:

— Танийма-а-а-ан, танииман.

Үз овозидан уйғониб кетди. Рухидаги дардлар ортгандай булиб, урнидан турди. Таҳорат олиб, намоз үқиди. Дуо қилди.

Дуо қилаётганды эсига түшили... Бир куни шундай дуо қилиб туртанида, кичик қизи келиб: «Она, шу дуоингиздан безор булдим», — деди. Шуларни, уттан кунларини бир-бир куз олдидан утказди. Узи билматан ҳолда овоз чикариб, дуо қиласади:

— Мени жон жойимга урдилар, ёлгизлатдилар, хаста қилдилар. Оллохим! Узинг уйғот бу мусулмонларни! Ёлғизлигимни ишкінг билан бир бутун айла! Менга кандай машакқат берсанг, бу дунёда бер? Охиратда азоб берма, ё Раббий! Шифохонада гаровга қолдирсанг ҳам, жаҳаннамда гаровга қолдирма!..

Яна урнига қайтди... «Фарзандларим унугди. Сен унугтассан. Сен менга кифоясан, Парвардигорим», — дея дуоларида давом этди.

Бомдодга аzon айтилаётганды күзларини очди... Намозини үкиб булиб, деразадан қарай бошлиди. «Эй тонг! Мен учун неларга тулугсан. Бутун ҳам гаровга қоламанми?» — дея уз-узига сұзланар экан, хаёлита Асила

келди. «Асила! Асло мени унутмаган бул! Бу ерлардан мени олиб кет!»

Хаяжонда кутарди. Соат ҳам ун буляпти. Ҳамшира келиб: «Ҳалиям шу ердамисиз?» – деб қоладигандек, эшикка тез-тез қараб күярли. Бирдан эшикка ҳамшира пайдо булди. Хаяжондан юраги хаприқар ва тухтаб қоладигандек буларди.

– Хушхабар, Зайнаб хоним! Хушхабар! Сизни олиб кетгани келишди.

Зайнабнинг севинчдан кузлари шодликка тулди.

– Ким келди, ким келди?!

– Иккита йигит... Козим билан Мухаммад детан. Тай-ерланинг, кетасиз!

Тезда ҳозирланди. Ёнидаги хаста деразадан қааради... Бирдан хаяжонланиб, Зайнаб холага утирилди:

– Қаранг, қаранг! Шифохона боғида қиёмат буляпти, қаранг, келинг!

Зайнаб хола қизиқиб, деразага яқинлашди.

Кузойнатини тақиб, ҳалойиққа қаради:

– Булар... булар менинг фарзандларим, булар менинг болаларим, биродарларим... Мени олиб кеттани келдилар... Қаранг, куринг, Ҳасан ал-Қааб, Исмоил, Али, Мухаммад. Шу ердаги «Мумин» журнали сохиби... Қаранг, қаранг, Қохира жомесининг имоми...

Куз ёшлар ичра таниғанларини санар, уларга қул силкитарди...

Оломон аро юксалган такбир овозлари рухига кириб, кувват берар ва хаяжон ичра шодлантиради...

Болаларини ҳам курди. Ҳаяжон билан эшикка югурди.

– Хуш келибсиз, биродарларим, фарзандларим! Мени мамнун этдингиз... Нима дейишни ҳам билмай коляпман...

Бир гурух йигит-қизлар жавоб беришди:

– Опажонимиз! Айбга буюрмайсиз! Ҳолингиздан хабарсиз қолибмиз. Билмабмиз. Эшитишимиз биланоқ

бир-бири мизга хабар бердик... Ахволингизни билгани-  
мизда, сизни шу ҳолда қолдирармидик...

— Соғ булинг, раҳмат, биродарларим! Соғ булинг,  
раҳмат, болаларим, фарзандларим! Нима дейишимни  
билимаяпман...

Болалари айбдорларча келиб кучиши.

— Бизни афв этинг, онажон! Кечириңг бизни, — де-  
жишди. Аммо негадир түнгич үтли куринмасди...

— У кайда? Акангиз? Катта акаларинг!

Зурға жавоб бердилар:

— У энди мусулмон эмас, она! У насроний булди...  
Сиздан кетди. Лекин биз сизга қайтдик, она! Сизнинг  
ва бизнинг Парвардигоримизга қайтдик.

Бир муддат сукут сақлаб колган она ислом тарихини  
үйлади... «Майли», — деди.

— Не қилай? На чораки, Нуҳ алайҳиссалом ҳам бола-  
ларининг ҳаммасини қуткаролмадилар...

Кориниларини түйғизган, бир пайтлар уларға таом  
бергани — талабалари, шогирдлари, укувчилари яна  
бирға, баробар тақбир келтирдилар.

Зайнаб хоним севинч билан, ғурур билан оломон  
уртасидан юриб бораради. Бирдан кузи шифохонанинг  
узи ётган қаватита түшди, узини айблаган ҳамхонааси  
деразадан қараб турарди. Зайнаб хола «куряпсизми»,  
дегандай хурсанд булиб, унга қул силкитди. Муминиар  
тақбирлар билан Зайнаб хонимни — оналарини олиб,  
касалхонадан узоклашарди..

У хавотир ва жонсарак ҳолда маҳкамада жавоб берісі учун тайёрланарди. Маҳкамада бундаи демоқчи әді «Мен бир ишчиман... дил-хаста... Нече йилки, фил мимни суратта олдиролмадим... Бола-чақам паришон. Хотиним бемор.. Бу айбни мен кильмадим. Мени қүйін юборинг, жаноб судья! Беш кунлик дунёда bemalo, нафас олиб үлайин!»

Булмадош дүсти Сомий мазахчи нұсхалардан бұлға ни учун тирғалмай утолжады:

– Қани курамиз, биродар... Бироздан сунг назоратчи лар жандармалар билан бирга келиб, сени олиб кетади лар. Не ҳолинг бор, курамиз... Яхшиям юрагинг хаста.. Меники ҳам тешилса-ю, кутулсам бу жаҳаннамдан.

Оғир-оғир құзғалиб, тушаги остидан күйлагини олди У учун тушагининг таги дазмол вазифасини бажаради Чunksi u бой әмасди. Бой маҳқұмлар пул бериб, ташқарида кийимларини дазмоллатардилар. У гижимланған күйлагини кийди. Гүё күйлак унга гапирғаңдай буларди «Менинг ҳеч қандай ҳурматим йүкми? Нега әзтибоғ бермайсан?!»

– Эх, – деди Хорун, – маҳкамада кимга ҳурмат күрсатардим. Гижим күйлагимдан мен әмас, улар уялсін.

Шимини дазмоллаш учун күйди. Күтиш унга машаккат... Уфлай бошлади. Хона деразасидан ташқарига қарагиси келди. Аммо қаршисида одатдагидек совук бөкүвчи девор туради. Девор булмаса кучани куради. Балки бир оддий фуқаро, балки «нон келди!» деб бакирған нонфурушни курган буларди. Ва у билан бир дүнёда яшаёттанини ҳис этмоқчи әди, аммо булмади. Баланд девор бу орзуни тұсарди. Маҳқұмларға шуны ҳам күп куришарди... «Нега?!» – деди. Хорун уз-узига «Нега факатгина биз бу ерда тутқунмиз, ҳолбуки күзә

тула гунохкор... У ёки бу даражада айбдор... аммо нечун фактат бизгина бу ердамиз?!!»

Исёни борган сайин ортиб бораради.

Ногаҳонда эшик занжирларининг шакир-шукури эшитилди... гүё маҳкумларини эсига солиб туриши учун бундай ёқимсиз овоз чиқарувчи занжирларни тайёрлаб, урнатиб қуийшгандек эди. Бирдан эсига тушди... Кишлогида занжир буларди. Занжир кишаалар, арқон занжирлар. Аммо мана бу занжирлардек асабни этовламасди. Булар маҳсус, асабни бузиш учун, азоб учун тайёрланган эди. Хорун нафратланар, ҳа-ҳа шу занжирларни ёмон куарди у... Бирдан назоратчи Халилнинг овози эшитилди:

– Хорун Қандиллиғи эшикка... Маҳкамага берасан.

Совук карашлар билан эшикка яқинлашди. Ёқимсиз, совук занжирларга тикилди... Гүё илондай совук булган қулф-калит занжири бу! «Сента азоб булсин!» – дейтган-дек... Гүё унга узи тамсил этган ерни ҳимоя қилаётгандек боқарди. Хорун уттиз бешга кирганига қарамасдан, жанжалкаш боладай занжирларни ургиси, парчалагиси келарди. Үз-узига гапирмасдан утолмади: «Оллоҳнинг балоси, кеча-кундуз сенинг дастингдан уйқум учади. Тонгларда қиёмат тургандай овоз берасан!»

Жандарма овозидан хушёр тортди.

– Қани, ота, қулингни чуз...

– «Олинг, қулларимни кузингизта сукинг», – дегандай узатли жандармага, жаңдарма қулларига кишан тақаётіб ашула айтарди... Ватан бурчи битар-битмас у ерда эдим».

Хорун аскарнинг юзига боқди... Мингирагандай сұзлади... Сен Ватан қарзи битар-битмас у ердасан... Ва мен.. ва мен қачон у ерда эдим... Қандай қарзни үтайман? Нега бу ердаман? Мен қай қүшикни айтаман, аскар... Менинг қүшигим ёзилгани йүк-ку, ёзилмади-ку!

Маҳкумлар дүнёсидан болықа дүнёда яшаган аскар: «Бу одам савдойими, нима?» – деб қуйди.

Адлия йулагида эдилар... Кичик хужралы машинада соатлаб юрдилар... Бирдан «ота!» деган овоз эшилди. Хорун ва қизи билан хотинини курди.

Хотини Бушранинг ранги синиқсан, қозидан қони кочганди... Хоруннинг ёнига якинлашди: «Сизга жун пайпоқ туқидим, агар бу мухокамада рухсат бермаса, кейингисигача киясиз. Кейингиси сунгтиси булар».

Хорун хафа ва хорғин ҳолда базур сузлашарди:

— Хафа булма, шуниси охирги маҳкама, битади, уйга бирга кайтамиз, юрак хасталигим түгрисида маълумот олдим... Судьяга бермоқчиман. Сен пайнокларни сумканга солиб куй. Мени уйлаганинг учун раҳмат, соғ бул, Бушрам. Оллоҳ сендан рози булсин... Накадар ноzik күнгилсан... Мен эса қуполман. Афв эт. Не қилай... Тарбия... Кел, қизим, Фотимам, болам, кел сени упай...

Чуккалаган Хорун қизига кучоқ очтан ҳам эдики, аскар овози эшитилди:

— Хуп, тұхтант, етар шунчаси. Капитан кирса, менинг онамни ҳақорат килиб, сукади. Бизнинг сузимиз шу ергача утади...

Фотима ёшли күzlари билан отасига қаради, кейин аскарга йыгламсираган товушша:

— Аскар ака, бу менинг отам, болалар оталарини құчмайдиларми? Мен отамни жуда-жуда соғындым. Мен доим уни эслаб йиғлаіман... Сиз нега хафа буласиз, сизнинг отанғиз іүкми?

Аскарлар бу сүз қаршиисида котиб колдилар.

Иккинчи аскар кириб:

— Күй болани, отасига борсинг. Бу масъудиятни уз зинмамта оламан. Агар хизмат баҳосига тенг булсаям. Күй болани, отасига борсинг, — деди.

Фотима үқдай бориб отасини қучоқлади. Хорун барча кийнокларига шифо буладигандай қизини бағрита босди. Лекин бир қул Хоруннинг елкасыдан тутди ва силкитди. Бу кичик зобитнинг құли эди.

— Қани булди, бугунга етади... Бу күнларни жиноят килмасдан аввал уйлашынгиз керак эди...

У зұрға турди.

— Узингизни тутиңг. Оқда туриңг. Мусулмонга бунчалик бушашмоқ ярашмайды, Хорун, — деди Бушра.

Бушра жандармаларға ахамият бермасди. Хорун бироз хавотирланиб жавоб берди:

— Бу ахволим юрагимдан, Бушра. Бунинг устига арзимаган нарсадан айбдор бұлиб туришим менән азоб беради...

Демак, мен заифман. Ёки жуда тез заифлашдим... Бушра, юрагим сог бұлса зди. Эшик занжиридан тортиб, шу аскар лиbosигача гүё ҳаммаси менә «азоб бұлсın» демек учун тайёрланғандай... Ҳаммаси тугамоқда. Шу сунғы судим... Иншооплох... бирға кетамиз.

Маҳкама ҳузурига чиқдилар. Хорун титрар, судья оғзидан чиқадиган сүзни кутарди. Судья олдидағи маълумотномаларни титкилар, маҳкумнинг юзига бокмасди... Прокурор бир нималар билан машғул. Маҳкама булмасида уч-тұрт кишин... Хоруннинг ичи ачишиб, әзилади: «Демак, севғанларим шұтина, мени үйлайдиганлар ҳам», — дей күнгілден утказди.

Судья хужжатларни очиб, суд кила бошлади. Прокурор дағыноманы уқиди... прокурорнинг ҳар сүзи Хорунға бомбадай улдирувчи булиб түйилди. Ҳатто у номини Эшитматан жиноятылар унинг буйнига қүйиларди...

Судья көвөгини уйиб бақираради: «Қани, қани, биз уша маълумотлардан түйгәнмиз». Ёлғон тапиғирмокда, деб үйлаб Хорунни тингламасди ҳам.

Хорун үйлай бошлади... Судья адолат билан хукм этувчи дегани-ку?! Аммо бу қандай адолат! Қулимдаги ҳужжатта ҳам қарамайды!

Бирдан юраги сиқиб, ушлаб қолди, Хоруннинг көз томирлари бүртиб курина бошлади. Судья эса «Турланма!» дерди. Хорун бирдан ерга кулади. Бушра жон-дили

билан ачиниб, унга тикиларди. Судья хануз бакирарди: «Тур, бу ерда үзидан кетиб қолганларни күп курганмиз!» Жандарма Хоруннинг юрак уришини текширди: «Хорунбей, кузингизни очинг... очинг!» Жандарма бир неча дакиқадан сунг судьяга утирилди, жаҳл билан: «Судья жаноблари! Хорун үзини үлганга солиб үлди... Ҳа, үлди!»

Ҳақиқатан Хорун судья ҳузурида үлганди.

Бир неча соатдан сунг жаноза машинаси билан бирга Бушра уйга кетарди.

Тинимсиз йиғлаётган Бушра эришинг жасадига қараб сұзларди:

– Бу маңкамам сунтгиси, уйга бирга кетамиз, деган элингиз, Хоруним!.. Ҳақиқатда айтганингиз булди.

Узинг асра, Оллоҳим! Ҳаяжондан юрагим тухтаб қолгудек... Шу уртада нафас ростлаб, кейин борайин, бу ҳолда уни курсам буларим булади, деб уйладим.

Шундай ҳаяжонда эдим. Уша күнлар қандай эди! Қишлоғимизнинг феъл-атвори энг гузал қизига ошиқ булгандим. «Оллоҳнинг амри билан», дега уни отасидан суратдим... Отаси: «У эси йук Оллоҳни билармидики, Оллоҳ амри билан унга қиз сураяпсиз. Ичкиликни нима килди?» – дебди. Биринчи боришимиздаёқ бермаслигини айтибди. Мен Алифни ололмаслигимга ичкилик сабаб эканини билганим кечасиёқ ичкиликни ташладим.

Иккинчи, учинчи, бешинчи марта сурошимизга қарамасдан, Алифнинг имом отаси: «Оллоҳга хиёнат қилган қизимга ҳам хиёнат килади, бундай ароқхурга қизимни беролмайман», – дебди. Чидолмасдан Алифға яна мактуб ёздим. «Сен Оллоҳдан қуркмайсанми, Алиф? Мен сен учун улиб тамом буляпман, ҳануз ишонмайсанми?» – дедим. У эса мактубни уқиб ортга кайтарибди, ҳат олиб борган «элчи»га «Ҳафа булмасин, қанча-қанча телбаларча севицгандар бир-бирларига етишмаса-да, яшаб кетгандар, у ҳам яшайди, турмуш қуришимиз мумкин эмас, энди бу ишдан умидини узсин!» – дебди. Бу хабар мени токатимдан айирди. Ҳаёлимга илк келган нарса – узимни улдириш булди. Аммо дарров ҳушимни йиғдим. Мен Алифимга етишишим керак эди. Режа туздим, Алифни олиб қочмоқчи эдим, дархол хабар бердим. «Аслида уша телбани мен ҳам севаман, аммо турмуш куролмаймиз, отам хоҳламайди. Қочиш таклифини эса улсам ҳам қабул қилмайман», – дебди.

У ҳам мени севарди, буни яхши билардим. Қочиш фикрини тутиб олдим. Билардимки, имомининг қизи ҳам севади, унда ҳам кунгил бор.

Мен учун ер юзида факат Алиф бор эди. Кеча-кундузим у эди.

Бир қуни режамни амалга оширдим, Алифни дустимнинг машинасида уч киши билан олиб кочдик. Отаси даъвочи булмаса эди, деб хавотирландим. Тушунган одам экан: «Шикоят этишнинг бирор маъноси йук, кизим хохласа, берганим булсин», – дебди. Хурсандчилигим чексиз эди. Дархол исломий ҳамда конуний никоҳдан утдик. Ҳожаугли кишилогига тезда кайтдик. Энаи Алифимга етдим. Оч ва сувсиз қолишга ҳам рози эдим. У ҳам шод, масъуд эди. У ҳам мени севганини, лекин сездирмаганини эътироф этди. «Сизга ишонолмасдим, сизда таклид курадим», – деди.

Жуда баҳтиёр эдик... Аммо фақирлик белимизни букарди, уч фарзандлик булдик. Мактабга борадиган булсалар пул топилмас, тийин ҳам йук эди... Алиф жуда фидойи аёл эди...

Жоним эди менинг... У оч қолардию, бирок гуруримга тегиб кетмаслик учун индамасди... Жуда гузал хулкли эди... Фарипгадай эди Алиф... Баъзан бир кунлик ишга борар, мен эса жуда уялардим. Унга ачинардим. Бироз хасталансам, Алиф не қиласини билмай бошимда куйманарди, «Сенга берадиган дардни Оллоҳ менга берсин!» – дерди. Намоз уқиёлмаганим учун жуда хафа буларди. Ҳар нарсадан мени қуриклар эди. Қайғуришимни хеч истамасди. Аммо мен... барча масала шунда эдики, мен қанчалик фидойи ва қанака инсон эдим?!

Бир қуни радиони қўйдим. Қўймасам буларли, нега ҳам қўйдим экан. Радио: «Олмонияга ишчилар жунатилмоқда. Боришни истовчилар «Иш ва ишчи» ташкилоти булимита учрашсинглар!» – деган эълонни уқирди.

Факирлик жонимга текканди. Севинганимдан бир жойда туролмасдим. Тезда кийиндим, шаҳартга бориш учун тайёрландим. Эпикла Алифга дуч келдим. «Йул булсин!» – деди. «Олмонияга, Алифим, Олмонияга. Сени эл эшигидан кутқармокчиман. Уйимнинг малика-

си буласан!» – дедим. Юзига карадим, узгарди. «Бу иш ёқмайди», – деди. «Нега ёқтирмайсан? Келтән имкониятдан юз угирамизми? Жиннимисан?!» – деб бақирдим унга. Кузлари ёшланди.

– Отам исломда эр-хотин хижрони энг күп – турт ой деди. Шунинг учун Расулулоҳ аскарларга түрт ойда бир марта уйига рухсат берганлар. Сиз билан ажралишимиз яхши булмайди... Мен хохламайман, – деди.

Бошимга гурзи билан ургандай булди. Қотиб қолдим.

– Сен кимсан-а, кимсан сен. Мен кетаман. Ишимга аралашолмайсан, – дедим. Чиқиб кетдим. Олмонияга ишта ёзилдим. Уч ойдан сунг таклиф қоғози келди. Мен севинчимдан, хотиним хафалигидан тушмасдик. Бир дустимдан қарз олиб, Олмония тайёрғарлигини кура бошладим.

Катта йул сумкамта нарсаларимни жойлаёттанимда, Алифнинг йиглаёттанини курдим. Ҳам йиглар, ҳам сузларди:

– Олмонияга бориб, мени унугасиз, деб жуда құрқаяпман.

Учиб ёнига бордим:

– Алифим! Телба булдингми? Бу гапни менга қандай айтаяпсан, мен сени унугтиб, олмон таннозларига алмашаманми, шунчалик пасткаш булдимми? Шундай золимликда айбласанг, сени кечирмайман. Мени билмайсанми? Сен учун, сенга үйланиш учун улимимга рози булмадимми? Мендан қандай шубхаланасан? – дедим.

– Аёл эркакни, эркак аёлни тортармиш. Олмон гузаллари икки карра жало этармиш. «Жуфти ёнида булмаган аёл ҳам, эркак ҳам зинога яқын туради», дердімар отам. Жуда хавотирланыпман. Құрқаяпман, – леди.

Автобусга минганимда ҳам ёнимдан ажрамади.

– Олти ой күт, жоним, олти ой. Үндан кейин сени тезда Олмонияга олиб кетаман. Сенсиз Олмонияни не қиласдым, – дедим. Сунгти сузимиз шу булди. Хайрлашдик. Олмонияга келган илк күнлар Алифимнинг

қадри утди. «Нимагаям келдим?!» – деб күп пұшаймон булдим. Даастлабки пайтлар ҳар куни мактуб битдим. «Алифим! Оз қолди, сени олиб келаман!» дедим. Ке-йинрок ҳар куни ёзолмадим. Уч ой уға... Олмон киз Вера менга йулиқди... Руйхушлик бермадим... «Менинг севимли хотиним бор, даф бұл!» – дедим. Аммо у қулоқ солмасдан, чала-чулпа туркчалаб: «Сени жуда-жуда севаман!» – дерди. Асло, дедим, асло! Алифимга хиёнат қилолмайман. Аммо насроний қиз жозибадор ва маъсум чехрали эди. Майл эта бошладим... Вераға олиқ булиб қолдим. Алифимни унутдим.

Энди бор-йүгім Вера эди. У билан яшай бошладик. Энди ойлар утар, Алифга мактуб йулламай қуйтандым. Бир кун хат келди, очиб үқидим, Алифдан эди.

«Жоним, борлигим! Кайларда қолдингиз? Олмонияни ватан этдингизми? Маскан тұтдингизми? Кайдасиз? Хастамисиз, хабарингиз иүқтігідан қаңғудаман, уиқум келмайди, оқибатда зотилжамга шулиқдим. Болалар: «Отамиз бизни унұтди», – дейшишмоқда. Фотима: «Отамнинг юзи қандаи эди, хотирлағылмайман», – деди. Ҳаётингизни биләйлик, икки қаторгина ёшиб юборын! Дүстінгіз ҳам: «Хато қылма-син, күп гапирмасин, қарзини тұласин!» – деб келиб-кетиб турибди. Не булади сизге, хотинингизни гап әшиштиради-ган, сузига әгалік қылолмайдын булиб қолдингизми?! Сиз шараф сохиби, ор-номусын инсон әдингиз, жоним, жаҳоним, борлигим, икки әнлик мактуб йулланг, ҳолингизни билай, телба қылманг, зиёда күтдириб, шылдақ этманг!»

Мактубни уқиёттанимда Вера келиб қолди. «Нима бұлди, севгилім!» – деди. Юзига қараб: «Хеч гап йүк, бир ахмоқ дустимдан хат келибди», – деб қоя қолдим. У ҳам бемалол: «Мен ахмоқ хотинингдан келғанмикин, лея уйлаб, беҳуда рашқ киілдим», – деди.

Ох! Алифимни бошқаси «ахмоқ» деса-ю, мен унинг жагини ушатмасам... унга: «Сен қандай қилиб менинг

хотинимни ахмок даяпсан?» – деёлмасам... Вера мени хурмат қиласди, улугларди. Уни хафа қилолмасдим.

Ойлар, йиллар шундай үтди. Верадан бир бола курдим. Алиф нима қиляпти? Сурамасдим.

Бир куни Вера билан қултиқлашиб кетарканмиз, шундай уйимизнинг олдида хотиним Алиф билан юзма-юз келсак буладими?! Ё Раббий!

Қотиб қолдим. Ҳа, бу Алиф эди! У ҳам музлаб қотиб колганди. Иккимизнинг ҳам тилимиз сузга айланмасди. Уятдан ер ёрилса-ю, унинг қаърига кириб кетсам, дердим. У қанчалар қийналғандир... Алифнинг азобини ҳис этмоқ учун уни ҳам бир әркак билан куришим керакдай эди...

Бир-биirimизга хаяжонланиб қарап эканмиз, бириңчи суз бошлаган Алиф булади:

– Вой, эвоҳ, менинг жоним-жаҳоним, борлиғим ҳақиқатдан сизмисиз?! Жонимни берган одамим шу сизмисиз? Уша дунёга алмашмаганим сизмисиз?!

Силкиниб-силкиниб йигларди... Деворга суюниб колди:

– Қарзини туламаган дүстингиз: «Бир кеча кел, эрингдаги карзимни кечиб юборай», – деди... Ор-номусингиз колганми?!

Жавоб бермоққа имконим йук эди... Вера сұхбатлашмокчи булади. Бириңчи бор Верага «жим!» дедим. «Бу менинг хотиним, унга ҳақоратнираво курмайман».

– Кел, уйимизга кирайлик, дедим.

Ёшли күзлари билан қаради:

– Уйимиз эмас, уйингиз бор сизнинг... Бизнинг уйимиз барбод булади энди, – деди. Оркага қайтди...

Етиб олдим:

– Қайга кетяпсан, чиитантни олай, – дедим.

Гүё лутф этардим. Қол ёнимда, демасдим. Сенга чипта олайин, дердим. Уяти йук одамман.

– Мен кетаман. Қарзни келтиринг, йүқса полиста арз қиласман... Менинг ор-номусимни уйламаганни үйлата-

нимдан не чиқди, кийналганим не булди, ачинганимдан не фоида...

Дустим Али Дурукникида уни меҳмон қилдик, икки кунда кўлига ун минг марка бердим. Чиптасини олдим. Уни аэропорғдан кузатдим.

– Энди сиз мен учун йўқсиз, улдингиз... Ҳеч ерда, ҳатто жаннатда ҳам сизни куришни истамайман. Оллоҳ, изн берса... – деди йиглаб. – Менга буни қандай раво курдингиз, ишонгим келмайди, аммо на чораки, ишонишга мажбурман, чунки курдим...

Ва кетди. Оркасидан бир муддат йигладим.

Аммо унга шу ерда кол, лёймадим. Неча куниар эзилдим. Аммо Верадан ажролмаганим учун батъзан унугтардим. Ер ютсин мени! Куйидирдим Алифни! Батъзан бунга сабабчи булган Верани ёмон куриб кетар ва нафратланар Эдим, аммо эҳтирос мени яна узига тортарди.

### Ун йилдан сунг

Энди ёшим анча жойга бориб қолди... Верадан булган уғлим 12 ёшта кирди.

Бир куни олмон Хелмут уста ёнимга келди:

– Ҳей дустим, сени олмонлардан фарқ қилиш мушкул, сени жуда ёқтираман, офарин, – деди.

– Мен олмон эмасман, мусулмонман.

– Мусулмонлигинга далилинг борми? Агар бу тунгиз этини емаслик бўлса, мен ҳам емайман, мусулмон булмогимга шу етгарлими?

– Мен қалимаи шаҳодат келтираман, – дедим.

– Келтир, эшитайлик, – деди у.

Келтирдим.

– Шу қадарликми сенинг мусулмонлигинг? Лабларингни кимиirlатдинг. Кутулдинг. Шуми? – деди.

– Мен қалбан тасдиклайман.

– Нимани? – деди.

– Оллоҳдан бошқа илоҳ йуқлигини, – дедим мен.

— Аммо ишонмайсан. Сенинг калбинг Илоҳдан кура, шаҳватга яқин, меимимча. Чунки сен оврупалик каби яшайсан... Сенинг дининг шундай қадрсиз, кимматсизми? Узига хос ақоидлари йўқми?

— Бор, — дедим.

— Қани, қайда? — деди.

— Менда йўқ, аммо динда бор, яъни диннинг ақоидлари бор, — дедим.

— У колда, сенда дин йўқ, шундайми? — деди ва ёнимдан узоқлашиди.

Ё Раббий, Узинг қулла! Бу шапалоқ эди менга!...

Оқшом шу саволлар қийногида уйга бордим.

Овқатланаёттандан тусатдан Вера:

— Яхшиям, сен мусулмон эмас, ғарбликсан, йўқса сен билан баҳтли булмасдик, — деб колди.

Демак, Вера билан баҳтли булишим динимни курбон қилишим экан-да!

Шунинг эвазими бу, бадалими бу?! Воҳ!

Бу икки воқеадан сунг Исломни билишга киришдим. Мен нечун чала мусулмонман? Нега тула, комил мусулмон эмасман, деб уйладим. Узимдан сурадим. Ва бутунлай Оллоҳимга қайтдим. Қайтишимга «Сур», «Мактуб» ва «Рибот» журналлари катта ёрдам курсатди.

Тула мусулмон бўлганимдан сунг ахвол узгарди. Вера мени тарқ этди. Елғиз колдим. Алифим эса кетган. Энди унга етишум мумкин эмас. Вера ҳам келмайди. Кетди. Бу жазолар менга ҳақ эди, уринли эди. Бу жазони тортмокдан чекинмадим. Лекин ёлғиз қолишим билан Алифнинг оташи мени ёндирарди. Ёқиб кул киларди. Ва болаларим... Қиёфамни унуглан қизим! Ва яна Алифим!..

Мен нима қилиб қўйдим? Қандай қилиб бу хатога йулиқдим?!

Йиглаб-йиглаб жавонларни титиб-титкиладим, Алифнинг эски мактуби қулимга тушди, ҳар сатрини куз ёшларим билан уқидим.

«Олмонияни маскан тутдингизми, жоним! Гузалларни куриб, мени унугдингиз... Түгрими? Унугдингизми? Қани олти ойда олиб кетаман, деганингиз?! Қани унумайман деганингиз?! Не булди сизга?! Олмония ютиб кубордими? Нега жимсиз? Икки калима, икки энликкина ёзиб юборинг, ахир!!

Юзимни мактубга босиб йигладим. Алифим!.. Худо хакки, не булганини билмай қолдим. Шайтон йулдан урди. Йук, балки унга узим эргашдим... Ногоҳ нималар килиб қўйдим!

Пушаймонликни ифодалаб буларми?! Мумкинмикин бу гўйгуларни англатмоқ?!

Ойлар утди. Мен ҳам энди тулиқ мусулмон эдим.

Ҳеч кутилмаганда тунгич уғлимдан ҳат олдим. Болам мени ҳануз «ота» дерди... У мендан афзалроқ экан. Бу болани ким тарбиялади? Алиф эмасми?! Унга қилган ёмонликларимта қарамасдан, болаларимни осий килиб етиштирмади. Ҳалоли булсин! Мактубнинг охирларига келганда, чидаб булмайди! Узинг мадад бер, Оллоҳим! Уғлим: «Ота, балки хафа буларсиз, аммо онам турмушига чиқди!» – деб ёзибди.

Оҳ! Демак, менинг ҳозирги азобларим, изтиробимни Алиф уша кун тортиган экан-да!

Болаларимнинг олдига борай, деб ҳозирландим... Болаларим эмиш... Қандай уятсиз оламман! Қай юз билан карайман уларга?!

Майли, барибир бораман болаларим олдига! Майли! Ҳечдан кура кеч бўлса ҳам!

Йулга тушдим. Үн уч йил аввал айрилган уйимга келдим... Ярим тун... Ичкаридан бир одам:

– Ким у? – деди.

– Менман, бей! Шу болаларнинг отаси...

У эшикни очди. Келишган йигит экан...

– Хуш келибсиз, ота! – деб буйнимта осилиб, кучоқлади. Уят устига уят булиб, уғлимни танимадим. Ичкари кирдим.

Юрагим каттиқ урар, бир кинидан чиқиб кеттудай  
булар, яна бир тұхтаб қолғандай...

— Қизим қани? — дедим.

— Онам билан кетди, — жавоб берди үғлим.

Мен унині, у менинг — бир-биirimизнинг юзимизга  
қарай олмасдик. Демак, онасининг ёнида экан... Азоб  
хам бу қадар аччик булурми? Ё Раб!

— Яхшимисиз, қандайсиз, ота! Ахволингиз қалай? —  
деди үғлим. Қандай юз билан бу уйға келдинг, демади.  
«Ахволингиз қандай?» деди. Уялиброк:

— Яхшиман, — дедим.

— Оллоҳ яхшилик берсін, ота, Оллоҳ агадияттагача  
яхшилик берсін. Бу дунё яхшиликтари аҳамиятлидір,  
аммо охират яхшилиги баридан мұхим...

Шу сузларни менинг үглем айтдими?!

Хайратландым ... Лол қолдым.

Хаёлим Алифда эди. Аммо уни суриштирмасдим.  
Бир пайт: «Қанлай яшадингиз?» — деб сурадим.

— Онам күнлик ишларга кетардилар, биз хам улға-  
йиб, турт-беш қуруш топдик, кейинги пайтларда сиз  
хам юбориб турдингиз... Оллоҳ рози булсін!. Онамиз  
бизни бирөвнинг қулиға қаратмай, мұхтож қылмасдан  
улғайтирадилар.

— Аммо, охир-оқибат турмушга чиқди. Шундайми?  
Үглем қозымга қаради.

— Онам турмушга чиқмадилар, мактубға шундай  
ёзишимни сурадилар, мен эса ёздим, — деди.

Ё Оллоҳим! Севинчми бу? Жиши булмоқми? Дархол  
үглемнинг қулидан тутдым:

— Тезда онанғнинг ёнига борайлик, — дедим. Үглем  
гоят олижаноблик билан:

— Борсак хам онам сизга қайтмайдилар, ота... йиллаб  
ийгладилар, чунки әзилдилар, қыйналдилар. Қачон сиз  
ҳақингизда гапирмоқчи булсак: «Шундай бир инсон  
буларди, яшарди, әнди йүк, үлди-кетди, у ҳақда менга  
суз очманглар», — дейдилар.

Журъат етишмади. Эртаси кун қишлоқда не қилишимни билмай, чорасиз ҳолда кездим ва кексарок воситачилардан топиб, Алифга жунатдим. Ҳаммасига:

— У мени тириклай ёкли, уни ҳохламайман, — дей фарёд қилибди.

Чорасиз эдим... Бормоқчи булдим. Бор журъату жасоратимни түплаб, уйининг бусагасигача келдим.

Үйда эди, биламан. Юрагим тухтаб қоладигандек... Ё Раббий! Бироз тин олиб, сунг борай... Утириб, нафасимни ростладим. Нимадан тап бошласам, дей режа туздим. Үйладим. Жоним, Алифим десамми? Йу-у-у-қ унда: «Жонингни бир таннозга нега алмашдинг?» — дер... «Сени жуда соғиндим» десам, йу-у-у-қ ишонмайди. Ишонмас...

Худди шу аснода қаршимда тикилиб турарди... Алиф! Жуда жиддий ва викорли!

— Сиздан илтимос, үзимта жой топгунимча бу ерлардан узоклашинг, элчи ҳам юборманг менга... Сиз билан ҳеч қандай боғланишимиз қолмаган...

Жуда кескин ва қатъий гапиради у... Йигладим.

— Не десант, ҳақинг бор, — дедим. Бу орада қизим келиб қолди. Онасига йиглаб ёлворди.

— Онажон, отам билан ярашинг, бизлар ҳам шод булиб яшайлик.

— Үн уч йилки, йиглаган мемман...

— Аммо хозир отам ҳам йигляптилар, шайтон йулдан бир урибли, аммо қаранг, узр сураяптилар, ахир, жохил эркакларгина ҳам айб қиласидилар, ҳам узр сурамайдилар. Отам узр сураяптилар. Онажоним, буйим усди, улғайдим, лекин ҳеч шод-хуррам утган кунларим булмади... Хуп дент, онажон!

Қизим ёлвораёттганда, мен бое эшиги томон юрдим. Бирдан Алифнинг овозини эшитиб, севинч ва ҳаяжондан қотиб қолдим:

— Қизим, чақир отангни, оч қолгандирлар, отангта дастурхон ҳозирлайлик!

## МУНДАРИЖА

### ВИЖДОН АЗОБИ

Хато.....	4
Биз ҳам мусулмонмиз.....	7
Виждоннинг шафқатсиз зарбалари.....	11
Болам пора-пора булди.....	13
Бир оиласи буздик .....	16
«Мени кечир, жигарим».....	18
Отам ўлимидан кейин .....	21
Виждон азоби тинурми? .....	26
Оҳ, Олмония! Сен мени куйдирдинг .....	30
Тақдир .....	33
Отамни йиглатдим .....	36
Онам ва оиласи мени ҳакли тарқ эти.....	41
Отамга қилғанларимни унугомайманд .....	44
Оллоҳдан топарсан, Нилой .....	50
Чала утган түй .....	53
Отасидан тонган қиз .....	56
Повилинга қандай тушиб қолдим .....	59
Ибрат .....	78
Тоғора .....	83
Мени мендан қуткаринг .....	86
Ҳайвон ҳақи .....	95
Жойнамозда йиглаган қиз .....	97
Аввал яшамаган эканман .....	99
Олмонияга қайтиши .....	103
Заиф эътиқод .....	109
Жазо .....	112
Онамнинг чинкиригини унугомайманд .....	117
Учта усмирға раво курдим .....	123
Бахти оиласи куролмайманд .....	125
Турт новдамни синдиридилар .....	128
Тавба кўз ёшлари .....	133
Кимор .....	136
Биргина «йўқ»нинг оқибати .....	137
Ёш эдим, тез алдандим .....	140
Мени кечир, Али .....	144
Такаир гуноҳга етакламайди .....	147

### ВИЖДОН ҚОРАЙМАСИН

Бир пиёла чойта интиқлих .....	152
Бир кизнинг аччик қисмати .....	159

Кунгил кузи кур булмасин .....  
Мени боскичдан айирманг .....  
Эътиқод .....  
Айбдор .....  
Хаётимни барбол қиlgан хато .....

---

*Адабий-бадиий ишлар*  
**АМИНА ШЕНЛИКҮЕЛИ**  
**ВИЖДОН АЗОБИ**  
*Мактуб-роман ва ҳикоялар*

Мухаррир  
Феруза КУВОНОВА

Бадиий мухаррир  
Зилола ТҮЛАГАНОВА

Компьютерда саҳифаловчиги  
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Техник мухаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия раҳами: АI № 252, 02.10.2014 да берилган.  
Босишига 28.10.2020 йилда ружсат этилди.  
Бичими 84x108 I\32.  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қозози.  
Босма табори 5,75. Шартли босма табори 9,66.  
Адади нусла 2000. Буюртма № 149.  
Бағоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чап этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.  
**Мурожаат учун телефонлар:**  
Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.  
Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.  
Факс – (71) 273-00-14;  
email: yangiasravlod@mail.ru



# ВИЖДОН АЗОБИ

АМИНА ШЕНЛИКҮҒЛИ



ISBN 978-9943-27-851-1



821